Етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ!

Бобур ва дунё

Маънавий-маърифий, илмий, тарихий, бадиий журнал

№2(19) 2021 йил. Июнь

Бугун авлодлар, ижодий мактаблар, анъаналар, тушунча ва тасаввурлар янгиланмоқда. Интернет замони ўз талаб ва қоидаларини илгари сурмоқда. Ана шундай мураккаб ўтиш даврида миллий журналистикамиз илгари кузатилмаган турли синов ва қийинчиликларга ҳам дуч келаётганини эътироф этиш ва уларни биргаликда бартараф қилиш ҳақида ўйлашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
Матбуот ва оммавий ахборот
ходимларига табригидан.
26.06.2021 йил.


МУНДАРИЖА

4. Мерос

Зокиржон МАШРАБОВ.
Хориждаги илмий-маданий бойликларни ватанга қайтариш зарурати

10. Таҳлил

Неъматилла ОТАЖАНОВ, Умида АБДУРАСУЛОВА.
Бир асар таржимаси тарихи (Лейден – Эрскин таржимаси)



17. Тадқиқот

Қодиржон ЭРГАШЕВ.
“Бобурнома” ва мемуар наср тараққиёти


23. Адабиётшунослик

Ғулом АТАДЖАНОВ.
“Оғабий” романининг ўзбекча таржимаси



28. Мозий тилсимлари

Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА.
Заҳириддин Муҳаммад Бобур зали ҳақида



33. Ҳарбий таълим

И. МАҲМУДОВ
Бобур стратегияси ва тактикасини курсант ёшлар онгига сингдиришнинг усул ва воситалари



38. Улуғларни англаш

Буробия РАЖАБОВА.
“Баҳористон”да Навоий таърифи



44. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги

Ўткир ҲОШИМОВ.
Урушнинг сўнгги қурбони

51. Кўнгил сарҳадларида

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.
Кўзларингда умид ёнар...



54. Хазина

Нодирхон ҲАСАН.
Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматли дунёси

58. Ҳикоялар

Олим ЖУМАБОЕВ.
Жазо.
Катализатор



63. Ёшлар минбари

Шоҳсанам ҚАРШИЕВА.
Навоийда муаммо жанри

65. Тилшунослик

Ферузахон КАРИМОВА.
Мулоқот қоидаларидан чекинишнинг прагматик хусусиятлари



72. Суҳбат

Муяссар ИБРОҲИМОВА.
Хосият РУСТАМОВА: «Хаёл сенгагина тааллуқли бўлган мамлакат!»



75. Эъзоз

Меҳрибон ЁДГОРОВА.
Шуҳрат домла қадрлаган “жавоҳир”

79. Латиф лутфлар

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ.
«Бобожон, сиз яширининг»

Алишер Навоий куллиётининг Париж нусхаси ўзбек тили ва адабиёти тарихида беқиёс хазина қолдирган шоир асарларининг замонавий тўпламларини нашр этишда асарлар матнининг саводлилик даражасини таъминлашдагина эмас, китобат ишининг бадиий жимжимадорлиги масаласида ҳам ўтмиш аждодларимиздан ибрат олишимиз лозимлигини ёдга солиб туради. Келгусида куллиёт таркибидаги асарлар факсимиле ва бошқа илмий нашрларга жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



ХОРИЖДАГИ ИЛМИЙ-МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ВАТАНГА ҚАЙТАРИШ ЗАРУРАТИ

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” деган сўзлари ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган барча олим ва мутахассислар, тадқиқотчилар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳам 1992 йилдан буён ўз имконияти доирасида тақдир тақозоси билан турли давр ва шароитларда четга олиб кетилган ва бугунги кунда хорижий давлатларнинг нуфузли музейлари, фондлари ва илмий-маърифий муассасаларида сақланаётган ноёб қўлёзма ва китоблар, архив ҳужжатлари, осори атиқаларни ўрганиш, имкон қадар уларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш бўйича иш олиб бормоқда.

Жумладан, ўтган давр мобайнида фонд томонидан тузилган халқаро илмий экспедиция автомашинада 420 минг километр йўл босиб, 40 дан зиёд мамлакат бўйлаб сафарлар уюштирди. Ушбу сафарлар чоғида Ватанимиз тарихи ва маданиятига оид муҳим янгиликлар излаб топилди, бизда мавжуд бўлмаган манбалар қўлга киритилди ва улар Андижон шаҳридаги Бобур боғида ташкил


этилган "Бобур ва жаҳон маданияти" музейида мужассамлаштирилди. Музей экспозициясидан 700 га яқин нодир қўлёзма асарлар ва китоблар, қимматли манбалар, археологик ва меъморий ёдгорликларнинг намуналари ўрин олган.


Хусусан, "Бобурнома"нинг Ҳиндистондаги "Саланжанг" музейида сақланаётган Ҳайдаробод нусхасидан кўчирма, Бобур Мирзо кашф этган "Хатти Бобурий" алифбосида ёзилган Қуръони карим нусхаси, "Бобур куллиёти"нинг Эрон нусхасидан кўчирма ҳамда "Бобурнома"нинг турли тилларга таржима қилинган 20 дан ортиқ қўлёзма нусхалари ва замонавий нашрлари музейга файз бағишлаб турибди.

Олиб келинган манбаларнинг элликга яқини фонд томонидан таржима ва табдил қилиниб, чоп эттирилди. Харольд Лэмбнинг "Бобур-йўлбарс", Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий", Румер Годеннинг "Гулбадан", Вильям Рашбрукнинг "Ўн олтинчи аср бунёдкори", Хондамирнинг "Буюклик хислати", "Ҳабиб ус-сияр", Фриц Вюртленинг "Бобур-йўлбарс" ("Андижон шаҳзодаси"), Самюэл Беркнинг "Акбар – бобурийларнинг энг буюги", Ирож Аминийнинг "Кўҳинур – Бобурнинг олмоси", Исматуллоҳ Мўъжизийнинг "Таворихи мусиқиюн" асарлари, шунингдек, "Бобурнома"нинг замонавий ўзбек тилига табдили, "Бобурнома миниатюралари" китоблари шулар жумласидандир.

Ўзбек бобуршуносларининг кейинги йиллардаги изланишлари натижасида юзага келган "Бобур ва Юлий Цезар", "Бобур ҳақида ўйлар", "Асрларни бўйлаган Бобур", "Бобурийнома", "Буюклар изидан", "Андижондан Даккагача", "Андижондан Бағдодгача", "Хорижда бобуршунослик", "Бобурнома" учун қисқача изоҳли луғат", "Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври", "Сўзга айланган қилич", "Буюк соҳибқирон изидан", "Таърихларда темурийлар сиймоси", "Рисолаи Бобурийя" ва бошқа кўплаб асарлар фонд ҳомийлигида нашр қилинди.

Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, халқаро экспедицияларимиз давомида маданий бойликларимиз бўлган, буюк аждодларимиз мангу ором топган масканларни топишга муваффақ бўлдик. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Ал Фаробий, Ҳисрав Деҳлавий, Мавлоно Лутфий, Али Қушчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Бобораҳим Машраб каби буюк зотларнинг сўнгги манзиллари зиёрат қилинди ва уларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ўрганилди. Натижада афғон юртида қаровсиз қолиб, деярли харобага айланган Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камо лиддин Беҳзод, Бобораҳим Машраб каби буюк аждодларимизнинг қабр-мақбаралари шарқона лойиҳалар





асосида, бугунги кун талаби даражасида ободонлаштирилиб, зиёратгоҳларга айлантирилди ва айлантирилмоқда. Абу Райҳон Берунийнинг Ғазнадаги, Ал Фаробийнинг Дамашқдаги, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг Кашмир вилоятидаги, Али Қушчининг Истанбул шаҳридаги қабрларини ҳам обод этиш лойиҳалари тайёрланмоқда.

Фонд низомида белгиланган вазифаларни бажариш жараёнида Ғарб ва Шарқ бобуршуносларининг алоқалари мустаҳкамланди. Хусусан, ўтган йиллар давомида фонднинг Қирғизистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон, Туркия, Япония, Германия, Миср, Швеция, Россия каби ўндан зиёд давлатларда Бобур номли халқаро жамоат фондининг бўлимлари очилди. Уларнинг ёрдами билан Бобур ва бобурийлар, темурийлар ва бошқа буюк аждодларимизга тегишли қўлёзмалар ва ноёб китобларни юртимизга олиб келиш имконияти кенгайди.

Хорижда ва Ўзбекистонда бобуршунослик ривожига катта ҳисса қўшаётган олим ва ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида фонд томонидан Бобур Халқаро мукофоти таъсис этилган. Ҳозиргача ушбу мукофотга 20 дан зиёд бобуршунослар сазовор бўлди. Улар орасида япониялик таниқли олим Эйжи Мано, америкалик бобуршунос Уилер Текстон, германиялик Клаус Шонинг, озарбайжонлик Рамиз Аскер, афғонистонлик Шафиқа Ёрқин, республикамиздан таниқли академиклар Азизхон Қаюмов, Сабоҳат Азимжонова, Абдулла Аъзамов, профессорлар Саидбек Ҳасанов, Сайфиддин Жалилов, Ваҳоб Раҳмонов каби олимлар, Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султонов, Сирожиддин Саййид каби ёзувчи ва шоирлар бор.

Туркиялик таниқли профессор, Бобур халқаро мукофоти совриндори Билол Ужел томонидан шоҳ ва шоир бобомизнинг Париж миллий кутубхонаси, Истанбул университети, Тўпқопи саройи, Реванд ва Рампур кутубхоналарида сақланаётган шеърий қўлёзмалари асосида мукаммал девони яратилганини кейинги йилларда бобуршуносликда эришилган улкан ютуқлардан бири сифатида эътироф этсак арзийди.

Россия Фанлар академиясининг туркология институти ҳамда Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида таниқли турколог олима, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Анна Владимировна Дыбо ва арабшунос олим, ҳамюртимиз Шокирхон Рустамхўжаев ҳаммуаллифлигидаги "Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография" китоби, шунингдек, фондимиз томонидан тарихда биринчи бор "Бобур энциклопедияси" яратилгани ва икки марта нашр этилгани, ҳеч шубҳа-

сиз, жаҳон бобуршунослик фани ривожидаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Маълумки, бундан икки йил муқаддам муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи давомида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам бўлиб, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи билан батафсил танишган, ушбу китоб музейини янада кенгайтириш ва Бобур боғини жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш, уни республика мақомидаги боғга айлантириш, шоирнинг рамзий қабр-мақбарасини обод қилиш юзасидан зарур топшириқлар берган эди.


Ўтган қисқа вақт ичида бу борада кўплаб амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Бобур боғи, улуғ аждодимизнинг рамзий қабр-мақбараси, музей ва бошқа иншоотлар реконструкция қилинди. Боғ ҳудуди янада ободонлаштирилди.

Ўтган 27 йиллик илмий изланишлар давомида Бобур халқаро илмий экспедицияси жаҳондаги кўплаб фондларда юртимизнинг уч минг йиллик тарихига, хусусан, бақтрийлар, сўғдийлар, кушонлар, қорахонийлар ва хонликлар даврларидан бошлаб чор Россияси ҳукмронлиги йилларигача ва ундан кейинги замонларга оид қўлёзма ва тошбитиклар, санъат асарлари, тарихий ёдгорлик намуналарига дуч келди. Бобур номли халқаро жамоат фонди бу борада мамлакатимиздаги ва чет давлатлардаги барча манфаатдор илмий ташкилот ва муассасалар, биринчи навбатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази билан ҳамкорликда иш олиб боришга тайёр.

Шу ўринда фонд олдида катта вазифалар турганини ва улар бизнинг иш режаларимизга киритилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Масалан, "Бобурнома"нинг 18 йиллик воқеалар акс этган саҳифалари йўқолган бўлиб, уларнинг тақдири бизга ҳозирга қадар маълум эмас. Шунингдек, Бобурнинг "Ҳарб иши", "Мусиқа сирлари", "Қофия" асарлари, Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" асарининг бир қисми топилмаган. Бу нодир маънавий бойликларни излаб топиб, халқимизга, илмий жамоатчиликка етказиш биринчи галдаги вазифаларимиздан ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майда қабул қилинган "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Ана шу тарихий ҳужжатга асо-



сан бугунги кунда аждодларимиз қолдирган илмий-ижодий мерос намуналарининг нусхаларини Ватанимизга олиб келиш имкониятлари кенгаймоқда.

Ота-боболаримизнинг қадами етган ёки етмаган жойларга уларнинг бебаҳо илмий кашфиётлари, адабий-бадиий, дунёвий ва диний асарлари етиб борган тўғрисида мен илгари ҳам кўп чиқишлар қилганман, мақола ва суҳбатларимизда бу ҳақда тўхталиб ўтганман. Шу боис қуйидаги амалий таклифларимни билдириб ўтсам.

Биринчи таклиф шундан иборатки, Президентимиз ташаббуси билан катта харажат ва ҳаракатлар натижасида юртимизга қайтариладиган маданий бойликлар фақат мутахассислар, илмий-тадқиқот муассасалари доирасида қолиб кетмасдан, улардан халқимиз, кенг жамоатчилик, ёшларимиз ҳам баҳраманд бўлсин.



Бунинг учун энг замонавий усул ва воситалардан фойдаланишимиз талаб этилади. Жумладан, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликлар ҳақида илмий-оммабоп кўрсатув, ҳужжатли фильм ва мақолалар тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари, интернет орқали кенг жамоатчиликка етказиш; улар ҳақидаги библиографик тўпламлар, китоб-альбомлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиб бориш, мунтазам равишда махсус кўргазмалар, илмий семинарлар ўтказиб туриш зарур.

Иккинчи таклиф қадимий манбалар билан ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш масаласига оид.

Хўш, бугун мамлакатимизда, айтайлик, сўғд ёзувини ўқий оладиган қанча мутахассис бор? Аниқки, улар жуда саноқли. Кўҳна ва бой тарихимиз акс этган бошқа минглаб манбалардаги битикларни ўқийдиган ва бу ҳақда илмий хулосалар бера оладиган кадрларимиз етарлими? Етарли бўлса, нима учун Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 25 мингта қўлёзма, 40 мингдан зиёд тошбосма, 5 мингдан ортиқ тарихий ҳужжатлар – жами 300 мингдан зиёд асарларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчисини, таржимони, ноширини кутиб турибди?

Мен бу масалага олим ва тадқиқотчилар, зиёлилар-барчамиз тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ечим топишимиз тарафдориман.

Учинчидан, чет элларда сақланаётган юртимизга оид тарихий экспонатлар, осори атиқаларни ўрганиш, уларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини мамлакатимизга олиб



келиш бўйича хорижда сақланаётган намуналар библиографиясини тузиш лозим бўлади. Айни шу мақсадда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз имкониятидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Умрини илм-фан соҳасига бағишлаб, Ватанимиз тарихига дахлдор қимматли манбаларни тадқиқ этаётган ва уларни ҳар томонлама тарғибу ташвиқ қилаётган бундай заҳматкаш олимларни Ўзбекистоннинг, маданиятимизнинг ҳақиқий дўстлари, деган фикрни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсиз.

Бугунги кунгача Ўзбекистонимизнинг мукаммал тарихи ёзиб битилганича йўқ, деб ҳисоблаймиз. Турони замин деб аталмиш тарихий масканнинг бўлаклари бўлган Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг мукаммал тарихлари ёзилиб бошлаган бир пайтда она юртимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг тарихи ҳам мукаммал битилишида тарихнавис олимларимизга туганмас куч-ғайрат, ижодий баркамоллик ва чексиз шижоат тилаб қоламиз.

Сўзимнинг охирида Нобель мукофоти совриндори, машҳур физик олим Пьер Кюрининг қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман. Олим мусулмон алломаларининг жаҳон цивилизацияси ва маданиятига қўшган бемисл ҳиссасини катта ҳурмат ва эҳтиром билан шундай эътироф этган эди:


"Мусулмон Андалусиясидан бизга бор-йўғи 30 дона китоб етиб келди. Ва биз ўша китобларни ўқиб, атомни парчалашга эришдик.

Агар биз ўз вақтида Андалусиядаги ислом цивилизациясига оид қолган беш юз минг китобни ёқиб, йўқ қилиб юбормаганимизда, уларни асрай олганимизда эди, ҳозир фазодаги галактикалар орасида сайр қилиб юрган бўлар эдик".

Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид бойликлар – бу башарият мулки, умуминсоний қадриятлардир. Уларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга безавол етказиш муқаддас бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 сентябрь 2017 йилги 1001-ф сонли фармойиши.
2. Бобур номли халқаро жамоат фонди низоми, 2012 йил.
3. "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси". Тошкент: "Шарқ" нашриёти, 2017 йил.
4. "Заҳириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография". М.: Издательство "Восточная Литература", 2016 год.
5. Қамчибек Кенжа "Буюклар изидан". Тошкент: "Шарқ" нашриёти, 2006 йил.



Бобур подшоҳнинг буюк асарини жаҳонга машҳур қилган бу ноёб китобдан бошқа халқларни ҳам баҳраманд қилган нарса унинг таржималаридир. Бугунги кунда "Бобурнома" дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва яна қайта-қайта нашр этилмоқда.

БИР АСАР ТАРЖИМАСИ ТАРИХИ

(Лейден – Эрскин таржимаси)

Неъматилла ОТАЖАНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Умида АБДУРАСУЛОВА,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори. (PhD)

"Бобурнома" Европа тилларига, жумладан, инглиз, олмон, фаранг, турк тилларига ҳам бир неча марта таржима қилинган. Асарнинг Баюзак Кожабек ўғли томонидан қозоқ, В.Штаммлер томонидан немис, Темур Хамит томонидан уйғур тилига қилинган таржималар кейинги йиллар бобуршунослигининг ютуқларидандир. Бундан ташқари, "Бобурнома" ҳиндий, ҳаттоки, Покистонда синдхий лаҳжасига ҳам ўгирилган. Бу ерда гап "Бобурнома"нинг дастлабки тўлиқ таржимаси устида кетмоқда.

Баъзи тилларда "Бобурнома"нинг бир неча таржимаси мавжуд. Форс, урду ва инглиз тиллари шулар жумласидандир. Қуйида шундай таржималардан бирига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Европа илм аҳлига "Бобурнома"ни биринчи марта таништирган олим голландиялик Витсен бўлган. У 1705 йилда асардаги Фарғона водийсининг жуғрофиясига оид тасвирларни ("Татарлар мамлакатининг шарқий ҳам шимолий қисмининг жўғрофий таърифи") таржима қилиб, Амстердамда нашр эттиради. Ушбу таржима туфайли бир томондан ўзбек халқининг бой адабий мероси билан Европа халқлари таниша бошлаган бўлса, иккинчи томондан инглиз шарқшунослари таърифлаган "Бобурийана" даври ҳам бошланди. Лекин Бобурнинг Европадаги чинакам шуҳрати роппа-роса юз йилдан кейин, XIX аср бошларида қарор топди. Бу ишда инглиз шарқшуносларининг хизмати катта бўлди. Улар китобни таржима қилиб нашр эттиришдан ташқари уни тадқиқ этиш, Бобур ҳаётини ўрганиш ишини ҳам қизғин давом эттирдилар. Умуман, Бобурнинг ҳаёти, шахсий қобилиятлари Европа тадқиқотчиларини ҳайратда қолдирган эди. Бобур сиймосида улар улкан саркарда, моҳир давлат арбоби, дилбар ва дилкаш инсонни кўрдилар.


Тарихшунос Элфинстон Бобурни "Шарқнинг Юлий Цезари" деб атайди. Лейн Пуул бўлса: "Ўз портретини чизишдаги самимийлик, фазилат ва камчиликларини ҳаққоний тасвирлаш, очиққўнгиллилик ва ростгўйликни Бобурнинг ажойиб хислати", деб таърифлайди .

Бобурнинг турмуши тўғрисида "Бобурхон" романини ёзган фран-

цуз ёзувчиси Флора Анна Стил дейдики: "...Биз хато билан буюк мўғуллар деб атаб келганимиз сулоланинг биринчиси, умуман, Бобур номи билан машҳур бўлган Заҳириддин Муҳаммад Ҳиндистон императори, шу билан бирга, шоир, рассом, аскар, паҳлавон, зиёли, мусиқашунос, дарвеш ва подшоҳ эди".

"Бобурнома" таржимони В.Эрскин шундай ёзади: "Бобур характерининг мислсиз белгиси унинг бошқа мулкдорларникига ўхшамаслигидир. Осиё тождорларидаги дабдаба, сунъий характер ўрнига бизнинг кўз олдимизда Бубурнинг характери табиий, ҳаётни севувчи, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур тахтда ўтиришига қарамай оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолди. Осиё ҳукмдорлари орасида Бобур сингари истеъдодли кишилар камдан-кам учрайди. Унинг фаол ақлий қобилияти ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай руҳининг тетиклиги, саховати, мардлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши кишини лол қолдиради".

Инглиз мутахассисларининг "Бобурнома"га қизиқиши Ҳиндистонда пайдо бўлган. "Бобурнома"ни инглиз тилига таржима қилган Жон Лейден ва Вильям Эрскинлар бир-биридан бехабар ҳолда иш бошлаган эдилар. В.Эрскин форс адабиёти бўйича бир қанча тадқиқотлар муаллифи Британия музейидаги кўпгина қўлёзмаларни тўплаган ва ўрганган атоқли шарқшунос, доктор Лейден эса форс тилидан ташқари яна эски ўзбек ва ҳинд тилларини ўзлаштирган билимдон киши бўлган. Ҳар икки таржимон ҳам "Бобурнома" билан Ҳиндистонда танишганлар ва уни шу ерда таржима қилишга киришганлар. В.Эрскин Абдураҳимхоннинг форсий нусхаси асосида таржимани 1811 йилда бошлаб, 1817 йилда ниҳоясига етказади. Инглиз шарқшуноси Анетта Бевериж хоним айтганидек, Эрскин "Европалик бобуршунослар ичида пионер эди", у "дунё китобхонлари" олдида катта хизматни адо этди". Қарийиб бир аср мобайнида (яъни А.С.Бевериж хонимнинг таржимаси чиққунга қадар) инглиз китобхони учун Бобур ҳаёти билан танишадиган дастлабки ва ягона манба бўлиб хизмат қилиб келди. Бироқ Эрскин таржимани нашр эттиришга шошилмайди.



Бу орада доктор Ж.Лейден ҳам “Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилганини эшитиб қолиб, бу таржима билан ҳам танишишга ошиқади. Шу ўринда Ж.Лейденни ҳайратга солган нарса “Бобурнома”нинг ширадор туркий тили ва муаллиф маҳорати эди, деган фикрини эслаб ўтиш ўринлидир.

Ж.Лейден бевақт вафот этиб таржима якунига етказилмай қолган. В.Эрскин Лейден таржимасини қўлга киритиш ва ўзиники билан солиштириб чиқиш мақсадида Лондонга хат ёзиб, Лейден таржимасининг фотонусхасини юборишларини сўрайди (Лейденнинг қўлёзмалари Англияга, унинг уйига жўнатилган эди). Касбдоши таржимасининг ўзиникидан катта фарқи борлигини кўрган Эрскин ҳайрон қолади. Чунки Лейден асл нусхадан таржима қилган эди. Эрскин таржималарини батафсил муқояса этиб иш давомида контекстга мос келмайдиган жойларини тузатиб, пухталаб боради. Бу орада у “Бобурнома”нинг туркий аслини Элфинстондан сўраб олади ва ишнинг ҳаммасини солиштириб чиқишни дилига тугади. Чунки Лейден туркий тилни яқин орада ўрганганлиги сабабли таржиманинг кўп ерида саҳв жойлари бор эди. Шунинг учун ҳам Эрскин диққат ва эҳтиёткорлик билан туркий ва форсий вариантларини солиштира бошлайди. Шундай қилиб, “Бобурнома”нинг қолган қисмини туркий аслият, форсий таржима ва Элфинстон ёрдамида Деҳлидан жаноб Меткалф орқали олган нусхалари билан солиштириб, ишни охирига етказдим, деб ёзади В.Эрскин. Унинг эътироф этишича, Меткалф нусхаси энг ишончли манба ҳисобланган.



“Менинг қадимий ўзбек тилидан олган билимим “Бобурнома”ни аслидан ўгиришга етарли эмас эди», деб ёзади таржимон. Шунинг учун форсча манбага кўпроқ таяниб иш кўрдим. Бахтга қарши, Лейденга ёрдам берган турк тили мутахассиси Ганж Элфинстондан туркий нусхасини олгунимча Бомбайдан кетиб қолибди. Шу туфайли содиқ дўстим Мулла Ферузнинг ёрдамига таяниб, туркий матн билан муқояса қиларoқ, таржимани чоғиштириб чиқишга муяссар бўлдим. Ўйлайманки, таржима кўп камчиликлардан ҳоли бўлди”.

Бу далиллар таржимоннинг ўз ишига қанчалик масъулият билан қараганлиги, ўз ишининг илмий пухталигини таъминлаш учун нечоғлик кўп меҳнат сарфланганини кўрсатади.




В.Эрскиннинг нияти “Бобурнома”ни шунчаки инглиз китобхонига таништириш эмас эди, у асл нусха ўрнини босадиган даражада пухта, ишончли инглизча эквивалент барпо этишни кўзлаб иш кўрган. Чуқур илмий, ижодий меҳнат самараси бўлган бу таржима ҳақиқатдан ҳам муваффақият қозонди ва мутахассисларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Чунончи, шарқшунос Лорд Жефрей фикрича, Эрскин ўз таржимасига ажойиб ҳошиялар илова қилган. Текст остидаги тушунтиришларни ҳам моҳирона ва шоирона бажарган. Элфинстон ҳам таржиманинг пухталигидан завқланиб, бундай ёзган эди: “Таржима бамисоли асл нусханинг ўзгинаси, услуби ҳам жозибадор, худди аслига қараб расм олгандай” .

Шундай қилиб, В.Эрскин Ж.Лейден таржимасини қайта ишлаб чиқиб, ишни поёнига етказди ва “Бобурнома” – Лейден-Эрскин таржимасида” номи билан 1826 йилда Лондонда чоп этилди. Шу тариқа “Бобурнома”нинг Европадаги инглиз тилидаги биринчи тўлиқ таржимаси дунё юзини кўради ва Лейден-Эрскин таржимон сифатида шуҳрат қозонади.

Мазкур нашр илмий изоҳ ва шарҳларнинг мўллиги ва мукаммаллиги билан ажралиб туради. “Сўз боши” ва “Кириш”да туркий қабилаларнинг келиб чиқиши, Ўрта Осиё ва унинг шаҳар ҳамда кентлари ҳақида жуда қимматли маълумотлар келтирилган. Фарғона ва Бухоро хариталари ҳам қилинган. Айрим топоним номларни шарҳлашда Эрскин муҳим манбалардан фойдаланган. Муҳаммад Ҳошим (Хафийхон)нинг “Мунтахабул-лубоб”, Шоҳ Навохоннинг “Маосирул-умаро”, “Табоқоти Акбарий” каби асарлари шулар жумласидандир.

Инглиз шарқшуноси Чарльз Рью бундек ёзган эди: “Тузуки Бобурий” деб аталадиган бу ажойиб асар таржимасини доктор жон Лейден бажарган, Уильям Эрскин томонидан ниҳоясига етказилган ва тўлдирилган.

“Бобурнома”нинг биринчи таржимасини амалга оширишда В.Эрскиннинг ҳиссаси кўпроқдир. У асарнинг ярмидан кўпини таржима қилган. Уни сўз боши, муқаддима, муҳим изоҳ ва шарҳлар билан бойитган. Бундан ташқари, Эрскин таржимани нашр эттирган. Бобур ўз умрининг охирги 15 ойи ҳақида ҳеч қандай маълумот қолдирмайди. В.Эрскиннинг таҳсинга сазовор хизмати яна шундаки, у бошқа манбаларга суяниб, хулосага келган иловадан бу ҳақида қатор ахборотлар беради. Бу ахборотлар эътиборга моликдир. Таржимага ёзилган муқаддима катта илмий қимматга эгадир. Унда туркий қабилаларнинг пайдо бўлиши, Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Бундан китобхон “Бобурнома”га оид қизиқарли материалларни, танқидий матн тузиш учун олиб борилган изланишлар, қадимий ишончли нусхалар, “Бобурнома” билан шуғулланган шарқшунос олимлар тўғрисида кенг маълумот олади.



Муаллифнинг ўзи сўзбошининг муҳимлиги ҳақида гапириб, Бобурнинг изидан бориш учун бу ердаги халқлар ҳақида, шунингдек, айрим мамлакатларнинг географик жойлашуви тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиши зарур, деган эди.

Яна бир муҳим тадқиқот – мемуарга илова қилинган харита бўлиб, унда "Бобурнома"нинг Туркистон, Ҳиндистон, Афғонистонга қилган юришлари акс эттирилган. Харитани яратиш жараёнида ўнлаб жуғрофий хариталар ўрганиб чиқилгани унинг илмий қимматини оширган. Таржиманинг биринчи жилдини безаган Бобур тасвири, мемуар эгалари ихтиёридаги лаганга ишланган суратдан бироз катталаштириб олинган. Мен бу эсдаликдан фойдаланишга рухсат берганликлари учун у ерга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Ажойиб санъат асари бўлмиш бу сурат Лейн Пуулнинг "Бобур" ҳақидаги матнида мавжуд. Бироқ у бир оз катталаштирилгани туфайли ўхшашлик заиф ва ноаниқ, унчалик тиниқ чиқмаган. Сурат Туркистонда қилинганлигидан далолат беради ва туркий услуб қўлланганлиги учун подшоҳ Бобурнинг характери анча ёрқин акс этган. Асарнинг чизилган вақти кўрсатилмаган. Лекин уни, шубҳасиз, илк миниатюра санъатининг етук намуналаридан деб ҳисоблашга асос бор .

Ҳар икки ношир ҳам бу нодир асарни ўз тилида тиклашда кўп манбаларга таянганлар. Афғонистон ва Ҳиндистонга тааллуқли географик номлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси тамом ўзга бир дунё бўлганлиги сабабли бир қатор Европа тарихшуносларининг асарларидан фойдаланганлар. Бундай асарлар орасида Лейн Пуулнинг "Бобур", "Аврангзеб", "Ҳиндистон подшоҳлари", Малесоннинг "Акбар", В.Эрскиннинг "Бобур тарихи", Х.М.Эллиотнинг "Ҳиндистон тарихи" сингари китоблари ва Ҳиндистон, Афғонистон фаунасига оид луғатлари бор. Лекин Эрскин асосий ёрдамни йирик инглиз олими Манстрюарт Элфинстондан олган. Шу тариқа у катта қийинчиликларни енгиб, бутун ақлу заковатини ишга солиб, "Бобурнома"нинг инглизча таржимасини яратишга муяссар бўлган. Мазкур асарни ўрганиш таржиманинг асл нусхага яқинлиги таржимоннинг ишга ижодий ёндашганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Масалан, таржима бошқа ҳамма қўлёзмалардагидек ҳижрий 899 йил рамазон ойидан, яъни 12 яшар Бобурнинг Фарғона водийси

пойтахти Андижон тахтига ўтиришидан бошланиб, 936 йил воқеаси билан тамомланади.

Лейден-Эрскин таржимасининг 1921 йилда Дублин университетининг профессори шарқшунос олим Льюкас Уайт Кинг томонидан баъзи бир мулоҳазалар билан тўлдириб бойитилган ва қайта таҳрир қилинган нашри юзага келди. Ношир инглизча таржимани нисбатан мукаммалроқ бўлган французча таржима билан қиёслаб чиқиб анча тўлдиришлар қилади, кўпгина жойларига аниқлик киритади.

Маълумки, "Бобурнома" хронологик жиҳатдан тўлиқ эмас. Асарда воқеаларни йиллар бўйича баён қилишда қатор узилишлар бор. "Бобурнома"нинг француз таржимони Паве де Куртейльнинг тасдиқлашича, йиллар изчиллигидаги узилишлар асл нусхада ҳам, форсча таржимада ҳам мавжуд. Булар инглизча таржимада ҳам ўз аксини топган. Бу узилишларни бартараф қилиш мақсадида Кинг ҳижрий 908 йилнинг охиридан 909 йилнинг сўнгигача (1503-1504) 914 йилдан бошлаб 925 йилнинг бошигача бўлган воқеаларни (1508-1519) ва 926, 931, 934 (апрел-сентябр ойлари), 936- 937 йилларга оид Бобур ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеаларни бошқа манбалардан олиб "Бобурнома"га киритади. Асарнинг яхлитлигини таъминлайди. (Кези келганда шуни айтиш керакки, асарнинг ўзбекча ва русча нашрлари ҳам ана шундай тўлдиришларга муҳтож.) Бундан ташқари, у Лейден ва Эрскинларнинг таржимаи ҳолини Бобурнинг Ўрта Осиё Афғонистон, Ҳиндистон бўйлаб юришларини акс эттирувчи харита тузиб, китобга илова қилади.

"Бобурнома"даги кўплаб жуғрофий жой номлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид атамаларни ҳам таржимонлар (матн ичида, ҳошияда, тадқиқот қисмида) батафсил шарҳлаб, тушунтириб берганлар. Биргина Льюкас Уайт Кингнинг ўзи тузган шарҳ ва изоҳлар тўрт мингдан ошиб кетади. Асардаги шеърий парчаларнинг кимга тааллуқли эканини ҳам Кинг манбани излаб топиб, аниқ изоҳлаб берган. Шу билан бирга қайд этмоқ лозимки, шарҳларнинг ҳаммасини хам бирдай тўғри деб бўлмайди. Айниқса, асарнинг Ўрта Осиё шаҳарлари тасвирига оид қисмларига бағишланган шарҳларида камчиликлар кўп. Бу таржимонларнинг ўлкамизнинг бой ҳаёти ва табиати билан бевосита таниш бўлмаганликлари туфайли бўлса керак.

Лейден-Эрскинларнинг шарқ адабиёти бўйича олиб борган ишлари Британия музейида 26555-26621 рақами остида сақланади. Бу нодир қўлёзмаларни ҳамда Эрскиннинг турли фан соҳаларига доир ишларини 1865 йилда ўғли Жеймс Клауд Британия музейига совға қилган. Мазкур мажмуа орасида АДД. 26608-26620 рақамида Ҳумоюн ва Жаҳонгир даврига оид қўлёзмалар, АДД. 26620-26621да Акбаршоҳга доир, АДД. 26612да Мирза Ҳайдар Давлатнинг "Тарихи Рашидий" қўлёзмаси, АДД.26607да Абул Фазлнинг "Акбарнома"си ва бошқа ўнлаб ноёб қўлёзмаларни учратиш мумкин. Бундан ташқари, Эрскиннинг араб, форс, турк, санскрит, ҳинд тилларига



оид 436дан ортиқ ишлари ҳам Британия музейида ADD. 26119-26554 рақамлари остида сақланади .



В.Эрскин “Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилиш билан бирга “Бобур ва Ҳумоюн даврида Ҳиндистон тарихи” номли тарихий асар ҳам ёзган. Бу асар унинг ўғли томонидан 1854 йилда нашр эттирилган. Асар Ҳиндистон тарихини ўрганиш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.


Хуллас, “Бобурнома” Англияда тўққиз марта чоп этилди. Шулардан еттитаси мукаммал нашр бўлиб, қолган иккитаси қисқа нашрлардир.

Бироқ шунга қарамасдан, “Бобурнома”нинг ғарблик таржимонлари – Ж.Лейден, В.Эрскин, А.Кайзер, Паве де Куртейль, Л.У.Кинг ва бошқа шарқшунослар Бобур ва унинг асарларига адабиётшунослик нуқтаи назаридан эмас, балки тарихий-этнографик ва лингвистик нуқтаи назардан ёндашганлар, улар таржималарига ёзган сўз боши ҳамда изоҳларда бу асарни 15 асрнинг охири ва 16 аср бошларида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистонда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни аниқ тасвирловчи ҳужжат, шу жойларнинг географияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, этнографияси ҳақида ишончли маълумот берувчи манба деб баҳоладилар.

Бобурнинг фан, санъат ва адабиёт бўйича қолдирган бой меросини тўплаш, нашр эттириш, унинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, илмий ва адабий ижодини чуқур ва атрофлича ўрганиш, ёзувчининг ижодига тўғри баҳо бериш унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини аниқлаш каби муҳим масалаларни илмий асосда тадқиқ этиш ўзбек олимлари зиммасидаги вазифалардир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобур З.М. “Бобурнома”. – Тошкент, 1960. – 47-бет.
2. Лейн Пуул. Бабур. Оксфорд, 1899. – 9-бет.
3. Шайхзода М. Заҳириддин Муҳаммад Бобур // Гулистон, 1941. –№ 1. 28-бет.
4. Бобур З.М. “Бобурнома”.(ЖЛейдин, В.Эрскин томонидан инглиз тилига таржима қилинган). – Лондон, 1921. – 8-бет.
5. Эрскин В. Бобур ва Ҳумоюн даврида Ҳиндистон тарихи. I-II қисм. –Лондон, 1854. Бобур ҳаёти. – Лондон, 1854.
6. Бевериж А. “Бобурнома” инглиз тилида. Туркий асл нусхадан инглиз тилига таржима. – Лондон, 1921. – 38-бет.
7. Бобур З.М. Бобурнома. Ж.Лейдин, В.Эрскин томонидан инглиз тилига ўгирилган. – Лондон, 1821. – 37-бет.
8. Ҳиндистон тарихи. 9-нашр. – Лондон, 1905. – 129-бет.
9. Бобур З.М. Бобурнома. Ҳиндистон императори томонидан Чиғатой-туркий тилида ёзилган. Ж.Лейдин ва В.Эрскинлар томонидан ингилиз тилига таржима қилинган, 1826.
10. Ч.Рью. Британия музейида сақланаётган форсий қўлёзмалар каталоги. – Лондон, 1879, 1881, 1883(I, II, III қисмлар).



Қодиржон ЭРГАШЕВ,
филология фанлари номзоди.

“БОБУРНОМА” ВА МЕМУАР НАСР ТАРАҚҚИЁТИ

XV-XVI асрлар чегарасида юз берган сиёсий воқеалар Мовароуннаҳрнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб бурилишлар ясаган ўзгаришларга сабаб бўлди. Мазкур ўзгаришлар минтақа ҳаётининг барча жабҳаларида акс-садо берди, шу даврда яратилган адабий асарларда ўз аксини топди. Улкан ижтимоий эврилишлар ижодкорларни ўз диққат-эътиборини шу даврга, замондошларига, атрофда бўлаётган ҳодиса ва воқеаларга қаратишга мажбур қилди. Адабий-тарихий асарларда энди узоқ ўтмишдан кўра ўз даври манзараларини тасвирлаш етакчи планга чиқа бошлади. Ўзбек тилида яратилган “Шайбонийнома”, “Бобурнома”, форс тилида ёзилган “Фатҳнома”, “Бадоеъ ул-вақоеъ” сингари асарлар бунинг яққол мисолидир.



Бу санаб ўтилган асарлар орасида “Бобурнома” ўзининг аҳамияти, бадиияти, ўзбек ва жаҳон адабиётида тутган ўрнига кўра бемисллиги, тенги йўқлиги билан ажралиб туради. Ушбу асарга хос бир қатор хусусиятлар борки, улар “Бобурнома”нинг дунё адабиётининг шоҳ асарларидан бири сифатидаги қимматини белгилаб беради. Ушбу асарни яратиш билан Бобур ўзбек насрида янги бир ҳодисага – мемуар-автобиографик жанрга асос солди ҳамда жаҳон мемуар адабиётига буюк ҳисса қўшди, уни юксак бир поғонага кўтарди.


Афсуски, бизда ҳали “Бобурнома”ни жаҳон мемуар адабиёти контекстида ўрганиш амалга оширилмаган, ҳатто унинг автобиографик-мемуар наср намунаси сифатидаги аҳамияти ҳам тўлиқ англаб етилгани, очиб берилгани йўқ. Бунга қуйидаги фактлар орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин. Рус тилида чоп этилган икки жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи” (“История узбекской литературы”. –Т:. “Фан”, 1987) китобининг “Бобурнома”га бағишланган қисмида бирон жойда унинг мемуар-автобиографик жанр намунаси эканлиги айтилмаган, асарнинг мемуар жанр тараққиётида катта воқеа бўлгани ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”да эса мемуар жанр, мемуар асар ҳақида мақолалар ҳам берилмаган. Мемуар жанрнинг бутун дунё эътироф этган бемисл намунасини яратган адибга бағишланган энциклопедияда бундай мақолалар бўлиши ва Бобурнинг мазкур жанр тараққиётига қўшган ҳиссаси қайд этилиши лозим эди (Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент, Шарқ, 2014). 2013 йилда “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти ва тарихида тутган ўрни” мавзусида ўтказилган Халқаро илмий анжуман материаллари чоп этилди. Унинг мундарижасига назар соладиган бўлсак, мамлакатимиз олимлари томонидан эълон қилинган тезисларда ҳам юқоридаги масалалар акс этмаганини кўрамиз (“Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти ва тарихида тутган ўрни”. Халқаро илмий анжуман тезислари. –Т:. “O‘qituvchi”, 2013).

Бизда ўтмишда адабий асарлар ҳам, тарихий асарлар ҳам кўп яратилган. “Бобурнома”нинг улардан фарқи ўзига хос шаклда ёзилгани, мемуар-автобиографик жанрнинг гўзал намунаси эканлигидадир. Айнан ана шу хусусият туфайли у ўзгача бир жозибадорлик

касб этган, қизиқиш билан ўқиладиган нодир асар сифатида шуҳрат топган. Шу сабабли чет элларда “Бобурнома”нинг мазкур жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади ва нашрларнинг титул варағида (ўша дастлабки нашрлардан бошлаб, яқин йилларда чоп этилган нашрларгача), албатта, мемуар деб қайд этилади. Масалан, 1985 йилда Францияда нашр этилган “Бобурнома”нинг титул варағида “Memoires duprmiz Grand Moqol des Indes” деб ёзилган бўлса, 1996 йилда В.Текстон томонидан тайёрланган нашрда “Memoires of Bobur Prinse and Enpreror” деб қайд қилинган (Император Бобурнинг мемуарлари). Албатта, мазкур жанрга бўлган эътибор ва қизиқиш бежиз эмас.

Гап шундаки, у ёки бу адабиётда автобиографик-мемуар жанрнинг юзага келиши кўп нарсалардан далолат беради. Аввало, бундай асарлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг муайян даражасига етган, индивидуалистик онг тўла-тўкис шаклланган жамиятда яратилади. “Автобиографик жанрнинг пайдо бўлиши, – деб ёзган эди В.С.Дуров, – индивидуалистик онгнинг узил-кесил қарор топганидан дарак беради” (Дуров.В. “Юлий Цезарь. Человек и писатель”. – Л:. 1991, С.141). Цезар яшаган замонда ҳам шундай жамият бўлган эди. Цезарь шахс сифатида ҳам, ёзувчи сифатида ҳам тўласича Рим империяси давридаги жамиятнинг, ўша буюк маданият ва цивилизациянинг маҳсули эди. Шунинг сингари ўз шукуҳи, қудрати, бойлиги, маданий юксалиш даражасига ҳамда дунё тамаддунига қўшган ҳиссасига кўра ўша даврларда тенги бўлмаган Темурийлар салтанати, Темурийлар Ренессанси кўплаб даҳоларни, шу жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва “Бобурнома”ни майдонга келтирди.

Бундай жамиятлар эса ўтмишда кўп бўлмаган. Шу сабабли дунё адабиётида мемуар асарлар кам бўлган. Албатта, кейинги асрлар бундан мустасно. Тадқиқотчилар шунчалик бой, қадимий анъаналарга эга араб адабиётида ҳам автобиографик жанр унча ривож топмаганини қайд этадилар. Фақат араб адабиётида эмас, умуман





жаҳон адабиётида қадимги даврлар ва ўрта асрларда аҳвол шундай бўлган. Ўша замонлардаги ижод намуналарига назар соладиган бўлсак тарихий асарларнинг жуда кўп яратилганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, биографик асарлар ҳам кўриб чиқилаётган даврлар адабиётининг салмоқли қисмини ташкил этади. Мазкур жанрга мансуб наср намуналари жуда қадим замонлардаёқ яратила бошлаган, хусусан, машҳур тарихий шахсларнинг ҳаёт йўлларига бағишланган асарлар ёзиш кенг расм бўлган эди. Бунга мисол сифатида Квинт Куций Руфнинг (эрамизнинг биринчи асри) Александр Македонский ҳаётига бағишланган асарини, Местрий Плутархнинг (тахминан эрамизнинг 46-127 йиллари) қиёсий биографияларини тилга олиш мумкин. Плутарх қадимги Юнон ва Римнинг бир қатор машҳур тарихий шахсларининг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берди. Улар орасида Александр Македонский, Юлий Цезарь сингари ҳукмдорлар, Цицерон ва Демосфен сингари нотиқлар, Ликург Спартанский, Нума Помпилий сингари қонун ижодкорлари бор. Бундай асарлар яратиш анъанаси кейин ҳам давом этган ва ўрта асрларда жуда авж олган. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра биргина Александр Македонскийга бағишланган асарларнинг ўзи юздан ортиқни ташкил этади. Тарихий шахсларга бағишланган асарлар шарқда ҳам яратилган. Бу ўринда Насавийнинг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги китобини эслаш мумкин. Ушбу фактлар қадимги даврларда ва ўрта асрларда биографик жанрнинг тараққий топганлигидан далолат беради. Лекин автобиографик-мемуар жанр ҳақида бундай деб бўлмайди. Мазкур жанрда ёзилган асарлар ўтмишда дунё адабиётида жуда ноёб бўлган, зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, автобиографик-мемуар жанрнинг юзага келиши жамият тараққиётининг муайян бир юксак босқичга кўтарилишини, ижтимоий ва индивидуал онг ривожининг ҳамда ижтимоий муносабатларнинг, хусусан, жамият-шахс муносабатларининг маълум бир даражасини тақозо этади. Шу маънода "Бобурнома"нинг юзага келиши фақат ўзбек адабиётида эмас, дунё адабиётида ҳам ўзига хос, фавқуллода ҳодиса эди. Айни пайтда мазкур ҳодиса ўша давр Ўрта Осиё жамиятининг ҳолати, ижтимоий тафаккури, тасаввурлари ҳақида муайян хулосалар чиқариш имконини беради, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олганини, унда ижтимоий ва индивидуалистик онгнинг ривожлан-

ганини кўрсатади. Адабиётшунос П.Мирзааҳмедова шундай ёзган эди: “Бобурнома” ўша асрлар ўзбек онгини ҳамда унинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий ва эстетик тасаввурларини кенг, атрофлича англашга имкон берувчи энциклопедиядир”.

Индивидуалистик онг қарор топган жамиятда шахсларнинг ўзига хос эҳтиёжлари юзага келади, жумладан, воқеалар, ҳодисалар, шахсларга индивиднинг ўз муносабати, уни кўрсатиш, намойиш қилиш истаги ана шуларнинг ичида энг асосийларидан биридир. Бу эҳтиёж улкан, улуғ шахсларда, ҳукмдорлар, сиёсий арбобларда, айниқса, кучлироқ намоён бўлади. Улар ўз шахсиятлари, фаолиятлари, кураш ва интилишлари ҳақида жамиятда мавжуд қарашларга бефарқ бўла олмайди. Бу шахслар учун ўз ҳатти-ҳаракатларининг, сиёсий позициясининг ижтимоий фикрда қай тарзда акс этгани, ўзлари иштирок этган воқеа ва ҳодисаларнинг қай тарзда ёритилгани ва талқин этилганлиги ўта муҳим ва улар мавжуд талқин ва фикрлардан ҳамма вақт ҳам қаноат ҳосил қилавермайдилар ҳамда одамлардаги ана шу тасаввурларни ўзгартириш, уларга ўз қарашларини ўтказиш, ўзларининг бошқалар томонидан нотўғри тушунилган хатти-ҳаракатларига изоҳ бериш, тутган йўли ва сиёсатининг тўғрилигини исботлашга интиладилар. Мана шу эҳтиёж мемуар насрнинг юзага келиши ва ривожланишидаги асосий омиллардан биридир. Мемуар асарларнинг кўп ҳолларда сиёсатчилар, машҳур шахслар томонидан ёзилишининг сабаби ҳам шунда. Бундан ташқари, улар кўп муҳим, даврнинг руҳига, мамлакатлар ва халқларнинг тақдирига дахлдор бўлган воқеаларда, урушлар, сиёсий курашларда иштирок этадилар ва табиийки, бу ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиш, хусусан, ана шу воқеалар ҳақида турли ихтилофли фикрлар мавжуд бўлган ҳолларда ўз кўзи билан кўрганларини бошқаларга етказиш истаги ҳам уларни қўлларига қалам олишга ундайди. Бобур ҳам бундан мустасно эмас.

Ўз кўрган-кечирганларини ёзишга киришар экан, Бобур олдида мураккаб вазифа турар, чунки адабиётда бундай тажриба, унинг ниятларига мос келадиган шакл мавжуд эмас эди. Тўғри, тарихий наср ва унинг тажрибаси мавжуд бўлган. Лекин, маълумки, Шарқ насрида тарихий асарлар тили ва услуби кўп ҳолларда мураккаб бўлиб, ўта жимжимадор қилиб ёзилган, хусусан, ҳукмдорлар фаолияти ва шахсияти ҳақида сўз кетганда муаллифлар такаллуф



қилишга интилиб, баландпарвоз баён услубидан фойдаланганлар. Бунда кўп ҳолларда дабдабали эпитетлар, мадҳу санолар тўлиб-тошган, турли санъатлар билан безалган наср намуналарини мутолаа қилар экан, ўқувчи унда сўз юритилаётган шахс ҳақида, инсон ҳақида тасаввур ҳосил қилиши қийин эди. Зеро, жимжимадор иборалар матннинг маъно-мазмунини гўё пардалаб тургандек бўларди. Бобур ана шу пардани ўртадан кўтариб ташлади. Ўзидан олдинги муаллифлардан фарқли ўлароқ, Бобур бутунлай ўзгача баён тарзини кашф этди. Ўзиннг содда, очиқ-равшан ифода услуби билан ўз асарида тасвирланаётган воқеаларни ҳам, шахсларни ҳам ўқувчи кўз ўнгида ёрқин гавдалантириб бера олди. Энг муҳими, у инсонлар, шахс қиёфасини, унинг кураш ва интилишларини катта маҳорат билан акс эттирди, жумладан, ўз шахсини ҳам "Бобурнома"да бутун бўй-басти билан кўрсата олди. Бу унинг катта ютуғи, мемуар наср ривожига қўшган улкан ҳиссаси эди. "Бобурнома" устида ишлаган тадқиқотчилар айнан муаллиф образи, муаллиф шахси асарга мислсиз бир жозиба бахш этиб туришини алоҳида таъкидлаганлар. "Бобурнома" насрдаги новаторликнинг ёрқин намунасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История узбекской литетатуры. – Ташкент: "Фан", 1987.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти ва тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий анжуман тезислари. – Тошкент: "O'qituvchi", 2013.
4. Дуров В. Юлий Цезарь. Человек и писатель. – Л., 1991.
5. Взаимодействие как источник обогащения национальной литературы (коллективная монография). – Ташкент: "Arademiya", 2007. – С.8.





“ОҒАБИЙ” РОМАНИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИ

ҒУЛОМ АТАДЖАНОВ

Ҳозирги қорақалпоқ адабиётининг таниқли вакилларидан бири Кенгесбой Каримов ўзининг серқирра ижодий фаолияти билан мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларда ҳам танилган катта ёзувчи, шоир, драматург ҳисобланади. К.Каримовнинг “Оралиқлар”, “Вақт минораси”, “Унутилган ой”, “Оролдан келдим”, “Кўнгил мулки” каби қатор шеърий тўпламлари, “Оғабий”, “Буюк дашт бўрилари” “Оқ қопчиқ”, “Хусумат”, “Зардушт” сингари насрий асарлари чоп этилган. Муаллифнинг шеърлари, достонлари, насрий асарлари рус, ўзбек тилларига таржима қилинган. Жумладан, “Мои окна” (1985), “Заблудившийся полумесяц. Сказка о хлебе.” (1988) шеърлари, достонлари ва болаларга бағишлаб ёзилган шеърий эртаклари рус тилига таржима қилинган. Бундан ташқари, адибнинг “Оғабий” (2020) романи маҳоратли таржимон Рустам Мусурмон томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, халқимизга тақдим этилган. Аслида, “Оғабий” роман-дилогияси икки китобдан иборат. Ҳозирча таржимон Р. Мусурмон мазкур роман дилогиянинг биринчи қисмини ўзбек тилига ўгирди.

Кенгесбай Каримов 1948 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида туғилган. Муаллифнинг шу кунга қадар ўндан ортиқ шеърий китоблари, таржималари, драматик асарлари чоп этилган. Ҳатто К.Каримов қаламига мансуб пьесалар Қорақалпоғистонда саҳналаштирилган. «Оғабий» роман-дилогияси адиб ижодидаги илк йирик полотнодаги насрий асар ҳисобланади. Бугунги кунда К.Каримов Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Олий Мажлиси сенати аъзоси ҳисобланади.

«Оғабий» романида қорақалпоқ халқининг XVIII-XIX асрдаги ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи, тарихи акс эттирилган. Романнинг биринчи қисми «Кўч» ва иккинчи қисми эса «Ота юрт» деб номланади. «Кўч» романида бош қаҳрамон Қулчи бийнинг раҳнамолигида катта кўчнинг Қизилқум бўйлаб Бухородан Чимбойга кўчиш машаққатлари, азоблари, қувонч ва аламлари, кўчиш жараёнидаги қизиқарли саргузаштлари ҳикоя қилинади. Романда қорақалпоқ халқининг миллий урф-одатлари, анъаналари, удум ва маросимлари, чўл манзаралари, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг бетакрор лаҳзалари маҳорат билан бадиий ифодаланган.

Биз мазкур мақолада Рустам Мусурмон таржимасида амалга оширилган романнинг ўзбекча таржимасини аслият матн билан қиёслаб, мутаржим маҳорати, асарнинг аслият матнга адекватлиги масаласига эътибор қаратамиз. Маълумки, бадиий асарда қаҳрамонларнинг портет тасвири ҳам муҳим роль ўйнайди. Ташқи ва ички руҳий портретга доир деталлар китобхонга қаҳрамон ҳақида муфассал маълумот етказади. Қолаверса, қаҳрамоннинг ички руҳий портрети тасвирлари эса китобхоннинг эстетик оламига таъсир ўтказади. Яъни қаҳрамоннинг ташқи ва ички портретига дахлдор чизгилар китобхонни завқлантиради, нафратлантиради, асар қаҳрамонига хайрихоҳлик ва нохайрихоҳлик туйғуларини пайдо қилади. «Оғабий» романида тасвирланган баъзи бир қаҳрамонлар портретига доир лавҳаларнинг Рустам Мусурмон томонидан қандай даражада ўзбек тилига таржима этилишига диққат қаратамиз.

Романда асар қаҳрамонларидан бири Қайирнинг портрети чизилган ўрин бор. Мутаржим Рустам Мусурмон таржимасида ушбу портрет тасвирини ўқиб кўрамиз: “Бола Қулчи бий овулининг келажаги бўлиб ўсиб келаётган, ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги, бўйи йигитларга тенглашиб қолган, гавдаси бақувват, бурни қирра, оғзи катта, кўзлари дўнг пешонасининг остида чуқур жойлашган, қайсар сочлари тикрайиб турарди. Жўралари уни баралла “тандир бош” деб чақиришар эди, боши катта бўлганидан шундай аташса керак, оёқ-қўлининг суяги йирик, моладай оёғи билан йўғон болдирига отасининг этиги зўрға сиғадиган бу боланинг оти Қайирбой эди”. Энди бу парчанинг аслияти, яъни қорақалпоқчаси билан танишамиз: «Қулшы бий аўылының урныққыры болып өсип киятырған, он уш-он төрт жаслардағы, бойы ересеклерге теңлесип қалған, денеси дуғыжым, мурны тәңки, аўзы үлкен, көзлери дөң маңлайының түпкиринде жайласқан, ғайратлы шашлары тикирейип туратуғын, жоралари оны бәрқулла “тандыр бас” деп атар еди, басы үлкен болғанлықтан солай атаса керек, аяқ-қолы тоқпақтай мықлы, маладай аяғы менен жуўан балтырына әкесиниң етиги зорға сыятуғын бул баланың аты Қайырбай еди» .

Юқоридаги икки парчани, яъни аслият ва таржимани қиёслаб ўқиш шундай хулосаларга олиб келадики, мутаржим Рустам Мусурмон Қайирбойнинг ташқи портретига дахлдор мазкур лавҳани ўзбекчалаштиришда ҳам сўз-сўз таржима ҳам иккинчи томондан таржимага ижодий онгли тарзда ёндошиб, аслият матндаги сўз маъноларини теран ва чуқур англаган ҳолда қорақалпоқча матнни ўзбекчада чиройли жаранглата олган. Таржимон матнни жуда яхши ҳис этиб, ўзбек тилига ўгиргани кўриниб турибди. Муаллиф катта бир жумлада берган портрет тасвирини таржимон ўгирмада икки бўлакка, яъни жумлага ажратиб ўгирган. Албатта, бу катта бир хатолик эмас. Аксинча, таржимоннинг ўзига хос бадиий таржимага ёндашувидир. Чунки, мутаржим мураккаб гап қурилишига эга бўлган матнни бўлаклаш орқали ҳам ўзига, ҳам китобхонга қулайлик туғдирган. Р. Мусурмон «Оғабий» романининг ўзбекча нашрига ёзган «Кириш сўзи»да ўзининг бадиий таржимачиликда тўплаган тажрибалари ва ижодий лабораторияси, юрагидан ўтказган таржима машаққатлари ҳақида шундай дейди: «Илдизи кўп тармоқли ва теран, шеваларга бой туркий тилнинг бирида битилган маълум бир бадиий асарни иккинчисига фақат товушлардаги фарқларини мослаштириш ёки ўзгартириш билангина иш битмаслигини қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида кўп марта ўз бошимдан кечирганман» . Демак, таржимон Р.Мусурмон қардош тилларга мансуб бўлган халқлар адабиётидан қилинган таржима ишининг ҳам мураккаблигини таъкидлаб кўрсатади.

Кейинги парчага диққатни қаратамиз. Бу парчада роман қаҳра-

мони Қайирнинг онаси портретига чизгилар берилган.

Ўзбекча таржимада: “Узун бўйли, оқ-сариқдан келган, кўк кўзлари меҳр билан боққан келинчак Қайирнинг туққан онаси, бола эса келинчакнинг тилаб олган ёлғизи эди”.

Энди аслият матнга қараймиз.

Аслиятда: “Узын бойлы, сары сынлы, көк көзлери мийрим менен баққан келиншек Қайырдың туўған анасы, ал бала болса келиншектиң тилеп алған жалғызы еди”.

Ушбу парчада таржимон «сары сынлы» сўзини «оқ-сариқ» деб таржима қилиш орқали қаҳрамон портретини аслиятга нисбатан янада аниқроқ намоён қилган. Зеро, сариқдан келган ўгирмасига нисбатан оқ-сариқдан келган бирикмасида тасвирийлик, гўзаллик, ижобийлик сифати яққол намоён бўлади.

Қуйидаги парчада эса мутаржимнинг қардош халқларга хос урф-одатларни қанчалик теран ҳис этишини кузатамиз:

Ўзбекча таржимада: “Узун бўйли, қирғий бурун, олакўз, қалин қора соқолли Абусаид тўрга ўтириб, қўлини фотиҳага очди. Уй эгаларининг чанғороғига қут-барака, омонлик ва бирдамлик тилади”.

Бу парча аслиятда бироз бошқача.

Аслиятда: “Узын бойлы, узақ ата-бабаларына мегзеген қирғый мурын, ала көз, шоқ қара сақаллы Абдусайд араб төрге отырып, қолын пәтияға көтерди, уй ийелериниң шаңарағына құт-берекет, аманлық, ҳәм аўызбиршилик тиледи”

Мазкур парчада Абусаид арабнинг ташқи портретига дахлдор кичик чизгилар, шунингдек, унинг уй тўрига ўтириб, фотиҳа ўқиши тасвирланган. Эътибор бериб қарасак, таржимон Р.Мусурмон аслиятдаги қаҳрамон Абусаид исмига қўшиб ёзилган аниқловчи сўз «араб» сўзини тушириб қолдирган. Аммо Абусаид портретига тегишли тасвирий чизгиларни тўлақонли таржима этган. Аммо

романнинг бошқа ўринларда ушбу аниқловчи сўз тушириб қолдирилмаган. Бизнингча, мутаржим роман матнида такрорийликни бартараф этиш мақсадида баъзи ўринларда «араб» сўзини тушриб қолдирган.

Кейинги мисолга мурожаат қиламиз. Мазкур парчада романнинг яна бир қаҳрамони Ўринбойнинг ташқи портрет деталлари берилган.

Ўзбекча таржимада: "Тангжарбойнинг ўзига ўхшаган калтароқ, кенг елкали, билаклари бақувват Ўринбой аллақачон отасидан буйруқ кутиб, қумга санчилган белкурагига суяниб турар эди."

Аслиятда: "Таңжарбайдың өзине уқсаған тапалтас,кең жаўрынли,-билеклери тоқпақтай Өрынбай әллеқашан әкесинен буйрық күтип, қумға шаншылған белине суйенип турар эди"

Аслият билан қиёслаётганимизда «тапалтас» сўзига эътиборимиз тушди. Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида бу сўзга қуйидагича изоҳ берилади. Тапалтас - (келбетлик яъни сифат) - Келте, қисқа бойлы: Уйден тапалтас бир жигит шықты. (Г.Изимбетов)

Мутаржим бу сўзни ўгиришда – роқ қўшимчаси билан беряпти. Аслият матнида йигит отасига ўхшаган калта, лекин таржимада калтароқ дейиш орқали (қиёсийлик маъносини кучайтириб берган) қаҳрамон портретини янада аниқроқ чизган. Зеро, таржимашунос олим Э.Очилов таъкидлаганидек, «Таржимада сўзнинг эмас, маънонинг кетидан қувиш керак». Ушбу парчада ҳам маънолар тўғри ва аниқ таржима қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Рустам Мусурмон таржимасида чоп этилган Кенгесбой Каримовнинг «Оғабий» романини аслият билан қиёлаб, солиштириб, ўрганиш мустақиллик даври бадиий таржимашунослиги учун етарли материал беради. Бундан ташқари, бу йўналишдаги тадқиқотлар биринчидан таржимон меҳнатига баҳо бериш бўлса, иккинчидан таржимашунослик илми олдидаги янги муаммолар кўламини сарҳисоб қилишга ёрдам беради. Биз ушбу кичик мақола доирасида мутаржим Рустам Мусурмоннинг заҳматли меҳнати ҳақида қисқагина этюд беришга уриндик. Ҳали роман таржимаси бир бутун ҳолда келажакда тадқиқ этилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки, Рустам Мусурмон узоқ йиллардан бери бугунги қорақалпоқ адабиётининг етук вакиллари Ўрозбой Абдураҳмонов, Бахтиёр Генжамурод, Кенгесбой Каримов, Муратбой Низановларнинг қатор асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган устоз мутаржимлардан бири ҳисобланади.



ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ЗАЛИ ҲАҚИДА

Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА, Навоий номидаги Адабиёт музейи илмий ходими.

Музейимизга келган меҳмонлар одатда, Алишер Навоий бобомизга бағишланган ўндан ортиқ заллардан ўтиб, учинчи қаватга кўтариладилар. Залга чиқишингиз билан шарқона нақшлари ҳаво ранг, оч яшил, оқ ва бинафша, сариқ, қизил ранглар уйғунлашган нақшлар билан безатилган, Темурийлар Уйғониш даврини XV-XVI аср қаерларидир эса Тожмаҳал саройини эслатувчи катта хона меҳмонларни ўзига жалб этиб туради. Зал ўртасида ҳайкалтарош Ф.Грешинко томонидан 1968 йилда ишланган шоҳ ва шоир Ҳиндистонда буюк империяни барпо этган, авлодлари 332 йил мамлакатни бошқарган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳашаматли ҳайкали. Гўё шоир муттоз асарларидан бирини ўқиб тугатиб ҳаёл сурганча китоб ушлаб тургани тасвирланган.

Биз ушбу мақоламизда бир умр ватанига қайтишни орзу қилиб, ҳижронни куйлаган Бобур залини таништирувчи экспонатлар ҳақида маълумот берамиз. Залнинг чап тарафида рассом И.Илҳомовнинг “Бобурнинг Самарқандга кириб келиши” номли катта полотнода маҳорат билан чизилган тасвири. Суратга қараб Бобурнинг Самарқандга келиши нафақат халқ, балки юқори табақа вакиллари ҳам ҳадикиш, баъзилари хурсанд, баъзилари эса ҳайрон бўлиб кутуб олаётганлари ҳақида тасаввур беради. Суратнинг юқори тарафига қарасангиз тоғлар орасидан чарх атласи- камалакнинг ярим ой шаклидаги кўриниши маҳорат билан тасвирланган. Камалак қачон кўринади? Гардун атласи қаттиқ ёмғир ёғиб борлиқ чанг-тўзондан тозаланиб,

ҳаво мусафо бўлгандан кейин қуёш булутлар орасидан порлаганда оламни етти хил ранги ўз кўринишини ифода этади. Рассомнинг бу тасвирида ҳам бир фалсафий маънони англаш мумкин. Бобурнинг Самарқандга келгунча бўлган тўс-тўпалонлар, жанглар, шоҳлар орасидаги ўзаро келишмовчиликлар барчаси гўёки қаттиқ бўрону тўпалонлар бўлиб ўтган ҳодисалар тиниб, мамлакатга тоза ҳаво, тинч ва осуда ҳаётни олиб кирган саркарда сифатида кўрсатилган. Бошининг пешона қисмига қимматбаҳо тош ҳамда оқ укпар қадалган оқ салла, эгнида эса жигарранг сариқ чакмон, чакмон ичидан қизил ипак матодан тикилган кўйлак, кўйлак енгидан оқ рангли шойи мато бурамалари кўриниб турибди. Кўйлакнинг енглари чиқариб тикилган. Отда, Бобурнинг юз кўриниши буғдой ранг, қошлари, мўйлаби қора 25-30 ёшлардаги йигит кўринишда, отида ўтириши виқор ва шаҳдам эмас, балки унда ҳам иккиланиш бордек. Ўнг қўли билакларини қия қилиб очиб, чап қўли билан от эгарини ушлаган ҳолда, унинг улови ҳам безатилган чиройли эгар, жабдуқ, мулозимларидан фарқли ипак матолардан тайёрланган, отнинг туёқларига қўнғироқлар осилган, сарбозлар қўлларида хат ташувчи кабутарни ушлаганларича, қувноқ ҳолда бир-бири билан хазил-мутойиба билан келаётганлари чизилган. Бобурнинг кириб келишини шаҳар аҳолиси карнай сурнайлар, ноғоралар билан кутиб оляптилар. Оддий халқ вакиллари, ҳунармандлар қўлларида нон тўла сават, баъзиларида эса ноз-неъматлар солинган саватларда сарҳил мевалар, яна биринг қўлидаги саватда Бобур учун сарупо. Уларнинг айримлари хурсанд, халқ орасида турганлар эса хавфсираб қараб турганлари, шаҳар дарвозасидан киришда кўприкдан ўтишда қизил чакмон, бошига оқ салла ўраган қария соқолини тутамлаб, одамларга қараб турибди, яна бир нафари шаҳар дарвозасини очмоқчи бўлиб, ярим эгилган ҳолда, ичкаридан эса Бобурни кутиб олишга ошиқаётган отлиқ киши сурати чизилган. Ушбу суратда Самарқандга кирадиган сув ҳам тасвирланган. Арк девори юқорисида сарой аёллари қараб турибди, пастда уларга шаҳарда бўлаётган вазиятларни тушунтираётган эркак киши сурати чизилган. Рассом чизган кенг пландаги полотнода бутун воқеа ҳодисаларни ўз ичига олган дейиш мумкин. Мазкур полотнода асосан қизил, сариқ, яшил оқ рангли бўёқлардан усталик билан фойдаланган.

Залнинг юқори қисмида эса рассом В.Нечаевнинг 1968 йилда чизган “Бобур жангда” картинаси турибди. Картина бизга Бобурнинг жанговар тактикаси ҳақида маълумот беради. Картина марказида эгнида ўқ ва қилич зарбидан сақлайдиган ҳарбий совут кийган, бошида сариқ ипакдан салла, пешона қисмига қимматбаҳо тош билан пат қадалган. Кийимининг кўкрак қисмида айлана шаклдаги металлдан ясалган нишон. Кийимнинг енги калта, ҳаракатлар учун қулай этиб тикилган.

Елкасига қизил матодан тикилган ёпинғич ёпган Бобурнинг ўнг қўлида қилич кўтарганича аскарларини ғалабага руҳлантираётгани тасвирланган. Сурат қишда, Химолай тоғларидан ўтиб, жанг қилаётгани ҳақида тасаввур беради. Рассом оқ ва ҳаво ранг, кулранглардан кенгроқ фойдаланган, жанг тоғ устида кетаётгани чизилган. Аскарлар тоғнинг орасидан ўтиб, шамол эсиб, тоғ тепасида булутлар орасидан ўтиб келаётган Бобурнинг аскарларини руҳлантираётгани, саркарда олдида етти навкар жангчилари камонлардан ўқ узиб, уч нафарида

эса найза билан жанг қилаётгани тасвирланган. Бобур ва жангчилари тиззаларигача қорга ботган ҳолда жанг қилаётгани чизилган.

Бу ўринда Бобурнинг жанговар тактикаси, жангдаги жасорати ҳақида гапирганда, албатта, унинг ташқи кўриниши ҳақидаги У.Эрскиннинг "Бобур Ҳиндистонда" номли китобидаги маълумотни бериш айни муддао бўлади. "Бобур бақувват гавдали, ўрта бўйдан юқорироқ киши бўлиб, жисмоний ҳаракат талаб қиладиган ўйинларни яхши кўрар, ўткир мерган ва моҳир қиличбоз эди. Жуда кўп ҳолларда у шижоатини намойиш қила олар ва яккама-якка жангда рақибидан устун чиқарди. Унинг гавдаси шу даражада бақувват эдики, айтишларича, баъзан ҳар иккала қўлтиғига икки кишини қисиб олиб, қалъа девори устида айлантириб юрар ва шу тарзда йўлдаги тўсиқлардан ўтар эди" деган муҳим маълумотларни келтирган. Худди шу залда рассом И.Илҳомов томонидан чизилган Бобурнинг 12-13 ёшлардаги портрети, Бобурнинг 35-40 ёшлардаги тасвири чизилган портретлари, П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романига рассом Т.Саъдуллаев томонидан чизилган илюьстрациялар шу залдан жой олган.

Музейимизни Бобур залидан жой олган ҳар бир экспонат шоҳ ва шоир Бобур фаолияти ҳақида кенгроқ тушунча беради. Уларда тасвирланган воқеа-ҳодисалардан мукаммалроқ маълумотларни олиш мумкин. Олтмишдан ортиқ бир-биридан қимматли китоблар залдан жой олган. Ушбу китоблар Бобур ҳаёти, ижодини, давлат юритиш сиёсатини ўрганган – бобуршунос олимларнинг нашр этилган илмий тадқиқотлари, бу тадқиқотлар Бобур ижодини у ёки бу томонларини ёритади. Бобур ҳаёти ва ижодига нафақат ўзбек олимлари, балки бутун дунё олимлари ҳам қизиқиб келмоқдалар. Хуллас, Бобур залидан Ҳасанхожа Нисорий "Музаккири аҳбоб" (Дўстлар ёдномаси) тазкираси. Тазкирада XVI аср Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шарқий Туркистон ва Ҳиндистонда яшаган 288 нафар адиб ва орифлар ҳақида маълумот беради. Ҳофиз Таниш Ал Бухорийнинг "Абдулланома" асари, Бобур девонининг Рампур нусхаси, Ҳосият Назарованинг "Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат" каби китоблар жой олган.

Х.Қудратуллаев "Бобур армони" асарида Бобурнинг шоҳ Ҳусайн Бойқаро, вазир Алишер Навоий, тарихчи Хондамир, эркин ижодкор Восифийларнинг қарашлари қиёсий текширилгани, ушбу китобда ёрқин ёритилган.

Маълумки, адибу шоирларнинг жамиятдаги ўрни уларнинг ижодига, ҳодиса ва шахслар тасвири ҳамда ўзаро муносабатларига нечоғли таъсир этгани билан ҳам аниқланади. Олим "Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси" номли асарида Бобурнинг дипломатик маҳорати биринчи марта кенг кўламда тадқиқ қилинганлигини кўрамиз. Унинг давлат юритишда ягона давлатчилик сиёсатини юритиш, темерийзодаларни бир мақсад сари бирлаштиришдан иборат эканлиги, давлат бошқарувида ўзаро сулҳни, ҳамкорлик даражасида давлат бошқарувини таклиф этади. Давлатни бошқаришда халқпарвар амру фармон эълон қилгани, "Икки азимуш-шаън" фармони қайси миллат, динига таллуқли бўлишидан қаттий назар тамға солиғидан озод қилганлиги ҳақида маълумотлар беради. Х.Қудратуллаев асарда давлат бошқаришда янги давр янгиликларинигина

эмас салтанат ўзгаришларини тўғри баҳолай билиш зарурдир, деган муҳим фикрни илгари сурди.

Бобурнинг давлатчилик ва ҳарбий санъати, маҳорати Шарқ ва Ғарб олимлари, адиблари, тарихчилари томонидан тан олинган. Бу борада тарихчи Павле де Куртейлнинг қарашлари фикримизга далилдир: "Ҳар қандай синовга бардош бера олувчи, ирода ва матонатни ўзида мужассамлаштирган бу зот ўзида ҳарбий ҳийла ва жасоратини уйғунлаштира олар, зарур бўлганда жазолашга ҳам ва афв этишга ҳам қодир эди..." деб Бобурга юқори баҳо беради. Бобур аёллар қадр-қимматини жойига қўйиш, давлат ишларида муаммоларга оид масалаларда улар билан бамаслаҳат адо этган, уларнинг фикрини инобатга олганини билиш мумкин.

1996 йилда Исматиллахон Мирзаев томонидан нашр қилинган "Бобур маърифати" рисоласидан Бобурнинг халқ таълимига қўшган ҳиссаси, яхши хулқ ҳақида, хулқ таҳлили, оила тарбияси, ватанпарварлик, дўстлик, тарбия масалалари, урф-одатларга муносабати, нутқ маданияти учун Бобурнинг қилган ишлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Масалан: Бобурнинг яхши хулқ ҳақидаги фикрлари билан танишар эканмиз, унинг инсонга яхшилик қилган киши, яхши киши бўлади. Шунинг учун ҳам бундай одам ёмонлик кўрмайди. Яхши одамларга яхшилик қилишнинг улуғлиги тўғрисидаги ғоя унинг барча асарларида кўриниб туради. Инсон яхшиликка интилиб яшаши керак, агар у ўз ҳаётида улуғ ниятларига, мурод-мақсадларига етмаса, азоб чекиб яшашнинг фойдаси йўқ. Инсон ета олмайдиган истакдан воз кечиши кераклигини айтади. Шоир инсонларга яхшилик тилаш, муродини сўраш каби умуминсоний фазилатларни ўз ижодида ифода этади.

Бобур туркий халқлари учун араб алифбосининг ўқилиши ва ёзилишининг мураккаблигини англади ва уни осонлаштириш йўли билан халқ саводхонлигини тезроқ оширишни мақсад қилди ва ўзи алифбо тузди. У тузган алифбо халқ таълими тарихида "Хатти Бобурий" номи билан машҳур. Бобурнинг мазкур алифбоси арабларникига нисбатан содда ва қулай бўлганлигини остки, устки (зеру завар) белгилар йўқлигини исботлайди. Бобур тузган алифбони афғонистонлик М.Х.Ёрқин томонидан тайёрлаган жадвал ҳам музейимизнинг Бобур залига қўйилган.





2014 йилда Ҳ.Ҳасанов томонидан нашрга тайёрланиб, кириш қисми Саидбек Ҳасанов томонидан нашр этилган “Мубаййин” асарини эътироф этишни зарур, деб ўйлаймиз ва мақолада қисқа тўхталиб ўтамиз. Бобурнинг ушбу асари ҳақида дастлабки маълумотлар унинг шоҳ асари ҳисобланмиш “Бобурнома”да ва “Аруз рисоласи”да келтиради. Ушбу асарларни инглиз шарқшунос олимаси А.Бевериж ва ўзбек олимлари С.Мирзаев, П.Шамсиев ва С.Ҳасановлар каби таниқли олимлар нашр эттириб, илмий муомалага киритишган. Ушбу асар ҳақида илк бор Е.Березин 1857 йили рисоланинг закот қисмини чоп эттирган. Турк олими Фуат Кўпрўлунинг 1931 йилда нашр этилган “Миллий татаббуълар мажмуаси” тўпламига шоирнинг шеърлари билан бирга “Мубаййин”дан парчалар ҳам беради. А.А.Самойлович “Собрание стихотворений императора Бабура” номли китобида (1917 йил) унинг матнини нашрга тайёрлашга киришганига изоҳ беради. Маълумки, Бобур ушбу асарида дин асосларини баён қилишни мақсад қилиб қўйган. Бу асар Бобурнинг ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга атаб ёзилган. Бобур улар ислом динининг беш рукни асосларини чуқур ва осон ўзлаштиришлари учун диний масалалар моҳиятини назмда баён қилувчи рисола унинг асосий мақсадларидан бири эди.

Бобурнинг ушбу китобидан маълум бўладики, у ёшлигидан нақшбандия тариқатининг йўл-йўриқлари, асосларига амал қилишга ҳаракат қилган. Хожа Аҳрор шахсияти, насл-насаби, ижтимоий-сиёсий фаолияти ва хусусан, гўзал хусусиятларини тўлқинланиб ифодалайди. Хожа Мавлонои Қозий Бобурнинг пири ва устози бўлган. Унинг бошчилигида Ислом динини, хусусан, ханафия мазҳабини ва нақшбандия таълимоти асосларини мукаммал эгаллаган. Бобур инсон ва жамиятда унинг тутган ўрни доимо безовта қилиб келган. Унинг асарлари худди шу нарсани ифодалайди. Бир ўрнида унинг фикрича, ёмон киши бу дунёнинг ўзида ўз қилмишларига яраша жазо олади. “Сен ўзингга ёмонлик қилувчини турмуш ҳукмига топшир. Турмуш сенга ўч олувчи хизматкордир” деб айтган А.Самойлович. Ёки инсонни уч нарса ҳалокатга олиб келади: бахиллик, худбинлик ва манманлик” мазмунидаги ҳадиснинг амалдаги ифодасини шу шахс хулқ-атворидаги салбий жиҳатлар орқали ёритиб беради. Буни мисоллар орқали баён қилади.

Бобур залига қўйилган китобларнинг ҳаммасидан Бобур ҳақида жуда кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Музейимизнинг ушбу залига қўйилган экспонатлар ва китобларнинг ҳаммасида улуғ бобоколонимизнинг у ёки бу олмос қирраларини очиб беришга хизмат қилади.

БОБУР СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИНИ КУРСАНТ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ



И.МАҲМУДОВ
полковник.

Сўнгги йилларда Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг бошқа соҳалари билан бир қаторда ҳарбий йўналишда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилгани, Шунингдек қисқа давр ичида аниқ натижаларга ҳамда Қуролли Кучларимиз қиёфаси бўйича стратегик ёндашувни шакллантиришга эришилгани қувонарли натижадир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ҳозирги ахборот маконидаги қарама-қаршилик, одамлар, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини қайд этиш зарур [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Адиблар хиёбони ташкил этилиб, унда 24 нафар атоқли шоир ва адибнинг ҳайкаллари жой олди ва ҳайкали ўрнатилган ҳар бир адибнинг ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга доир таклиф-тавсиялар берилди [2]. Ана шундай мутафаккирлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлиб, унинг ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий маҳорати, илмий ва адабий мероси, хусусан “Бобурнома” асарини чуқур ўрганиш, кундалик ҳаётда, айниқса, ҳарбий хизматчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур стратегияси ва тактикаларини курсант ёшлар онгига сингдиришда, шунингдек, Бобур ва унинг “Бобурнома” мемуарини ўрганишнинг аҳамиятини қуйидаги хусу-



сиятлар белгиланиши мақсадга мувофиқ саналади:

– Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг курсант ёшлар учун ҳар бир фазилати – характери, иймон эътиқоди, юксак маънавияти, садоқат ва ишончи барча учун ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилади, айниқса, ҳарбий хизматчиларни кундалик ҳаётда ҳар томонлама мукаммал бўлиб тарбияланишларига яқиндан ёрдам беради;

– Бобур курсант ёшлар учун жуда зарур ҳисобланадиган мустаҳкам ирода соҳиби бўлиб, тарихий манбаларда бунга оид жуда кўп воқеалар ёзиб қолдирилган, яъни ҳар қандай вазиятда ҳам, охирги умид қолгунича курашиш хусусияти унда юксак даражада бўлганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин;

– Бобур саркарда ёки салтанат бошлиғи сифатида гавдаланади, аммо шу билан бир вақтнинг ўзида жангу-жадаллардан жуда оз вақт ортиб қолган кезларда илм-фан, маърифат, ижод билан машғул бўлдики, у томонидан яратилган бой адабий мерос неча йиллардан буён қизиқиб ўрганилади. Ҳаттоки, дунё миқёсида муҳим илмий тадқиқот соҳасига айланган бобуршунослик йўналиши вужудга келган бўлиб, дунё мамлакатларида мазкур йўналишда фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда. Яна бир жиҳати, Бобур қолдирган мерос қомусий аҳамиятга эга бўлиб, курсант ёшлар кундалик ҳаётида асосий касбидан ташқари, илму ҳунарни ҳам эгаллашлари лозимлигини англатади;

- курсант ёшлар учун зарурий хусусиятлардан бири бу – мунтазам равишда ғалаба руҳиятига эгалик ҳисобланади. Бундай характер Бобурда юқори даражага эга бўлиб, доимий равишда жанг майдонида буни исботлашга ҳаракат қилган, шу билан бирга аксарият ҳолларда, хоҳ қамалда бўлсин, хоҳ жангда у аскарлар билан бирга бўлишга ҳаракат қилган. Бундай ҳолат курсант ёшлар учун уларнинг руҳиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради;

- ҳар қандай вазиятда ҳам Бобур доимий равишда адолат мезонларини устун қўярдики, ҳарбийлар кундалик ҳаётида бу жиҳати билан ҳам муносиб ўрнак бўла олади.

Юқоридаги жиҳатларни ўз қалбига доимий сингдириб боришлари учун курсант ёшларда Бобур стратегияси ва тактикасини мукаммал ўрганишлари ҳамда унинг асарлари, хусусан, “Бобурнома” билан танишишлари керак.

Қайд этилганидек ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган паллаларда Бобурнинг аскарлар билан бирга бўлганлиги қўшинга жанговор руҳ бериб турганлиги маълум. “Қамал пайтида қўрғон деворининг устида ҳар кеча юрар эдик. Гоҳи мен, гоҳи Қосимбек, гоҳи яна беклар ва ичкилардан баъзилар айланарди. Феруза дарвозасидан Шайхзода дарвозасигача девор устида от билан юрса бўларди. Баъзилар яёв юриб айланиб чиқарди. Бир айлангунча тонг отар эди [5, 82].

Манбаларда Бобурнинг мустаҳкам иродага эга бўлганлиги хусусида маълумотлар берилган. Унинг замонида қишнинг совуқ кунларида ҳам ҳарбий ҳаракатлар учун сафарларда қийинчиликларга дуч келинарди. Бобур эса чиниққан баҳодирликни ҳатто кундалик одатларда ҳам исботлаб келган. "Бобурнома"да қайд этилишича, "... ҳаво шу даражада совуқ эдики, ўша икки-уч кун орасида икки-уч киши совуқнинг шиддатидан ўлган эди. Менда ғуслга эҳтиёж бор эди. Ёқаларини қалин муз қоплаган, сувнинг тезлиги боис ўртаси музламаган бир ариқдаги сувга кириб ғусл қилдим. Ўн олти маротаба сувга шўнғидим. Сувнинг совуқлиги хийла таъсир қилди" [5, 86].

Сабр-тоқат, матонат курсант ёшларнинг муҳим жиҳатига айланиши лозимлигини Бобур ҳаётида дуч келган машаққатлар, уларда бир тану-жон бўлиб қилинган ҳаракатлар самара берганлиги ойдинлашади. Ҳарбий ҳаракатлар учун сафар чоғида "... бир ҳафтага яқин қор тепиб, кунда бир-бир ярим шаръийдан* ортиқ кўчилмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички яқинлар ва Қосимбек эди. Ушбу кишилар яёв юриб қор тепар эдик. Ҳар қадам қўйганда белигача, қўксигача бота-бота қор тепар эди" [5, 148].

"Тарихи Рашидий" келтирилишича, "... у Қандаҳорни фатҳ қилгандан кейин Кобулда бўлди. Хусравшоҳнинг уч мингтача қолган мўғуллари Улуғбек Кобулийнинг ўғли Абдураззоқ мирзони подшоҳ қилиб кўтаришди ва Бобур подшоҳга қарши қўшин тортишди, шу пайтда Бобур Подшоҳ қўлида беш юзта одам қолган эди. Ана шу беш юз киши билан у душманга қарши чиқиб жанг қилди. Бу энг қонли жанглардан бири бўлди. Кўп тўқнашув ва олишувлардан кейин у душманни тор-мор қилди. Ўша жангда шахсан унинг ўзи душманнинг бешта баҳодири – Али Саид, Али Сино ва яна учтаси билан уришди. У жасурлик билан қилич чопиб уларни қочирди. Ўша жангда Абдураззоқ мирзо Бобур Подшоҳнинг қўлига тушди. Подшоҳ мурувват қилиб, уни қўйиб юборди" [7, 312]. Демак бу каби ҳоллар Бобур учун доимий аҳамиятга эга бўлиб, ҳукмдор вазиятга олдиндан баҳо берган ҳолда унга доим тайёр бўлишга ҳаракат қилган. Курсантлар ҳар қандай ҳолатда ҳам вазиятни олдиндан тўғри баҳолаган ҳолда унга мунтазам шай туриши муҳим жиҳатлардан саналади.

Ҳарбий хизматчилар кундалик ҳаётида аждодлар маънавий меросини ўрганишда "Бобурнома" асарининг аҳамияти, курсант ёшларнинг қомусий билимларга эга бўлишлари учун ёрдам бериши билан характерланади. "Бобурнома"да тарихий шахслар, уларнинг насл-насаблари, ҳудудлар топонимик номлари ва ривожланган йўналишлари, халқларнинг урф-одат ва анъаналари, қўшин тузилиши, ҳарбий қурол-аслаҳалар, жанговор тактикалар ва уларни амалга ошириш механизмлари, қўшинларнинг ҳарбий ҳаракатлар давомида бошқариш ва рағбатлантиришга оид маълумотлар мавжуд. "Бобурнома", мана, салкам 500 йилдирки, тарих, география, этнография, лингвистика, зоология, ботаника, санъатшунослик ва боғлар яратиш билимлари бўйича энг қимматли манба ҳисобланиб келинмоқда. Ушбу мемуар асардан Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон тарихи, халқлари ҳаёти, урф-одатлари, ижтимоий тузуми, диний эътиқодлари ва ҳаётнинг

турли-туман бошқа соҳалари ҳақида фавқулодда қимматли маълумотлар олиш мумкин [4, 51]. Ҳарбий хизматчилар мазкур асарни кундалик ҳаётда мутолаа қилишлари орқали ўз касбий фаолиятлари учун муҳим маълумотларни олишлари билан бирга, дунё халқлари маданияти ва шаҳарлари ҳақида билишлари мумкин бўлади.

Дунё миқёсида бобуршунослик соҳасида амалга оширишган тадқиқотлар натижасида жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатида махсус илмий йўналишлар вужудга келди ва уларнинг тадқиқотлари бугунги кунда ҳам фаол давом эттирилмоқда. Мазкур асарларда Бобур шахси ва "Бобурнома" асарига оид барча жиҳатларни синчиклаб ўрганишга, зарур ўринларда қиёсий тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қилинган ва уларда Бобур юқори даражада эътироф этилганлиги кўзга ташланади. Шундай олимлардан бирининг эътирофича, "...ҳар қандай синовга бардош бера олувчи, ирода ва матонатни мужассамлаштирган бу зот ўзида ҳарбий ҳийла ва жасоратни уйғунлаштира олади. Зарур бўлганда жазолашга ҳам, авф этишга ҳам қодир эди. У истеъдодли ҳарбий арбоб ва ишнинг кўзини биладиган, қўшинларни моҳирлик билан бошқара оладиган, уларни ишончини қозона олган саркарда эди. Эҳтиёткор давлат арбоби бўлатуриб, у ҳар қандай майда нарсага ҳам эътибор берар эди. Бу шоҳ фақат фотиҳ бўлибгина қолмай, яратувчи – бунёдкор ҳам эди" [3, 8-9].

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, курсант ёшларнинг Бобур ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий маҳорати, илмий ва маънавий меросини фаол ўрганишлари орқали мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга, ҳар соҳада фаол, билимли ва қобилиятли бўлишга ҳаракат қилишлари даркор. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳарбийлар кундалик ҳаётида Бобур шахси ва "Бобурнома" асарини ўрганишни янада жадаллаштиришга оид қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, Бобурнинг стратегиялари ва тактикаларини, уларни сабр-матонат, сабот билан енгиб ўтгани ҳарбийлар учун намуна бўлишини инобатга олган ҳолда, уларнинг тизимли равишда Бобур





асарлари ва у ҳақда дунё олимлари томонидан яратилган китобларни ўқишларини ташкил этиш;

иккинчидан, бугун шиддат билан ўзгараётган мураккаб замонда одамларнинг қалбига йўл топиш ва уларни юксак мақсадлар сари илҳомлантиришда адабиёт ва санъатнинг таъсирчан кучини эътироф этган ҳолда Бобур ғазалларини ҳарбийлар ҳаётида фаол тарғиб этиш;

учинчидан, Бобур ҳаёти ва ижоди, "Бобурнома" асари асосида ҳарбий хизматчилар, айниқса ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида кўрик-танловлар, интеллектуал ўйинлар, маҳорат дарсларини ташкил қилиш;

тўртинчидан, Бобур ҳаёти ва фаолиятини ОАВда фаол ёритиш орқали ёшлар онгида ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларини янада мустаҳкамлаш зарур.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий ва маънавий меросини фаол ўрганиш ва келгуси авлод учун муносиб мерос қолдириш ҳар бир инсоннинг ажралмас бурчидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқи. 2020 йил 10 январь // Халқ сўзи. 2020 йил 11 январь.

2. Ватанимиз олтин остонаси Тошкент тобора чирой очмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 май кунидаги Адиблар хиёбонига ташрифидаги нутқидан // Халқ сўзи. 2020 йил 21 май.

3. Бобур мемуари. Чиғатой тилидан француз тилига Паве де Куртейл томонидан таржима қилинган. – Париж, 1871. – 8-9-бетлар.

4. Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар. Тошкент: "Sharq", 2006. – 116-бет.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: "Ўқитувчи", 2008. – 287-бет.

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: "Sharq", 2017. – 688 б.

7. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: "Sharq", 2010. 719 б.



“БАҲОРИСТОН”ДА НАВОИЙ ТАЪРИФИ

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди.

Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий темурийлар Уйғониш даврининг даҳо сўз санъаткорлари бўлиб, уларнинг ибратга йўғрилган ўзаро устоз-шогирдлик ва дўстона муносабатлари ҳамда қизғин адабий алоқалари ҳақидаги муҳим маълумотлар, эслатма-хабарлар, юксак эътирофлар, нома рубоийлар, биринчидан, уларнинг қаламига мансуб асарларида битилгани билан ҳам ниҳоятда қимматли, иккинчидан эса уларни тарихий, бадиий ва илмий-назарий талқинларга тасниф қилиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу каби бебаҳо битиклар икки буюк мутафаккирнинг ҳаётидан, ижодидан, шахсиятидан, ўзига хос услублари ва даврдаги маданий-адабий кўтарилишдан маълум маънода хабар беради.

Алишер Навоий даврига оид адабий манбалардан бири бу – Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” номли дидактик характердаги дурдона асаридир. У 1487 йилда Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” (1256) асари таъсирида насрий усулда битилган. Муҳими шундаки, бу асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида муаллифнинг ўзи китобда маълумот битиб қолдирган. Яъни уни ўн яшар фарзанди Зиёвуддин Юсуф учун дарслик-қўлланма сифатида яратган. Гўё донишманд адибнинг ўз дидактик асарининг “Гулистон” китобининг сабаби таълифи баёнидадур” номли қисмида “Гулистон”имдан ол бир япроғ” [1] деб ёзган

1 Саъдий Шерозий. Гулистон (Форс тилидан Мулло Муродхўжа таржимаси). – Тошкент: Фан, 2005. – 23– бет.

истагига амал қилиб, ўғлига гоҳида тарбия мақсадида “Гулистон”да берилган ҳикоятлардан намуналар ўқиб бериб турган ва шундан кейин боланинг Шайх Саъдий асарига қизиқиши ва ихлосини кўриб, илҳомланиб худди шу йўналишда асар ёзишни мақсад қилган. Абдураҳмон Жомий бу ҳақдаги сўз муддаосини асарнинг муқаддимасида ҳам насрий, ҳам шеърий усулда шундай изоҳлаган: “... унинг дилига мурувват, хотирига қувват бериш мақсадида гоҳ-гоҳ машҳур шайх ва буюк устод Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”идан:

“Гулистон эмасдир, жаннатдин нишон,
Хашак-тикани ҳам анбаргадир кон.
Жаннат дарвозаси ундаги боблар,
Файз тўла қиссалар чин ҳавзи кавсар.
Пардага ўралган нуқталар пинҳон,
Буларга рашқ этар ҳур ила ғилмон.
Шеърлари дарахтдир, баланд ҳосилдор,
Лутф шабнамидан ариқлари бор, –

каби бир неча сатр ўқилар эди. Шу аснода хотирамға унинг шариф сўзларидан шарафланиб ва латиф шеърларидан илҳомланиб шу турда ва шу услубда бир неча варақ ижод қилиб, ҳозирларға достон ва ғойибларға армуғон этиш фикри келди”[2] . Демак, у “... ҳозирларға достон ва ғойибларға армуғон этиш” деб “Баҳористон”дек дурдона асарни битган.

Маълумки, Илк Уйғониш даврининг мумтоз сиймоси Шайх Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” каби қимматли асарлари мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, ўз даврида Жомий, Навоий, Бобур, Қутб, Огаҳий, Авлонийлар ҳам уни ўқиб-ўрганишган. Бу ҳақда Навоий “Лисон ут-тайр”да шеърий усулда[3] , Бобур эса муҳташам “Бобурнома”да насрий усулда маълумот битиб қолдирган[4] . Асарни Хоразм адабий муҳитининг забардаст вакиллари Қутб Хоразмий ва Огаҳийлар маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилганлар, маърифатпарвар Абдулла Авлоний эса ундан таъсирланиб жавоб сифатида 1913 йилда “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” дарслигини ёзган.

“Баҳористон” муқаддима ва саккиз равза – боғдан ташкил топган: 1) дарвешлар ҳақида ибратли ҳикоялар; 2) донолар ҳикмати; 3) шоҳлик ва адолат бобида; 4) саховат ва карам бобида; 5) дўстлик ва муҳаббат бобида; 6) мутойибот; 7) шеър ва шоирлик бобида; 8) масаллар ҳамда хотима. Асарининг еттинчи равзаси тазкира характерида бўлиб, унда X–XV асрларда яшаб ижод этган 37 нафар буюк шоиру адибларга алоҳида фиқралар битган, хусусан, улуғ замондоши Алишер Навоийга ҳам. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Навоий “Баҳористон”нинг мазкур еттинчи равзасини “нигорхонаи Чин” (“Чин расмлари хонаси”) атамаси билан тазкира сифатида тилга олган ва “... бир равзасини бу мавзуи наволиқ балобил ва матбуъ садолиғ анодил гулбонгидин рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати фирдав-

2. Абдураҳмон Жомий. Баҳористон (Форс тилидан Ш.Шомуҳамедов таржимаси). – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2007. – 2–бет.

3. Ражабова Б. Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ. – Тошкент: «Турон замин зиё», 2015. – 18–бет.

4. Шодиев Э. Бобур ва тожик адабиёти \\ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги давлат нашриёти, 2003. – 45–61-бетлар.

си барин қилибдур”[5], деб юксак эътироф этган. У устозига бағишлаб ёзган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида Жомийнинг “Баҳористон”да ўзи ҳақида битган фиқрани “Ва “Баҳористон”да назм аҳли асомийси зайлида бу фақирни бу навъ мазкур қилибтурларким”[6], дея мамнунлик билан изоҳ битган ва мазкур фиқра матнини асарга тўлиқ киритган.

Зиёвуддин Юсуф (1477, Ҳирот – 1544, Арп (Хуросон) – Абдураҳмон Жомийнинг учинчи ўғли ҳисобланади, у шоир, хаттот, олим, шайхулислом бўлган. Шоир ўғлининг таълим-тарбиясига катта эътибор берган. У бошланғич таълимни алломаи замон бўлмиш отасидан олган бўлса, кейинчалик эса Ҳирот мадрасаларида ўқиган. Жомий “Баҳористон”дан ташқари, “Фавойиди Зиёия” асарини ҳам ўғлига бағишлаган. Шунингдек, у “Юсуф ва Зулайхо”, “Туҳфат ул-асрор” асарларида ҳам фарзанди аржумандига боблар бағишлаган, уларда улуғ шоир ўғлига таъсирчан ўгитларини оталарча шафқат ва шоирона маҳорат билан баён қилган. Зиёвуддин Юсуф келажакда Абдураҳмон Жомий истаган инсонпарвар, одамий ва олижаноб шахс бўлиб вояга етган. Ундан бизга шеърларидан айрим намуналар ҳам етиб келган. Фикримиз исботи учун бир рубоийсини келтирамиз:

Намедонам касе аз навъи инсон,
Ки бошад аз хатову саҳв озод.
Манам он шоҳбози олами қудс,
Ки дар сайрам хато ҳаргиз наяфтод.

Мазмуни: “Айбу хатодан холи кишини одамлар орасида учратганим йўқ. Мен ҳам поклик оламининг лочиниман – менинг йўлимда хато сира бўлмаслиги керак”.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида ёзишича, муаммо қоидаларига бағишланган “Муфрадот” номли назарий характердаги асарини якунлаб, Жомийга кўрсатган, асар унга маъқул бўлган ва ўғли Зиёвуддин Юсуфга асарни ўқиб-ўрганишни тавсия қилган [7]. Яна Навоийнинг эътироф қилишича, Зиёвуддин Юсуф унинг мазкур асари асосида муаммо фанини пухта ўрганишга ҳаракат қилган. Маълумки, Алишер Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида Абдураҳмон Жомий вафоти тафсилотларини соҳиби аза сифатида ҳам батафсил ёритган ва асарнинг ушбу видоъ лавҳасида у Зиёвуддин Юсуфни икки марта, яъни исми билан ҳамда махдумзода деб тилга олган. Чунончи: “Тонг отқунча бир ҳолда эрдилар, чун тонг намозидин халойиқ фориғ бўлдилар, аларнинг ҳоли ўзгачарак бўлди. Ҳазрати Хожа Абдулазиз чун кўрдиларким, ҳол унга навъдур, ўзлари мадад бериб, аларнинг бошини машриқ, жонибидин шимол жонибиға қилиб, юзларни қибла сори қилдилар. Мавлоно Зиёвуддин Юсуфким, аларнинг аржуманд фарзандларидурлар, аёғлари сори кўзлариға ўтру ўлтуруб эрди, алар қачон кўз очсалар анга илтифот юзидин боқадурлар эрди. Бу фақир густоҳлик қилиб, илтимос қилдимким,

5 Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. – Тошкент: «Фан», 1997. – 8–бет.

6 Алишер Навоий. Хамсат ул-мутахаййирин // Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. – Тошкент: «Фан», 1999. – 52–54-бетлар.

7 Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат // Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. – Тошкент: «Фан», 2001. – 103–бет.

махдумзода ўтрудин қўптилар. Андан сўнгра алар нақшбандия хожалари тариқи билан хафий зикриға машғул бўлди...” [8].

Зиёвуддин келажакда отаси истаган олижаноб шахс бўлиб вояга етган.

Бобур 1506 йилда йигирма кун фозил шаҳар Ҳиротда бўлар экан, Абдураҳмон Жомий мақбарасини зиёрат қилган, у қурдирган масжид, мадрасада бўлган. Демак, у Зиёвуддин Юсуф билан кўришган[9], деган фаразимиз ҳам йўқ эмас.

Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”да битган “Алишер Навоий” фиқрасини тадқиқ ва талқин қилар эканмиз, мазкур фиқранинг мазмун-моҳиятига кўра, қуйидагича тасниф қилиб ўрганишимиз мумкин:

1. Навоийнинг улуғ шахсиятига тааллуқли фикрлар: “Бизнинг замонамиз бу соҳибдавлат вужуди ила мушаррафдир. У ўз мартабаси, улуғлиги ва шоҳга яқинлиги ва шунингдек, Оллоҳ ато этган ва ўқиш ўрганиш билан орттирилган илму дониши ва ақлу заковати билан шеърлари ҳусни камоли учун ҳар қандай мақтовдан юқори турса-да, у ўзини паст тутиб, шеър аҳли жамоасига қўшилди ва бошқаларга ҳам пардани орадан кўтариб, шеърият йўлини очиб берди. Аммо ҳаққониятини айтганда, у мана шу анжуманларнинг барчасига бошлиқ ва шеър аҳли сардафтарида номи битик”.

2. Унинг тахаллуси билан боғлиқ маълумот: “Унинг покиза номини қуйидаги муаммодан чиқариш мумкин:

Асл номига киши топмас тахаллусдан имо,
Ким тополса лаблари узра инар жонбахш наво”.

3. Ўзбек (туркий) тилининг расмий жиҳатдан мақомини кўтаришдаги жасорати, матонати ва унинг ўзи бу ҳолатга амал қилиб, барча асарларини туркий тилда битганига берган юксак эътирофи ҳамда изоҳи: “Табиати тақозоси ва қобилиятига кўра у туркий ва форсий шеърларида юксалишга муяссар бўлган бўлса-да, туркийга кўпроқ майллик кўрсатди ва бу тилдаги ғазалиёти ўн минг байтдан зиёдроқ бўлди. Низомий “Хамса”си муқобилида ёзган маснавийлари уч минг байтга яқин ва бу тилга ҳеч ким бунчалик кўп ва хўб шеър ёзмаган”.

4. Фиқрада унинг форсий мероси ҳақида ҳам алоҳида қимматли фикрлар билдирган ҳамда “ҳинд соҳири”нинг “Яхшилар дарёси” қасидаси хусусида тўхталган ва бир байтни таҳлил қилган: “Форсий шеърлари орасида Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Яхшилар дарёси” қасидасига жавоб тариқасида битилган қасидаси бор. Унда ажиб мазмун ва нозик хаёлотга эга байтлар жуда кўп. Унинг бошланмаси бундай:

Подшоҳлар тожида ёлқинли лаъл бўлса безак,
Бошдаги ҳар хом хаёлга тоб берувчи чўғ демак”.

Жомий фиқрада яна Навоийнинг ўзига йўллаган уч нома-рубоийсига диққат қаратган. Навоий ҳам устози вафотидан сўнг соғинч фонида ёзган “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да уларнинг ёзилиш тарихига

8. Алишер Навоий. Хамсат ул-мутахаййирин. МАТ. 15-жилд. Тошкент, 1999. 77-бет.

9. Ражабова Б. Абдураҳмон Жомий ва Ҳирот маданий муҳити // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2021, 3-сон. – 48-бет.



тўхталиб, ҳар иккалаларининг рубоийларини келтириб ўтган. Бу маълумотлардан учала нома-рубоийлар ҳаж сафаридаги Жомийга бағишланган ва унга юборилган мактубларга тамсил сифатида битилганини билиш мумкин. Чунончи, "Қуйидаги рубоий эса, бир кишининг Ҳижоздан қайтиб келиши муносабати ила ёзилган табрик мактубидан олинди:

Фалак, инсоф била етказгил пайғом,
Қани, ким яхшироқ айлади хиром:
Эрта тонгда Шарқдан чиққан қуёшми,
Тўлин ойми чиққан жойи бўлса Шом?" (89-бет).

Бу нома-рубоийнинг ёзилиш тарихи хусусида "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг "Иккинчи мақолат"ида шундай хабар битилган: "Алар Макка сафаридан келганда подшоҳ Балхда эрдилар ва фақир (Навоий) бир қосидни аларни кўриб, саломатлик хабарларини келтурсун деб шаҳарга юбордим. Таҳниятомуз руқъа ҳам битиб эрдим. Анда бу рубоий мастур эрдиким:

Инсоф бидеҳ, эй фалаки минофом,
То з-ин ду кадом хубтар кард хиром:
Хуршеди жаҳонтоби ту аз матлаи субҳ,
Ё моҳи жаҳонгарди ман аз жониби Шом?

Алар бу руқъанинг муқобаласида бағоят рангин руқъа битиб юборибдилар.

Рубоий:

Бо килки ту гуфт нома, к-эй гоҳи хиром,
Сад туҳфаи хуш ба Рум овард зи Шом.
Гар пои ту дар миён набошад – нарасад
Маҳжуронро аз жониби дўст паём"[10] .

Ёки:

"Бу рубоий эса бошқа бир мактубдан:

Бу нома мактубмас, дардим дармони,
Ҳижронда эзилган юрагим қони.
Қайноқ дилу совуқ оҳим таскини,
Яхши жаҳонгашта моҳим нишони" (38-бет).

Мазкур нома-рубоийнинг ёзилиши ва адресатга жўнатилиши тарихини "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг "Иккинчи мақолат"ида шундай шарҳланади: "Алар Макка сафариға борғонда Бағдоддин бағоят рангин нома битиб эрдилар. Ул нома аввалида бир ғазал битиб эрдилар. Матлаъ будирким:

Бар канори Дажла дур аз ёру маҳжур аз диёр,
Дорам аз ашки шафақгун Дажлаи хун бар канор.

Борур кишидин ул ғазалға татаббуъ қилиб, нома юбориб эрдим. Матлаъ будирким:

Шоми ҳижрон к-ў мағриб шуд ниҳон хуршедвор,

10 Алишер Навоий . Хамсат ул-мутахаййирин. – 39-бет.

Ё Рабаш субҳи висол аз жониби машриқ барор.

Аммо руқъанинг охирида бу рубоийни ҳам битиб эрдим:

Ин нома, на нома, дофеъи дарди ман аст,
Ороми даруни ранжпарварди ман аст.
Таскини дили гарму дами сарди ман аст,
Яъне хабар аз моҳи жаҳонгарди ман аст.

Алар Маккадан қайтғонда Ҳалабдин бу руқъаға жавоб битиб эрдилар ва бу рубоий анда эрдиким:

Ин руқъа, на руқъа, мояи ҳар тараб аст,
Таҳсили нишоту айшро хуш сабаб аст.
З-ин сон, ки бувад мухтасару пурмаъно,
Гўё зи "Жавомеъ ул-калим" мунтахаб аст".[11]

Навоий Махдумга мурожаат қилиб, нома-рубоийларни битган ва мурожаат санъатидан унумли фойдаланган. Шоирнинг дуои саломи, саломатлик каби кўнгил изҳорлари баён қилинган. Нома-рубоийларида шоир ҳаётининг Жомийга маълум бўлган томонлари акс этган, яъни Жомий ўзи учун битган нома-рубоийларни асарга тамсил қилган. Жомий келтирган мисоллар шоирнинг сафарларда ҳам Жомий билан боғлиқ мулоқотлари ёзишмалар асосида бўлганини кўрсатади. Жомий ва Навоий муносабатларининг бошқа нома-рубоийларида ҳам ўз аксини топган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нома-рубоийлар ёзиш фақат Алишер Навоий ёки Абдураҳмон Жомий услубига хос эмас, балки бундай нома-рубоийларни ёзиш уларгача ҳам, улардан кейинги ижодкорлар ижодида ҳам учрайди. А.Қаюмов ўзининг "Ёзишмаларга оид рубоийлар"[12] номли тадқиқотида подшоҳ ва шоир Бобурнинг нома-рубоийларининг бештасини талқин қилар экан, нома-рубоийлар ҳусусида фикр билдириб ўтган. Навоийнинг яқинлари ва суҳбатдошлари билан боғлиқ мавзуга Ш.Сирожиддинов ҳам ўзининг "Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик таҳлили"[13] китобининг "Яқинлари ва суҳбатдошлари" номли фаслида сиқа характерда тўхталган. Б.Аҳмедов "Навоий замондошлари хотирасида" китобига "Баҳористон"даги фиқрани киритмаган. Аммо, Жомийнинг "Ҳафт пайкар" (хотимасида), "Фотиҳат уш-шабоб", "Лайли ва Мажнун" каби достонларида битилган улуғ Навоий билан боғлиқ лавҳаларни форс тилидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиб киритган.

Хуллас, Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон"да Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ олмос қирраларни ўғлига намуна сифатида ёзиб қолдиргани таҳсинга лойиқ. Бу асар унинг юқорида биз номлари тилга олиб ўтган асарларида Навоий ҳақида битган қимматли маълумот ва юксак эътирофларини тўлдиради.

11 Ўша ерда.

12 Қаюмов А. Асарлар. 5 жилдлик. 4-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2009. – 125–127-бетлар.

13 Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларининг қиёсий-типологик, тестологик таҳлили. – Тошкент: "Akademnashr", 2011. – 83–84-бетлар..



УРУШНИНГ СЎНГГИ ҚУРБОНИ

Ўткир ҲОШИМОВ

(ҲИКОЯ)

Шоикром айвон тўридаги сандал четида хомуш ўтирарди. Аллақачон баҳор келиб, кунлар исиб кетганига қарамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо ҳеч ким бу тўғрида ўйлаб кўрмаганини у энди пайқагандай ғаши келди. Бўз кўрпа устидан ёпилган, шинни доғи қотган қуроқ дастурхон ҳам, ҳозиргина гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди. Аммо бепарволик билан қўл силтади-ю, дўпписини сандал устига ташлаб ёнбошлади.

Ярим кеча бўлиб қолган, атроф жимжит. Фақат олисларда ит улийди. Айвон тўсинидаги узун михга илиғлиқ лампочка хира нур таратади. Чироқ атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди. Ҳовлининг ярмигача ариқ тортиб экилган Кулупнай пушталари орасида сув ялтирайди. Онда-сонда ранг олган қулупнайлар кўзга ташланиб қолади. Қаёқдандир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёнғоқ шохлари бир гувиллаб қўйди. Шоикром уйқу элита бошлаган кўз-

лари билан ўша томонга қаради-ю, тер ҳиди анқиб турган лўлаболишга бошини ташлади. Шу ондаёқ яна ўша товоққа, банди куйган қошиққа кўзи тушиб, тағин ғашланди. «Зиқна бўлмай ўл! — деб ўйлади хотинини сўкиб. — Азалдан қурумсоқ эди, замон оғирлашгандан буён баттар бўлди».

Ичкарида чақалоқ йиғлади. Бешикнинг ғирчиллагани эшитилди. Бола худди шуни кутиб тургандай, баттар биғиллай бошлади. Каттаси ҳам уйғониб кетди шекилли, қўшилишиб йиғлашга тушди.

Шоикром силтаниб қаддини ростлади.

– Овозини ўчир, Хадича!

Ичкаридан хотинининг бешикни муштлагани, зардали товуши эшитилди:

– Овози ўчса кошкийди! Тўққиз кечасида жин теккан бунга! «Камбағалнинг эккани унмайди, боласи кўпаяди ўзи, - деб ўйлади Шоикром ижирғаниб. – Шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшийди».

Уни урушга олишмади. Тўқимачилик комбинатида монтёр етишмасмиди ё ўзи яхши ишлардими, ҳар қалай, уни олиб қолишди. Шоикром уруш бошланишидан сал олдин уйланган эди. Уруш бўлди-ю, замона ўзгариб кетди. Бир хил одамлар тирноққа зор. Унинг хотини бўлса, ёнидан ўтиб кетса ҳам бошқоронғи бўлаверади. Худо берганидан кейин ташлаб бўлармишми, деб кетма-кет учта қиз туғиб берди. Урушнинг қора қаноти узоқлаб кетган бўлсаям, эрта-индин Гитлернинг тўнғиз қўпиши кўриниб қолган бўлсаям, ҳамон унинг сояси одамлар бошига кўланка ташлаб турибди. Ҳали у қўшниникида аза очилади, ҳали бу қўшниникида.

Ҳовли этагидаги пастак эшик ғийқиллади. Шоикром кафти билан кўзини чироқдан пана қилиб қаради-ю, шу томонга келаётган онасини кўрди. У уйланганидан кейин отадан қолган ҳовлини ўртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чеккаси Хадичанинг инжиқлиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил икир-чикир гаплар чиқаверганидан кейин Умри хола рўзғоринг бошқа бўлса ўзингга қайишасан, деб уларнинг қозонини бўлак қилиб берди. Ўзи кичик ўғли Шонеъмат билан нариги ҳовлида қолди.

Ранги униққан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола шарпадай унсиз юриб келди-да, япалоқ «мусулмон» ғиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилди.



– Ҳали ухламовмидинг? – деди у зинадан энкайиб чиқаётганида сурилиб кетган рўмолини қайта ўраб.

– Кўрмайсизми, чақалоқ тинчимаяпти. Ўзим итдай чарчаганман.

– Бола бўлгандан кейин йиғлайди-да, – деди Умри хола юпатувчи товушда. – Ётавер, болам. – У яна

ўша унсиз одимлар билан ичкари уйга кириб кетди.

Қайнона-келин бир бало қилиб болаларни тинчитишди. Кейин икковлари бошлашиб чиқишди. Хадича бир қўлида чойнак-пиёла, бир қўлида зоғора нон келтириб, дастурхон устига қўйди.

– Чой ўлиб қопти, – деди у зоғора ушатаркан.

Умри хола Шоикромнинг ёнбошига, шапарак кўрпачага ўтирди.

– Ол ўзинг ҳам, – деди у томирлари бўртиб чиққан қўллари билан сочилган увоқларни йиғиб оғзига соларкан. Шоикром онасининг бармоқлари тарс-тарс ёрилиб кетганини энди пайқади. Илгари ҳам шунақамиди, йўқмиди, эслай олмади.

– Овқатингдан қолмадими? – деди у чўккалаб ўтирганча чой қуяётган хотинига қараб.

Хадичанинг узунчоқ сарғиш юзи қизарди. Айбдордек маҳзун товушда узр сўради:

– Қолмовди-я. Шоикром унинг қизарганидан ёлғон гапираётганини сезди. Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунақа деяётгандир...

– Йўқ, болам, овқат керакмас, – деди Умри хола шошилиб. -Хаёл суриб ётиб уйқум ўчиб кетди... – У бир лаҳза жим қолди-да, ўзига гапиргандай секин қўшиб қўйди: – Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қўй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди.

– Ҳозир қўй сути қатта, — деди Хадича. – Сигир сути отлиққа йўғу... Шу пайтда сигиримиз туққан бўларди-я.

Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгида пастак дераза остида шифтга тикилиб ётган укаси жонланди. Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиниқ келди. Шонеъмат Россиядан кўчириб келтирилган завод қурилишида ишлай бошлаганида уни урушга олишмаганидан Шоикром суюнган эди. Гап бошқа ёқда экан. Укаси сил экан. Шунинг учун қолдиришган экан. Мана, уч ойдирки, ерга ёпишиб ётибди.

Шоикром ўн кунча илгари ишга кетаётиб бирров кириб укасидан ҳол сўраган эди. Ўшанда Шонеъматнинг қоқсуяк бўлиб қолганини, катта-катта кўзлари нимагадир чуқур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди.

«Яқинда ўлади, – деб ўйлади у онасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб, – бари бир ўлади».

– Тузукми? – деди у ҳаммаси учун ўзи айбдордай қовоғини солиб.

– Шукр, – Умри хола қулт этиб ютинди. – Ҳозир ухлади. – Онаси шу топда чиқиб овора бўлмагин, деган маънода, гапирганини Шоикром тушунди.

– Эрталаб хабар оламан, – деди у онаси ўрнидан турганида.

– Сендан нега гина қиларкан, болам, – деди Умри хола айвон лабида тўхтаб. – Кўриб турибди-ку. Эрталаб чиқиб кетасан, ярим кечада қайтасан. Бу кунлар унут бўлиб кетади, болам. – Зинага ечган калишининг бир пойи тўнкарилиб қолган экан, Умри хола оёғининг учи билан тўғрилайман деб, анча овора бўлди. Кейин зиналардан

энкайиб тушди-ю, шарпадай унсиз юрганча, ҳовли этагига қараб кетди. Пастак эшик ғийқиллаб очилиб ёпилди.

– Падарига лаънат шунақа турмушнинг! – деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастурхонни йиғиштираётган хотинига ўшқирди: – Сениям падарингга лаънат! Тумшуғингни тагидан сигирингни етаклаб кетса-ю, анқайиб ўтирсанг.

– Нега менга ўдағайлайсиз? – Хадича товоқни қошиққа уриб, йиғламсиради. – Нима, мениям Илҳом самоварчининг хотинидай сўйиб кетсинмиди? Сиз кечалари сменда бўлсангиз. Мен учта жўжа билан жонимни ҳовучлаб ўтирганим етмайдими?!

Шоикром хотинини тарсакилаб юбормаслик учун юзини ўгириб, тишини ғижирлатди.

Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқиганидан буён ёмон кўпайди. Эрта баҳорда уларнинг туғай деб турган сигирини ўғирлаб кетишди. Ўша кеча Шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала қуйиб чиқди. Шоикром тонг-саҳарда бир нимани сезгандай кўнгли ғаш тортиб, уйига қайтди. Келса, хотини, болалари, онаси дод солиб ўтиришибди. Хадича оғироёқ эмасми, ўзи билан ўзи овора бўлиб билолмай қолибди. Эрталаб турса, кўча эшик ланг очиқ, ёнғоққа боғлоғлиқ сигир йўқ.

«Шу пайтгача сигир туғарди, укамнинг оғзига ақалли бир коса сут тутардим, – деб ўйлади Шоикром ўкиниб. – Қани ўшалар, қўлимга тушса, чопиб ташлардим».

Шундоқ дейди-ю, эгаси минг пойласин, ўғри – бир. Мана, бундан икки ойча илгари Илҳом самоварчининг хотинини пичоқлаб кетишди. Бечоранинг биттаю битта эчкиси бор экан. Ҳовлига ўғри тушганини билиб, хотин шўрлик дод солибди. Эри чойхонада экан. Югуриб бориб эчкининг арқонидан ушлаганми, хуллас, етиб келган қўни-қўшнилар қора қонига беланиб ётганини кўришибди.

– Шу кунда яна ўғри оралаб қолди, – деди Хадича кўрпачани қоқиб танча четига соларкан. – Қулупнай қизармасидан битта қўймай териб кетяпти.

– Ваҳима қилма! – деди Шоикром қовоғини уйиб. – Болалар териб егандир. Ўғри қулупнайга келадими?

– Оғзига бир дона олган бўлса, буюрмасин. Нега келмас экан? Бир ҳовучини опчиқиб сотса бир коса жўхори беради. Ана, бориб қаранг, деворнинг бир чети ўпирилиб ётибди!

– Ваҳима қилма! – деди Шоикром яна ғўлдираб. Аммо бу сафар ўзининг ҳам юраги сесканиб кетганини пайқади. Кўнглида пайдо бўлган ғашликни сездирмаслик учун ҳовлига тушди. Секин юриб, қулупнай пушталари олдига келди. Ариқлардаги сув чироқ нурида ялтираб, шамолда жимирлар, маржондай терилиб ранг олган қулупнайлар сувга тегай-тегай деб турарди.

«Рост-да, – деб ўйлади у пушталар атрофида айланаркан, -бир ҳовуч қулупнайга бир товоқ жўхори беради. Тансиқ нарса... Хадича ёлғон гапирмайди. Болалар еган бўлса, буюрмасин, деяпти-ку. Пишиқ, йўлатмайди...»

Бултур хотини худди шу қулупнай туфайли онасини ҳам қаттиқ ранжитган эди. Умри хола бир ҳовуч қулупнай олган экан, Хадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, норасталарнинг насибасига тегманг, деб бобиллаб берибди.

Шоикром ўшанда онасининг ёз бўйи келини билан юзкўрмас бўлиб юрганини эслади-да, яна шу гап хаёлига келди: «Хадича анойи эмас, қурумсоқ...»

У айланиб ёнғоқ тагига борди. Борди-ю, чиндан ҳам кўча томондаги деворнинг бир чети ўпирилганини, остига тупроқ тўкилганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Назарида деворнинг кемтик жойидан биров мўралаб тургандай бўлди. Ёнғоқ шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёғи остида тўкилиб ётган девор тупроғи ҳам шубҳали, ваҳимали кўриниб, дарров орқасига қайтди.

Хадича аллақачон уйга кириб кетибди. У чироқни ўчириб, сандал четига ётди-ю, кўнглидаги ғулғула кучайиб кетаверди.

Кузда ўзи билан ишлайдиган йигитнинг ҳовлисидаги сўри-токдан ғарқ пишиб ётган узумларини ўғирлаб кетишганини эслади. Шамол борган сари авжга чиқар, ҳовлидаги ёнғоқ барглари шовиллаб, шохлари шубҳали ғирчиллар, аллаким шип-шип қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди.

Хадича рост айтади. Ўзи кечалари сменада бўлса, хотини учта жўжа билан жон ҳовучлаб тонг оттирса, ўғрига ўлжанинг катта-кичиги борми? Қўлига нима илинса олаверади-да. Борди-ю, ўзи йўғида уйини ўғри босса, хотини дод солса, пичоқлаб ташласа. У ёқдан онаси чиқса, униям пичоқласа... «Виждонсизлар! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни қириш керак».


Бирдан хаёлига келган фикрдан унинг вужуди титраб кетди. Қора кунлари учун, не умидлар билан тишида тишлаб юрган ғунажинини ўғирлагани учун, ўлим тўшагида ётган укасининг охирги насибасидан маҳрум қилгани учун, нон пули бўлар деб етиштирган мевасидан жудо Қилаётгани учун шундоқ қасос олсинки ўша худобехабарлардан.

У ўрнидан сакраб туриб кетди. Чироқни ёқиб, отилиб ҳовлига тушди. Ҳамон шамол ўкирар, осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу бурчида чақмоқ ярақлаб, ёнғоқ шохларн шубҳали ғийқиллар, аммо энди булар уни қўрқитолмас эди. У ёнбошидаги ошхонага кирди-ю, чўнтагидан гугурт олиб чақди. Титроқ қўллари билан қорайиб кетган девордаги михга илиғлиқ турган икки ўрам симни олди. Бир вақтлар урушдан олдин бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ҳовлисини машъаладай ёритиб берарди. Эндиям яхшиликка хизмат қилсин!

«Менга деса отиб юбормайдими! – деб ўйлади у айвон лабига чўққайиб ўтирганича усти ёпиқ симни очиқ симга илдам уларкан. – Ҳарна битта ҳаромхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди».

У чаққон ҳаракат қилар, аъзойи бадани терлаб кетган, аммо буни ўзи пайқамас, фақат бир сўзни такрорларди: «Менга деса отиб юбормайдими!»

У симнинг очиқ қисмини қулупнай пушталари устига улоқтирди. Сим



илондай биланглаб пушта устига тушди. Ёпиқ қисмини айвон этагидан олиб ўтди-да, бир учини устундаги илгакка тиқиб қўйди. Кейин бирдан болалар кечаси ҳовлига тушса нима бўлади, деган хаёл миясига келди-ю, уйга кирди. Хадича ётган жойида уйқусираб бошини кўтарди.

– Ҳа?

– Ҳовлига чиқма, болалар ҳам чиқмасин, ўлади! – деди Шоикром кўзлари ёниб.

Хадича ҳеч нимага тушунмади шекилли, «хўп», деди-ю, бошини ёстиққа ташлади. Зум ўтмай текис, чуқур нафас ола бошлади. Шоикром айвон чироғини ўчириб, яна уйга кирди. Ҳар эҳтимолга қарши шундоқ эшик тагига, наматга кўндаланг ётиб олди.

«Менга деса отиб ташламайдими?» деб ўйлади яна ўшандай зарда билан. Шу топда негадир болаларини эмас, хотинини ҳам эмас, укасини ўйлади. Шонеъмат болалигида ҳам заифгина эди. Шоикром уни ҳар куни мактабдан ўзи олиб келар, иккинчи сменада дарс тугагунча пойлаб ўтирарди. Отаси ўлганида Шоикром олтинчида, укаси иккинчида ўқирди.

Ўшанда Шонеъмат йиғламаган, аммо ичикиб касал бўлиб қолганди. Она-бола уни авайлаб катта қилишди. Энди бўлса, беш кунлиги қолдими йўқми, ака бўлиб хабар ҳам ололмайди. Шоикром ухладими, йўқми, билолмади. Бир маҳал бола йиғладими ё ташқарида шамолнинг гувиллаши аралаш даҳшатли бир фарёд қулоғига кирдими, англай олмай қолди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Айвон чироғини ёқиши билан қулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Шу ондаёқ хато қилганини, қотиллик қилганини пайқади. Сим учини шартта илгакдан юлиб олиб, ҳовлига отилди. «Бошқалари қочди», деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди. Пушталар устидан сакраб-сакраб юриб бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқади. Кейин букланиб ётган одамдан уч қадам берироқда тўхтади-ю, бирдан чўккалаб қолди. Бир лаҳза кўзлари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол ғувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

– Ойи-и-и! У бошидан ҳуши учиб бораётганини элас-элас ҳис қилиб ўзини ерга отди. Титроқ қўллари билан лой чангаллаганча чўк-



калаб кўксига муштлай кетди.

– Ойи! Ойижон!

Умри хола бир қўли билан униққан чит кўйлагининг этагини маҳкам чангаллаб олган, этак ичида икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш қулупнайлар кўриниб турар, бошқа қўли билан эса илондек симни ушлаб турарди. Шоикром унинг қулупнай қизили юққан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аниқ кўрди. Нарироқда, лойли ариқ ичида унинг калиши ётар, чамаси, сим оёғига текканида юлиб олмоқчи бўлгану, қўлига ўралашиб йиқилган эди.

Шоикром лойли марзадан эмаклаб борганча, ўзини онасининг қучоғига отди.

– Ойижон, очинг кўзингизни! – деди у гезариб кетган лаблари билан онасининг муздай юзидан ўпиб.

У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, қизчалари йиғлаётганини пайқади. Бошини кўтариши билан марза четида чўнқайиб ўтирган Шонеъматга кўзи тушди. Неча ҳафталардан буён ўрнидан жилмай ётган укаси, афтидан, қандайдир куч топиб эмаклаб чиққан, кўйлагининг елкалари осилиб турар, катта-катта кўзлари ваҳима билан боқар эди.

– Нима қилиб қўйдим, укам! – деди Шоикром яна балчиққа беланган кафти билан юзини чангаллаб. Кейин тағин онасининг устига ўзини ташлади. У онасини кўтаришга уринар, аммо онасининг икки букланган гавдаси негадир ҳеч тикланмас эди.

– Сут ичмай заҳар ичсам бўлмасмиди, – деди Шонеъмат овози титраб.

Шоикром бу ожиз, титроқ товушдан сесканиб, укасига тикилиб қолди.

– Заҳар ичсам бўлмасмиди, – деди Шонеъмат яна ўша оҳанг-да. Афтидан, у йиғлай олмас, йиғлашга мадори етмасди. – Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Қулупнайга сут алишади, дедилар.

Шоикром бошқа ҳеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси ҳам йўқ эди.

* * *

Умри холани пешин намозига чиқаришди. Гўристондан чиқиб келишаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб қолди:

– Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?

1967 йил.

КЎЗЛАРИНГДА УМИД ЁНАР...



МУҚАДДАС АЁЛ

Ошиқларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди,
Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди.
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

Аввал: «Кел-ей. Қучоғимга тўл, балқ», дедилар,
Унамадинг, аёл ўзи терс «халқ» дедилар.
Ичолмагач юз ўгириб, шўр, талх дедилар,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

Сен дарёсан, ўпганини қирғоқ яширар,
Жуфтим бўл, – деб чопганини ҳар тоқ яширар,
Жаннатим, – деб қувонмасдан қумлоқ яширар,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,
Росту ёлғон эртакларнинг борар ери Сен,
Асов ўтдай эркакларнинг борар ери Сен,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,
Маст даврада бир сарин ел, бир тор келсанг-да,
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор келсанг-да,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

Қимтинасан, астагина кўтарасан бош,
Минг йилликдир кўзингдаги жовдираган ёш,
Гуноҳкорлар мингу битта Сенга тегар тош,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

Ҳарир, хушбўй баданингда тошлар изи бор,
Кўкрагингда эгилган не бошлар изи бор,
Қуёш изи, куйдирган қуёшлар изи бор,
Сен барибир муқаддассан,
Муқаддас аёл!

ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!
Дориламон кунлар кулди, шафақлари ол,
Қаён боқсанг, шайланишлар ва созлашлар тор.
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».
Сўлғин-сўлғин лабларингдан учаркан шу сўз,
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.
Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,
Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.
Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.
Белгинангга тиргак бўлай, онажоним, тур,
Дориламон қуёшга боқ, унга қасдма-қасд.
Юзинг ардоқли қуёшдай иссиқ ва маҳваш.
Кўзларингда умид ёнар тикилган они,
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,
Қизғиш, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.
Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,
Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди таning.

Яшамоқ — бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,
Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.
Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шох,
Ризқдир бизга, ризққа доим дил илинжлиқдир.
Ўғлонларинг келар, ана, очишиб қучоқ,
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.
Онагинам!
Ўзинг тортма даврадардан, эл чорлаганда,
«Тирикликнинг байрами», деб созланганда тор.
Ўзинг сўлғин лаблар билан пичирлагандай:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

1967

МЕН СЕН БИЛАН ХАЙРЛАШГАН ТУН

Мен сен билан хайрлашган тун қаро эди, қаро эди,
Тун бағри бут, менинг бағрим яро эди, яро эди.
Тун бағрида қолсин дердим, кўрмасинлар, кўрмасинлар,
Кўриб биров росту биров рўё томон бурмасинлар.
Тилимга-ку ишончим бор, итоатсиз сўлса рангим,
Мен тингларман юлдузларнинг сукутинмас, шўх жарангин,
Ярқироқ ой шуъласида тол-тол бўлиб эшиларман,
Хушбахт дўстлар даврасига ўзим уриб, қўшиларман
Ва аччиқма-аччиқ туриб, бахтга қарши, бахтки барбод,
Бахтлилардан шиддатлироқ куйларман шод, куйларман шод.
Аминманки, авжим билан шу биринчи даврадаёқ
Ўзимга тонг яратарман, тонгим менинг отар оппоқ,
Тунда қолар дардим менинг, нурлар чаяр юзларимни,
Унутишнинг сели ювар, дилнинг армон, изларини.
Аччиқ ўйлар тўзонидан ўзни олиб чиқиб кетиб,
Бир гул янглиғ очиларман нур қўйнида жавлон этиб.
Ким ҳам билсин, сўкилган дил чокларининг битмоғини,
Баъзида гул ҳасратлардан ортиқ яшнаб кетмоғини.
Мен сен билан хайрлашган тун қаро эди, қаро эди.

1973

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ҲИКМАТЛИ ДУНЁСИ



Аҳмад Яссавий XI асрнинг ўрталарида ҳозирги Туркистон вилоятининг Ясси шаҳри яқинидаги Сайрам кентида таваллуд топган. Сайрам ўша даврнинг муҳим илм, маърифат ва иқтисод марказларидан бири эди.

Нодирхон ҲАСАН, филология фанлари доктори.

Хожа Аҳмаднинг отаси Шайх Иброҳим ўз даври ва диёрида танилган валийлардан бўлиб, унинг наслу насаби отаси Илёс боб орқали Имом Муҳаммад Ҳанафийга ва у орқали ҳазрати Алига бориб тақалади. Онаси – Шайх Иброҳимнинг халифаси Мусо шайхнинг қизи Ойша хотун (Қорасоч она)дир. Жавонмардликка ихлос-эътиқоди билан шуҳрат таратган Шайх Иброҳимнинг Сайрам маънавий ҳаётида нуфузи баланд бўлган.

Аҳмад Яссавий қадимги манбаларга кўра 120-130 йил яшаган. Вафот тарихи илмий адабиётларда ҳижрий 562, милодий 1166–1167 йил деб белгиланган.

1397 йил Амир Темур томонидан ҳашаматли тарзда янгидан бино қилинган Аҳмад Яссавий мақбараси ўтмишда бўзқир туркларининг маънавий маркази бўлганидек, бугун ҳам барча туркий халқлар томонидан ҳурмат ва таъзим ила зиёрат қилинмоқда.

Гўдаклигида онасидан, етти ёшида эса отасидан етим қолган ёш Аҳмад опаси Гавҳар Шаҳноз билан Ўғузхон давлатининг пойтахти Яссига кўчиб кетишади. Ёш Аҳмад Яссида Арслонбоб билан танишиб, унга мурид бўлади. Хожа Аҳмад «Девони ҳикмат»да илк устози Арслонбоб билан бўлган муносабатлари ҳақида кенг маълумот беради. Чунончи, у етти ёшида Арслонбоб билан учрашгач, ундан Муҳаммад мустафо (с. а. в.)нинг омонати бўлмиш хурмони олади, яъни ислом ва тасаввуф илмларини ундан ўрганади ҳамда «минг бир зикр»ни унинг ҳодий-раҳбарлигида адо этиб, юксак мақомларга эришади. Арслонбоб ёш Аҳмадга Қуръони каримдан сабоқ берар экан, шогирдига «маъно бўлиш» сирларини ҳам ўргатади. Арслонбоб ҳақида «Рашаҳоту айн ил-ҳаёт», «Жомиъ ул-муршидин», «Музаккири аҳбоб», «Сафинаи авлиё», «Ҳужжат уз-зокирин», «Хазинат ул-асфиё», «Рисола ал-маймуна», «Тибён васоил ил-ҳақойиқ» каби илмий, тарихий, тасаввуфий асарларда қисқа маълумотлар учрайди.

Баъзи асарларда Аҳмад Яссавийнинг Сайрамда «Оқота бобо» лақабли Шаҳобиддин Исфижобийдан, шу билан бирга бағдодлик машҳур аллома Шаҳобиддин Суҳравардийдан ҳам таълим олгани ҳақида маълумотлар учрайди. «Девони ҳикмат» мазмунидан англашилганидек, Хожа Аҳмад бошқа кўплаб маънавият арбобларининг ҳам хизматида бўлган. Чунончи, бир қанча пайғамбарлардан руҳоний сабоқ олган.

Етти ёшга қадар отаси Шайх Иброҳимдан таҳсил олган ҳамда Хизр алайҳиссаломнинг суҳбатларида қалб кўзи очилиб, юксак маънавий ҳолларга эришган ва, ниҳоят, Арслонбобнинг тарбияси ту-

файли сўфийлик бобида ҳам камолот чўққисига чиққан ёш Аҳмаднинг номи аста-секин атрофга тарқала бошлайди. Арслонбобнинг вафотидан сўнг унинг тавсиясига кўра ўша даврнинг илм-маърифат марказларидан бўлган Бухоро мадрасаларига бориб таълим олади. XII асрда Бухоро шаҳри қорахонийлар ҳукмронлиги остида эди. Шаҳарни Оли Бурҳон унвонига эга Садри Жаҳон лақабли бадавлат Ҳанафий уламолари оиласи бошқарарди. Хожа Аҳмад йигирма етти ёшида ўз даврининг илғор олими, мутасаввиф, фақиҳ, муҳаддис ва муршиди комил Хожа Юсуф Ҳамадонийга шогирд бўлади.

Юсуф Ҳамадоний Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақаларида тасаввуф таълимотининг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнаган шахсият бўлиб, тасаввуф тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. «Шайх уш-шуйух» (шайхлар шайхи) деб таърифланган Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) нафақат тасаввуф, балки ҳадис, усули фиқҳ, хилоф ва назар илмларида билимдон, Бағдод, Марв, Ҳирот, Бухоро, Самарқанд каби илм марказларида илм ўрганган ва ўргатган, умрини Ислом тарғиботига фидо қилган сиймо эди. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» асарида улуғ шайхни ўта камтар, хушфеъл, ҳалол, тақводор, суннатга риоя қилувчи, илоҳий файзга тўлиб-тошган, Ҳақ ишқига ғарқ бўлган, илму маърифатда етук, инсонларга меҳр-шафқатли, бутун ҳаётини ирфон ишларига бағишлаган бир мунаввар зот сифатида таърифласа, Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да уни имом, олим, орифи раббоний, гўзал ҳол ва эҳсон эгаси, юксак каромот ва мақомот соҳиби бўлган комил инсон ўлароқ алоҳида ҳурмат билан тилга олади.

Юсуф Ҳамадонийдек мукаммал бир Ислом тарғиботчиси ва шариат олими ҳузурида диний ва ирфоний билимларни пухта эгаллаган Аҳмад Яссавий улуғ шайхнинг учинчи халифаси бўлиш шарафига муяссар бўлади. Муршиди билан кўп жойларга саёҳат қилган Аҳмад Яссавий устозининг вафотидан кейин Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуллоҳ Баррақийдан сўнг иршод мақомига ўтиради.

Бухорода бир муддат шайхлик қилгач, Ҳамадонийнинг маънавий ишоратига кўра халифалик мақомини Ғиждувонийга топширган Хожа Аҳмад Яссига қайтади ва вафотига қадар у ерда халқни иршод қилади. Атрофидаги соф ва самимий инсонларга улуғ шайх мусулмонлик билан бир қаторда тариқат одоби, қоидаларини ҳам ўргата бошлайди, натижада, ўзига хос яссавийлик тариқати юзага келади.

Яссавия тариқатининг юзага келиши

XII аср ўрталарида хоразмшоҳлар ўлкада кучли давлат барпо этдилар. Шундай қулай бир шароитда Аҳмад Яссавий Тошкент ва Сирдарё ҳудудлари, Сайҳуннинг шимолида яшаган кўчманчи туркийлар орасида катта нуфуз қозонди. У атрофидаги халққа улар англайдиган содда ва равон тилда тасаввуфдан сабоқ беради. Натижада, туркий халқлар тарихида илк бор мустақил тариқат – яссавийликка асос солади.

Айтиш керакки, тариқат барпо этиш эҳтиёжи ислом динини туркий халқлар орасида тарқатиш эҳтиёжидан юзага келганди. Шу боис яссавийликнинг ғоявий манбалари биринчи навбатда Қуръон ва ҳадисга асосланган. Бу тариқатнинг бош асослари бошқа тариқатлардан фарқ қилмаса-да, одоб ва аркон жиҳатидан айрим тафовутларга эга. Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат, ишқ ва ошиқлик, ориф ва орифлик, дарвиш, фақру фано, шайх, пир ва валийлик, зикр, хилват каби тасаввуфий мавзуларда ўз аксини топган яссавийликнинг олти аҳкоми бор: маърифати ҳақ, саховати мутлақ, сидқи муҳаққақ, яқини мустағрақ, таваккули ризқи муъаллақ, тафаккури мудаққақ. Шунингдек, соликлар учун макон, замон, ихвон, рабти султон каби тўрт зарур шартга эришиш талаб этилади.

Комил инсон тарбияси бирламчи мақсад қилиб қўйилган бу тариқатда толибдан юксак ахлоқий фазилатлар, руҳий поклик, тафаккур кенглиги ва мушоҳада теранлиги талаб этилади. Чунончи, «Жавоҳир ул-аброр»да ёзилишича, яссавийлик сулукидаги толиб қуйидаги ўн шартга риоя этмоғи даркор экан: одобли бўлиш ва шайхни ҳаммадан комил ва афзал деб билиш; зийрак, идрокли ва закий бўлиб, «шайхнинг тариқат рамзла-

ри ва ҳақиқат ишоратлари»ни чуқур фаҳмлаш; шайхнинг сўзларига итоат этиш; шайхга хизмат ва мулозаматда ноқисликка йўл қўймаслик; тўғри сўзлаш ва ваъдага вафо айлаш. Шайх ҳақида шак-шубҳага берилмаслик; байъат (шайхга қўл бериш)га садоқат; барча мол-мулкини шайх хизматига нисор этиш; муршиднинг сирларини ошкор этмаслик; шайхнинг лутфларига кўз тикиб, панду насиҳатларидан ўзини олиб қочиб, баҳона қилмаслик; висол ва жамолуллоҳ (комил инсон даражасига етиб, ризо мақомига эришиш) йўлида восита бўлган шайх учун жонини ҳам фидо қилиш.

Яссавий ўз шахсий ҳаётида сўз билан амални уйғунлаштиргани ҳам у асос солган тариқатнинг қисқа вақтда атрофга тарқалишида муҳим роль ўйнаган, албатта. Чунки у ўз шогирдларига ўрнак бўладиган тарзда ҳаёт кечирди. Чунончи, бир кунлик ҳаётини учга тақсимларди: биринчи қисмида талабалари билан шуғулланиб, уларга илму ирфондан сабоқ берар; иккинчи қисмида шахсий тоат-ибодатлари билан банд бўлар; учинчи қисмида эса қошиқтарошлик қилиб, ҳалол меҳнат қиларди. Шу боис у ўз таълимотида ҳалол меҳнат қилиб, пок луқма истеъмол этиш, бировларга юк бўлмаслик, балки бошқаларга ёрдам беришни ташвиқ қилади. Зотан, тариқат қоидасига кўра, ҳар бир сўфий муайян касб-кор билан машғул бўлиши, ҳалол меҳнат қилиб, умр кечириши шарт. Аттор, Нассож, Ҳаллож, Сиккиний, Ҳаддод, Кулол, Нақшбанд каби шайху авлиёларнинг маълум ҳунар билан банд бўланини билдиради. Бу эса такя-хонақоҳ вакилларининг ҳозирга нозир эмас, балки меҳнаткаш ва ишлаб чиқарувчи ижтимоий куч бўлгани тасдиғидир.

Аҳмад Яссавий асос солган тариқат XIII асрдан XV асргача бутун Марказий Осиёда, Хоразмда, Узоқ Қафқазда, Ўрта Волганинг татар диёрида кўп сонли вакилларига эга бўлган. Хуросон, Эрон ва Онадўлида яссавийлик гуруҳлари ташкил этилган. Яссавийликда зикрнинг энг очиқ шакли – жаҳрий зикр тури тадбиқ этилган. Зикр чоғида томоқдан аррага ўхшаш овоз чиққани учун яссавийликдаги жаҳрий зикрга «зикри арра» ёки «зикри миншарий» дейилган. Бунинг сабаби, Яссавий яшаган муҳит ва у хитоб этган халқ табақасининг қабул қилиш даражаси жаҳрий зикрни талаб этган. Жаҳрий зикр натижасида инсонда ишқ ва жазба ҳосил бўлади. Яссавийнинг атрофидаги туркий қавмлар жазбага мойил, жўшқин табиатли эдилар. Қолаверса, тасаввуф тарихидан ҳам маълумки, муршидлар зикрни доим инсонларнинг фитратларига кўра талқин этиб келганлар. Хуллас, жаҳрий зикр тарзи ўша пайтда халқ кўнглини ҳаяжонлантириш, унда дин ва тасаввуфга меҳр-муҳаббат пайдо қилиш учун қулай восита эди.

Ҳикмат ва ҳикматнавислик

Аҳмад Яссавий халққа дин ва тасаввуфдан сабоқ бериш мақсадида улар англайдиган равон, содда тилда ҳикматлар айтади. Ҳикматларида Аллоҳдан қўрқиш, шариат амалларига риоя этиш, Аллоҳни рози қиладиган савоб ишлар қилиб, жаннатдан умидвор бўлиш, холису мухлис бандалар қаторидан ўрин олишга чақиради:

Гуноҳ қилиб, тавба
қилмай кетганларни,
Ҳақдин қўрқмай ғафлат
бирла ётганларни.
Дунё учун имонларин
сотганларни,
Сирот отлиғ гузаргоҳда
тутар, дўстлар.

Ҳикматлар аста-секин муридлари томонидан жамланиб, «Девон» ҳолига келтирилади. Йиллар ўтгач, нусхалари кўпайтирилган бу «Девон»ларга бошқа яссавия шоирларининг шеърлари ҳам киритилган. Қўлдан-қўлга ўтган ҳикматларни толиблар ёд олишган, натижада, дарвешлар йиғинларида ҳикмат ўқиш ёки ёддан айтиш яссавийлик анъанасига айланган.

Яссавий ҳикматларининг ғоявий манбаси Қуръон ва ҳадислар эди. Дарҳақиқат, «Девони ҳикмат» ислом дини асосларидан баҳс этувчи, шариатнинг аҳкоми ва аҳли суннатнинг ақидаларидан сабоқ берувчи, тасаввуф сирлари ва тариқатнинг одобу аркони ёритилган қомусий характердаги бир асар бўлиб, ундаги тўртликлар халқчил ва соддадир. Абдурауф Фитратнинг айтишича, Яссавийнинг «адабиётда тутган йўли содда халқ

шоирларимизнинг тутқон йўлларидир... Унинг ҳикматлари вазнда, қофияда, услубда халқ адабиёти аталған шеърлар билан баробар» юрган.

Дарвешликнинг фазилатлари, ахлоқий-тарбиявий, фалсафий ва маърифий моҳиятдаги манoқиблар, пайғамбарлар ва улуғ шайхларга доир ривоятлар, дунё ва охират ҳақида сўфиёна руҳий кечинмалар, тариқат йўлига киришдан мақсад комил инсон даражасига эришмоқ эканлиги ҳикматларнинг бош мавзусидир. Шу учун ҳам у туркийлар орасида сўфийлик ҳақиқатларини ёйиш, тарғиб этиш учун халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанг ҳикматлар ёзди.

Аҳмад Яссавий ўз ижодида миллий тушунча ва халқчил қарашлардан унумли ва кенг фойдаланди. У Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган етти ва ўн икки бўғинли ҳижо – бармоқ вазнида ижод этди. Маълумки, бу назм шакли фақат халқ оғзаки ижодида асосий ўрин тутарди. Шу боис Аҳмад Яссавийни «турк шоирларининг доҳийларидан» деб таърифлаган Абдураҳмон Саъдий шундай ёзади: «Яссавий турк қавмларининг ҳақиқий маъноси билан чин шоирларидан (лирик) ва халқ классик шоирларидандир. Ул ғоят ҳассос, илҳом ва хаёли ғоят табиий ва енгил оқишли бир шоирдир. Яссавийнинг юраги бутун умрига руҳий ва маънавий ишқ билан ловуллаб ёнатурғон шеърий бир ўтдир. Илоҳий шеърда ва муҳаббат ҳиссиётида ул шу йўлдаги бошқаларнинг юракларин ўртағувчи, куйдургувчи қўрқинч бир ҳикмат ёлқинидир» .

Яссавий ҳикматлари ўз давридаёқ ғояси, тили ва услубининг халқона ва таъсирчанлиги билан кенг оммаси орасида энг кўп мутолаа этилиб, турли йиғинлар-у зикр мажлисларида ижро этиларди.

Ҳикмат сўзи Қуръонда турли маъноларда ифодаланган. Масалан, баъзи оятларда панд-насиҳат, Қуръон сирларидан хабардор бўлиш каби маъноларни билдирса, бошқа оятларда илму фаросат, нозик фаҳмлаш ва нубувват салоҳияти сингари маъноларда ўз ифодасини топган.

Машойихларнинг айтишларича, ҳикмат шарафли одамнинг шарафини орттиради, чунки қимматбаҳо тошлардан ҳам афзал бўлган ва ўлчов, мезонга сиғмайдиган ҳикмат эшиги қалбда мужоҳада, муроқаба, теран тафаккур, ҳузур, хилватда зикр ва мосивони тарк ила ҳаққа таважжуҳ орқали очилади. Зотан, кашфнинг манбаи, илҳомнинг калити ҳам ҳикматдир.

«Девони ҳикмат»нинг баъзи тошбосма нусхаларидан жой олган «Фақрнома» рисоласи ҳам Яссавий дунёқараши, яссавийлик қоидалари тўғрисидаги тушунчамизни бойитиши шубҳасиз. Чунки «Фақрнома»да улуғ пирнинг тариқат одоби, шайхлик мақомлари, сўфийлик талабларига доир қимматли сўзлари баён этилган. Олимлар «Девони ҳикмат» ва «Фақрнома»дан ташқари Яссавийнинг яна бошқа асарлари ҳам борлигини тахмин қилмоқдалар...

Дарҳақиқат, бир қатор тарихий манбаларда Аҳмад Яссавийнинг бошқа асарлари ҳам мавжудлиги қайд этилган. Чунончи, Муҳаммад Порсо тафсир китобида Аҳмад Яссавийнинг Қуръони каримни тафсир қилганлигини ёзса , Шайх Худойдод «Баҳр ал-улум» асарида Аҳмад Яссавийнинг «Танбеҳ аз-золин» («Адашганларга танбеҳ») номли асари борлиги ҳақида бир неча бор қайд этиб, унинг матнларидан кўчирмалар келтиради . Ҳазиний ҳам «Жавоҳир ул-аброр»да Яссавийнинг «Бўстон ул-орифин» китобидан иқтибослар нақл этади . «Сабот ул-ожизин» шарҳловчиси Тожиддин Ёлчиғўл эса «Рисолаи Азиза» китобида «Шариат қуёши Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг «Нажот уз-зокирин» аталмиш китоби қўлимизга тушди:

Ўшал султон битибдур
балки онда,
Китоб «Танбиҳ уз-золлин»
ичинда.

Ул султон, яъни Хожа Аҳмад Яссавий «Нажот уз-зокирин»дан нақл қилиб, «Танбиҳ уз-золлин» китобининг ичида ёзди, яъни Сўфи Оллоёрнинг қўлига Аҳмад Яссавий ёзган мана шу икки асар бир жилд китоб ҳолида тушган», деб ёзади . Демак, Яссавийга нисбат берилган мазкур асарларни излаш ва илмий истеъмолга олиб кириш истиқболдаги вазифалардандир.



ЖАЗО

Олим ЖУМАБОЕВ.

Ўша вақтлар чамаси ўн ёш эдим. Айни куз, аммо атрофда қиш аёзи дайдирди. Кўчада мен каби совуқ сезмас "ўйин бола"си кўринмас, аксар одамлар уй ичига тиқилишганди. Ҳар галгидек, ҳориб–чарчаб уйга қайтдим. Дарвоза тирқишидан ичкарига мўраладим: ойим айвонда тутақиб синглимга бақирар, қўлида тут новдасидан хивчин: афтидан мени жазолаш учун бўлса керак.

Гаврон танамдаги эски оғриқларни қўзғади. Боиси бунақа саҳналар менга янгилик эмасди. Девор панасига ўтиб, ойим ҳовуридан тушишини кута бошладим... Бир пайт қўшнимиз Мутал ака ҳовлиқиб келаверди. Бор гапни мендан билгач, дарвозадан ҳовлига кирди-да, зум ўтмай кетмон орқалаб чиқди.

Хаёлимга елдек урилган фикрдан қувондим: "Кетмонга борувдим, ушланиб қолдим", дейман ойимга. Унга эргашдим.

Мутал ака тўғри оғилхона тарафга етаклади.

Пахса деворга суянч катак қаршисига бордик. У кетмонни деворга тираб енг шимарди. Ит болалапти: катак ичида гидиклар ағнаб ўйнар, бир-бирини тишлаб ҳурар, ялаб юлқаётган онаси атрофида ирғишларди.

Уй эгаси шундоқ шифтга тиқилган селитра халтани олди. Сўнг у итни катагидан судраб чиқарди ва бошини катакка суқиб кучукбачаларни текшириб қопга сола тушди. Она ит катак атрофида еру кўкка сиғмай, қандайдир нохушликни сезгандай оёғи билан ер титиб муттасил ғингширди. Мутал аканинг иши битгач қўзғаларкан, катакда иккита кучукча қолганини кўрдим. У қопни орқалади ва кетмонни узатиб деди:

– Бу кучуквачаларни нима қилишни яхши биламан!

Биз дарахтзор оралаб далага қараб жўнадик. Ортимиздан то Олатаёққа етгунимизча Олапар иярди, Мутал ака унга тош ўқталди.

– Олапар...Тур йўқол!

Далалар шудгорлангани боис лой, оёқ ботиб одам юришга қийналади. Себалаётган ёмғир эса дард устига чипқон. Биз зўрға жарликка яқинлашдик. Жарлик ёқасида чуқур ўралар, биқинида ҳандақлар ҳосил бўлган, четини сел ўпирганди.

– Кетмон шарт эмас экан, – деди Мутал ака кулиб.

Шундагина менга ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган муаммо ечи-

ми кўринди. Демак, у кучукчаларни тириклайин кўммоқчи! Мен умуман иложсиз эдим. Кутганимдек Мутал ака кучукчаларни ўрага ташлай бошлади. Кетмонни улоқтириб шартта унинг қўлига ёпишдим.

– Ўзим боқаман, менга беринг!

Йиғлаб ялиндим, фойдаси бўлмади; у мени силтаб ташлади. Зумда ўра ичида лой ва балчиққа қоришган кучукчалар жон талашиб ғинғший бошлади. Кўз олдимда содир бўлган фожеани тасвирлашга тил ожиз...

Қишлоққа қандай қайтдик, билмайман. Чорасизлик ва изтироб, яна қандайдир номсиз туйғулар қоришиғидан пайдо бўлган куч мени қийнар, қўлларим мушт бўлиб тугилар, негадир кўзимдан дувиллаб ёш оқарди.

"Қанийди илоҳий бир қувват инсаю боплаб унинг додини берсам!", деб алам билан ўйлардим. Мутал ака ҳолатимни сезди, шекилли, мени юпатишга уринди.

– Э, оғайничалиш, нега йиғлайсан? Ўғил боласан-ку! Бу қанжиқларнинг кимга кераги бор. Орлон бўлганида, бошқа гап эди...

Бир аҳволда уйга қайтган бўлсам керак, ойим жазолаш ўрнига атрофимда парвона бўлиб қолдилар. Ойим ҳарчанд қаттиққўл бўлмасин, лекин ўғлининг кўз ёшларига чидаб туролмасди. Қовоқларим шишиб кетганини кўргач бояги важоҳатидан асар ҳам қолмади. Кўчадаги гапни уйга олиб келмаслигимни билсалар-да, нима бўлганини сўраб ҳоли жонимга қўймадилар. Аммо миқ этмадим. Иситмам чиқиб ётиб қолдим. Дори-дармон таъсирида кўзим илинганини ҳам сезмабман...

Уйдаги шивир-шивирдан уйғониб кетдим.

Отам ва онам паст овозда суҳбатлашарди.

– Бечорага қийин бўлди-да! Бир ўғилга зор эди-я, яна қиз кўрибди. Муталнинг аҳволи чатоқ, қайғуси қора қозон!

– Тавба! Нима қиз фарзанд эмасми?! Тирноққа зор одамлар ҳам бор. Аҳмоқда шу Мутал ҳам. Айбни келиндан кўриб кун бермайди, шўрликка...



Билдимки, Мутал ака яна қиз топган. Тўртинчи қиз! Ҳар гал қишлоқда биров фарзандли бўлса севинардик. Боиси, базму зиёфатдан биз болалар ҳам четда қолмасдик-да! Лекин бу сафар кўнглимда ҳеч бир шодлик йўқ эди... Кўз олдимда Мутал ака лойга чўктирган кучукчалар жон азобида ўлим билан олишарди...

Бу воқеа бир умрга қалбимда битмас жароҳат бўлиб қолди. Ўша воқеанинг асорати ҳар гал Мутал аканинг хотини туққанида янгиланаверади...



КАТАЛИЗАТОР

Отабой қиридан бир бўз йигит бақирди:

“Нўмон аканикига тўйга...Тўйдан кейин кураш бўлади”.

Эломон шотеракнинг тагини мўлжалга олиб, болтани унга ураркан, кўнглидан ўтказди: “Даврага чиқиб, елкамни ерга босадигани чиқса, бошқа кураш тушмайман. Ўтган тўйдаги чала ёнбош етади. Энди, йигит борми, мени отадиган”.

У дастани чангаллаб, тўғри дарахтнинг жон жойига болта бўғзини қадаб урди, шотерак қаттиқ силкиниб, “қирс” этиб оғилга эгилди. Эломон шартта дарахт учига ўралган арқонни ушлаб кўча томонга тортди, дарахт куч бермай яна молхонага оғди, у тишланиб, чираниб арқонни силтади. Дарахтнинг боши кўчага қайрилди.

Йўлда кетаётган бобой гап ташлади:

– Бунча тиртангладинг, азамат! Битта жонсиз терак жонингни олса, жонлиси...

Чолнинг ҳазили Эломонни ҳам терлатди, ҳам қизартирди.

– Бизнинг даврамизда жонлини ўтин ёриб берарди.

– Ўтин майдалашдан ҳам қочмаймиз, Неъмат бобо! – деди у кулимсираб.

– Ҳа, яхши курашданчи? – деди у дўпписини кўтариб бошини шамоллатаркан.

– Аканг йўқмиди?

– Ҳашарга кетган, Янгиерга.

– Оббо, – деди чол дўпписини кафтига уриб қоқиб. – Ҳашар бугунга тиқилибдими? Усиз кураш кураш бўладими?! Ишонганимиз сен бўлсанг...

Эломон бошини қуйи солди.

Бобо унинг ориятини қўзғатди:

– Энди акангнинг номи учун ҳам курашишинг керак.

* * *

Янгиерда Муҳсин домла Карим даллолга куюниб уқтирди:

– Дувлон даврa кўриб юрибди. Эл "Қани" деб сўрайди. Курашдан қочган йигит йигитмас. Оғзига кучи етмаган кўп; "Дувлон қўрқиб-писиб юргандир" деса уят эмасми?

– Ўнта қишлоқдан полвон келсаям, Эломоннинг ўзи, бас! Ўтган сафар шўрбулоқлик қассобнинг ўғли шумлик қилди-да! Баковул ҳам оғзидан суви оққан эканми...ё Холбўтабой оғзини ёпганми индамади-я!

Даллол ариқ тозалаётган беш-олти йигитга бир муддат тикилиб, имлашга чоғланиб қўлини кўтарди-ю, яна тилини ютиб тўхтади.

Дувлон даллолнинг қўл сермаганига ҳайратланиб, қуёшга қаради ва тушликка талай вақт борлигини билиб, чўкични ушлади. Унинг негадир кўнгли ғаш, безовта эди. Хаёлни қуршаган ўй тинчлик бермасди: "Қўшни қишлоқда Холбўта деган бой бари полвонингни сотиб оламан деганмиш. Курашчи деганиям сотилиб кетавераркан-да! Ўзи сотилмаган шу қолувди. Моли кўпнинг солимиям катта — туя, от, ҳеч гапмас. Ишқилиб, солимига учмасин-да! Даврага хиёнат қилди, деган гап ўлим. Норматбойнинг уруғи даврадан бошини эгиб чиқмаган".

У чўкич учини тошлоқ ариққа ботириб тиқиб ковлаб борар, миясини укам ютқазиб қўймасин-да, деган ўй пармалар, ишни тез битириш истаги зўрайгандан зўраярди.

Бўз чопиб ариқ бўйини текислаётган Раҳим пешанасидаги терни артиб, уни тезлади:

– Эй, Фарҳод бўп кет-ей! Кураш кунда бўляптими? Қишлоққа бир ўтиб келмадик-да!

У кетмонни ётқизиб дастага ўтирди.

– Иш қочмайди, ҳайда! Кеч тушсаям, келиб ишлаймиз. Қайтанга иш ўнади. Тилинг қисиқ бўлмасин, тур. Даллолга ўзим айтаман, трактorини қўшади.

Ариқ бошидан Карим даллол ҳуштак чалиб, имлади. Йигитлар асбоб-анжомини йиғиштириб, ўша тарафга юришди.

– Шарманда қилиб, ўтирма тағин! Чарчасанг, айт.

– Йўқ...

* * *

Баковул шўрбулоқлик Алим полвоннинг қўлини баланд кўтариб, даврани айлантирди:

– Талабгор борми, Алимга?

Баковулнинг овозида ноодатий бир ҳадик бор эди. Гўё унга талабгор чиқсаям, бас келиши гумон.

Неъмат бобо безовталанди.

– Эҳ, ёшлигим-а! Ҳозир туриб кетаман, ўтиравер писиниб. Менга уятда, "битта йигит топилмабди, чолнинг ориятига" дейди. Йигитмисан, йигитдек яша-да, энди!

Эломон сапчиб ўрнидан турди ва чопонини ўраб чолнинг ёнбошига ташлаб, ўртага юрди.

– Йиқилган курашга тўймайди, дегандек...

Кулгу кўтарилди, Эломон тишланди.

Баковул икки полвонниям ўртага етаклаб, курашни бошлади.

Эломон Алимнинг билагидан чангаллаб, шундай силтадики, у чир айланиб баковулнинг олдига кўкраги билан ётди.

Давра қийқирди.

* * *

Карим даллол трактори ни қирга тўхтатди. Ичидан даллол, Муҳсин домла тушди, телачкадан Дувлон, Раҳим ва яна тўрт йигит сакради. Оломонни кўриб барининг ақли шошди.

Уларни Холбўтабой қаршилади. Эл лом-мим демай тинч турар-кан, у кекириб димоғланиб гапирди.

– Овора бўп кепсан, энди кураш туш. Бояги полвонни боссанг, чори қўчқор сеники! Сурувдан танлаб оласан.

Дувлон даврадаги полвонни кўрмай бош силкиди.

Неъмат бобо сўкиниб, бошини чайқади:

– Эси йўқ, йигит-эй! Уканг-ку! Битта кўкракни эмган ака-ука...

Холбўтабой бобога қараб ўшқирди:

– Аралашманг! Ука бўлса, нима бўпти. Солимини олаверади-да. Гап берди, энди тушмаса...

Дувлон атрофга аланглади. Оломон ҳайқирди, тезлади: “Қани Дувлон полвон, ака-ука бир кўрингларчи!”. Дувлон ким қичқираяпти – дўстларими, ҳамқишлоқларими ё бегона, тузук англолмади.

Холбўтабой олишув нархини оширди:

– Яна битта қўчқор...

“Икки қўчқор” деган товуш атрофни тутди.

Эломон акасига анграйиб тикилди. Бутун вужудини аллақандай туйғу чулғаб, бўшашди.



Дувлон чопонини ечиб, Неъмат бобонинг эгнига ёпди-да, укасига яқин юрди.

Оломон ҳали-ҳануз бақирарди.

У Эломонни маҳкам қучоқлади-да, даст кўтариб елкасига олди, бирдан овоз тинди, қичқириқ тўхтади.

Дувлон уни янаям баландроқ кўтармоқчидек жойида тик қотди. Эломоннинг ранги тетилди, вужудини ажиб титроқ эгаллади. Ака-ука даврадан мағрур чиқди...



НАВОИЙДА МУАММО ЖАНРИ

Шоҳсанам ҚАРШИЕВА,
Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Алишер Навоий ижодида муаммо жанри ҳам ўзига хос ўрин тутади. Она тилимизда даҳо шоиримизнинг 52 та муаммоси бўлса, у форс тилида бу жажжи – болаларбоп жанрда юзлаб муаммолар ёзди ва энг муҳими, бу соҳада оммабоп илмий "Муфрадот" тадқиқотини яратди. Ҳозирги нуқтаи назардан қарасак, муаммолар - адабий топишмоқларни болалар адабиётига тегишли деб айтишимиз ҳам мумкин, чунки муоммочиликдан мақсад болалар, айниқса, истеъдодли ўсмирларда зийраклик ва заковатни тарбиялашдир.

Мутаффаккир шоир ана шундай зако машқига мўлжалланган асарларида ҳам умумбашарий ахлоқий-таълимий фикрлар айтганлиги бизни ҳайратга солади. Чунончи, қуйидаги байтни айтиб:

Бу гулшан ичра чу йўқтур бақо гулиға сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Бу мисралар Навоийнинг қайси ғазали ё қитъасидан олинган деб савол берсак, кўплаб тил ва адабиёт ўқитувчилари чуқур ўйга толиб қолишла-

ри мумкин. Чунки бу байтдаги залворли ҳикмат ҳар қандай оқил кишини ўйлантириб қўяди. Фақат адабиётшунос олимгина камтарлик билан: "Бу байт муоммога ўхшайди" дейиши мумкин. Дарҳақиқат, ушбу байт Алишер Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" тўплами таркибидаги "Наводир уш-шабоб" девонида берилган туркий тилдаги йигирма биринчи муаммодир, фарддир.

Муаммо мазмуни: Бу гулшан (дунё)да инсон умри абадий (бақо) эмас, шунинг учун яхшилик билан ном чиқариш олий саодатдир. Зокиржон Фурқат ҳам бу фарддан илҳомланиб, ахлоқий қарашлари ифодасида навоиёна фикр юритишгача боролган:

Бу гулшанким, насимий файзи Раббур,
Гули ҳилм-у ҳаё бирла адабдур.

Иккала шоиримиз – ахлоқ байроқдори сифатида дунёни гулшан дейдилар, элни яхшилик, юмшоқтабиатлилик (ширинсўзлилик), ҳаёлилик ва одобга чорлайдилар.

Даҳо шоирларимизнинг ахлоқий насиҳатлари ифодаланган байтлари жуда кўп: юзлаб, ҳатто минглаб дегулик. Аммо ўнта энг муҳимини танлаганимизда ҳам, бу ўнликда ушбу муаммо, албатта, ўрин олган бўлади.

Муаммони ечиш шарти байт мазмунига боғлиқ бўлади. Байтдаги бош фикр "саодат"га қаратилган. Ўсмир араб ёзувида "саодат" ҳарфларини тизади ва сўздан "от" қисмини олиб ташлайди: қолган қисми "Саъд" (Бахт) исми бўлади. Бу байт Алишер Навоий "Афоризмлар"и китоблари кўрки бўлгани баробарида яна бир қувончли дарак сабабчиси ҳамдир.

2015 йилда Бобур номли халқаро жамоат фонди раёсати аъзолари Ҳиротга - Мусалло майдонидаги Алишер Навоий мақбарасига Нурота тумани Ғазғон қишлоғи мармаридан сангтарош уста Тоҳир Раҳимов тайёрлаган сағанани олиб бориб ўрнатадилар. Сағанада Қуръони карим оятлари ҳамда туркий ва форсий тилдаги Алишер Навоийнинг қуйидаги байти араб ёзувида мармарга ўйиб ёзилгандир:

Бу гулшан ичра чу йўқтур бақо гулиға сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Ушбу ададий версияни Тошкентдаги Ислом Университети олимлари сангтарош устага топширган эканлар. Байтнинг ушбу ҳолати сағана тоши мақсади ва вазифасига мос эканлиги диққатга сазовордир. Бироқ янги бу байт муаммо эмас. "Чиқса" сўзи ўрнига "қолса" сўзининг келтирилиши бунинг сабабидир.

Аммо ушбу ҳолатда ҳам навоиёна байтнинг ахлоқий фикри синиқмаган. Гавҳар тарашлангани билан қиммати камаймаган.

Даҳо Алишер Навоий беш юз йилдан сўнг Ўзбекистон номли мамлакатнинг Андижон деган шаҳридан Зокиржон Машрабов бошлиқ сангтарош олим-у муҳандислар қолиб унинг қабрига ушбу байт ёзувли сағана тоши қўйишларини ақлига-ҳаёлига сиғдира оларми-ди?

Биз Алишер Навоий ҳазратларини чин юракдан инсониятнинг бахтлиси деймиз. Зотан, даҳонинг биргина муаммоси ҳам унинг абадияти муҳрига айланди.



МУЛОҚОТ ҚОИДАЛАРИДАН ЧЕКИНИШНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мулоқотнининг қонун-қоидалари ва унинг самарали амалга оширилиши ҳақидаги ниятлар файласуфларни, мантиқшуносларни ва албатта, тилшуносларни доимо қизиқтириб келган. Шарқ алломаларининг бу ҳақдаги фикрлари диққатга сазовордир. Абу Наср Фаробий, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби мутаффаккирларнинг назарий қарашларида мулоқот қоидалари аҳлоқ-одоб қоидаларининг бир қисми сифатида тилга олинади. Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида фозиллар шаҳрини бошқарувчи шахс фазилатлари бирма-бир санаб ўтилади.

Ферузахон КАРИМОВА,
илмий ходим.

Улар ичида «...бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши» билан биргаликда «у ўз фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида фасоҳатли ифодалай олиши зарур»лиги қайд этилади. Фикрни ихчам ва лўнда ифода этиш, кам гапириб, кўп тинглаш ҳақида билдирилган фикрлар мулоқот қоидаларининг асосий қисмларидан ҳисобланади. Нафақат ҳақиқатни сўзлаш, кези келганда уни баён этиш муомала одоби чегарасидан ташқари бўлган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда А.Навоийнинг фикрлари ниҳоятда салмоқлидир: «Хирандманд улдуркким, ёлғон демас, аммо барча чин дегулик ҳам эмас». Мутафаккир олимнинг нутқ одоби ҳақидаги фикрлари унинг бир неча асарларида акс этган. Чунончи:

Навоий, хомадек
тортиб узун тил,
Не дерсан, охир
ўз ҳаддингни билгил.

Ёки

Сўзда, Навоий, не десанг,
чин дегил,
Рост наво нағмага
таҳсин дегил.

тарзидаги фикрлари нутқнинг зерикали, узундан-узоқ ҳолатда эмас, балки сўзловчининг ния-



тини лўнда ва қисқа сатрларда берилишини таъкидловчи мисралардир. Шунингдек, баён этилаётган фикрнинг ҳақиқатга бўйсуниши кераклиги ҳақидаги фикрлар ҳам Навоий асарларида таъкидланади.

Тарихдан бизга маълумки, сўз билимдонларининг ўз фарзандларига насиҳат тарзида битган асарларида, хусусан, Кайковуснинг ўғли Гилоншоҳга, А.Жомийнинг ўғли Зиёвуддинга, Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга бағишланган насиҳатларида нутқ одоби ва ёзув қонун-қоидалари ҳақида қимматли фикрлар баён этилган.

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида келтирилган «Номақбул ростни айтишдан пархез қил», «Кишининг мартабасини сўзи била билурлар, аммо сўзнинг мартабасини киши била билмаслар, чунки ҳар кишининг аҳволи ўз сўзининг остида пинҳондур...» тарзидаги қарашлар мулоқот жараёнини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

А.Жомий эса фарзанд тарбиясидаги одоб қоидаларини китоб мутолааси ва нутқ тузиш борасидаги насиҳатлари билан бойитади. «Бобурнома»даги Ҳумоюнга битилган мактуб мазмуни ҳам нутқ ва ёзув одоби ҳақида қимматли фикрларни беради. «Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундан нари бетакалуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға» .

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги «Сўрамасдан олдин ногоҳ сўз десанг, не ажаб, эшитиб дакки, панд есанг», «Қизил тил қора бош ёви беомон» ҳикматлари замирида навбатсиз сўз олмаслик, кўп гапирмасликка ишора берилган бўлса, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» асридаги «Неким келса эрга тилидин келур, Бу тилдин ким эдгу, ким ақир бўлур (Киши бошига тушган ҳар қандай иш унинг тили туфайли содир бўлади, бу тил сабабли айримлар яхшилик, айримлар ёмонлик кўради)» ҳикматида ҳам ўйлаб, мулоҳаза билан сўзлаш одоби баён этилган.

Замонавий тилшуносликдаги «Тилнинг луғат бойлигини етарли даражада билмасдан




туриб маданий нутқ тузиш мумкин эмас» каби фикрлар билан биргаликда нутқ эгасининг нутқи комиллигида ташқи омилларга ҳам эътибор қаратиш кераклиги назарда тутилади. Унга кўра «...турли жестлар, юз ифодаси, бошни қимирлатиш, гавда ҳаракатлари, макон яқинлиги, овоз табиати, кийимлар, сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий ёки бошқа мақоми каби хилма-хил омиллар коммуникация жараёнида алоҳида қимматга эга» .

Мулоқотни амалга оширишда сўзловчи ва тингловчининг ўз коммуникатив мақсадини юзага чиқаришда диалог муҳити энг яхши танлов ҳисобланади. Чунки диалогнинг аниқ макон ва замонда, маълум ижтимоий ва маданий муҳитда ва кўпинча бир-бири ҳақида умумий маълумотга эга бўлган сўзловчи ва тингловчи ўртасида юз беришини ҳисобга олсак, у сўзловчи ва тингловчининг лисоний мақсадларини амалга оширишда энг мақбул нутқий майдон эканлигини англаймиз.

Мулоқотнинг хоҳ шарқона бўлсин, хоҳ ғарбона бўлсин, қонун-қоидалари муштараклик касб этадиган ҳолатлари анчагина. Унга кўра мантиқийлик ва изчиллик, аниқлик ва лўндалик, ҳаққонийлик ва мутаносиблик, самимийлик ва мулойимлик каби нолисоний омилларнинг аҳамияти таъкидланган назариялар анчагина. Улар ичида кўплаб эътибор қаратилган ва ўз ўрнида танқидий фикрлар ҳам билдирилган назариялар мавжуд. П.Грайснинг «Ҳамкорлик тамойили» шулар жумласидандир .

Грайс одамларнинг кундалик нутқини мантиқ нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, унинг моҳиятини қуйидагича шакллантиради: «Суҳбатнинг ушбу босқичида сизнинг коммуникатив ҳиссангиз ушбу диалогнинг биргаликдаги қабул қилинган мақсади талаб қиладиган даражада бўлиши керак». Унинг нутқий мулоқотга доир қоидалар йиғиндиси ёки «Ҳамкорлик тамойили» деб юритилувчи назариясида 4 асосий категория мавжуд бўлиб, унга амал қилиш орқали мулоқот самарадорлигига эришиш мумкин, деган ғоя илгари сурилади. Пол Грайс ушбу категорияларни немис файласуфи И.Кант изидан бориб ишлаб чиққанлигини айтиб ўтади. И.Кант фалсафасида ҳам мулоқот учун Миқдор, Сифат, Муносабат, Усул постулатлари келтирилган Пол Грайс ва у ишлаб чиққан нутқий мулоқот қоидаларига қизиқиш билдирган тилшунослар то-



монидан турли фикрлар ўртага ташланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Грайс ушбу постулатларни тавсифлашдан олдин импликатура деб номланган яширин, кўзда тутилган ҳолат ҳақидаги ўз фикрларини баён этади. Импликатура сўзи инглизча implicit – яширин, ошкора ифодаланмаган, кўзда тутилган маъноларини англатувчи сифат билан ўзакдош ҳисобланади. Пол Грайс келтирган импликатура термини остида сўзловчи ва тингловчи учун маълум бўлган муайян ахборотнинг кўзда тутилиши ва суҳбатдошларнинг уни назарда тутган ҳолда ўша нарсага ишора қилган ҳолда мулоқотни амалга ошириш жараёни тушунилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки. .П.Грайс қонуниятларини барча тилшунослар бирдек маъқулламаганлар. Мазкур қонуниятларнинг самарали фойда беришига шубҳа ва эътироз билдирган тилшунослар ҳам мавжуд. Файласуф тилшунос Кент Бахнинг фикрича, «Ҳамкорлик импликатураси умуман мавжуд бўлолмайди, унинг борлиги ҳақидаги нарса афсона, холос». Тилшунос олим Ш.Сафаров Грайс қонуниятларидан қониқмаганлигини қатъий таъкидлаб: «Хуллас, мулоқот самарасини таъминловчи қоидалар турлича, уларнинг сони П.Грайс ажратган икки жуфт максима билан чегараланнмайди» , – дейди. Олим унинг ўрнига Ҳусайн Воиз Кошифийнинг суҳбат одобининг мартабага етмаганлар учун жоиз бўлган 8 та қоидасини келтиришни маъқул кўради. Олим бу ҳақдаги фикрини давом эттирар экан: «Ғарб прагмалингвистлари ҳам Грайс таснифидан охиригача қониқмадилар», – деган хулосага келади. Бизнинг назаримизда, мукаммаллик умидида бор қоидалардан ҳам воз кечмай, уларнинг самарасидан мақсадли фойдаланишни ўйлаб иш тутиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнингча, ушбу қоидаларнинг инобатга олиниши мулоқотнинг ҳар бир иштирокчиси учун маълум даражада фойда бўлибгина қолмай, нутқ қоидалари қаторида унга риоя этилса, ўринли бўларди. Чунки ушбу тамойиллар суҳбатдошларни ҳаққонийлик, самимийлик, ор-



тиқча сўзламаслик ва ҳурмат чегараларидан чиқмасликка, мавзудан четланмасликка ундайди. Пол Грайс қоидалари баъзи жиҳати билан бизнинг эътиборимизни тортди. Зеро, мулоқот намуналарининг Грайс қонуниятларига қиёсланиши диалог жараёнида юзага келувчи турли прагматик ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради.

Иккинчидан, инсонларнинг ўз мулоқотида нутқий мулоқот қоидаларига амал қилишдан кўра бу қоидалардан четга чиқиш ҳолатлари нисбатан кўп учрайди. Бу каби «қоидабузарлик», назаримизда, ихтиёрий (англанган) ва беихтиёр (англанмаган) тарзда амалга ошади ва ҳар икки вазият ҳам лингвопрагматик тадқиқотлар учун қизиқарли материалларни беради. Яна бир нарса қизиқки, уларга амал қилиниши тилшуносларни қандай қизиқтирган бўлса, мазкур қоидалардан қочиш, унга бўйсунмаслик ҳақидаги ҳолатлар ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаган. Жумладан, Пол Грайс постулатларини ўта кўтаринки руҳда баҳолаган рус тилшуноси Т.М.Николаева ундан четга чиқиш, оғиш ҳолатларига мисоллар келтиради ва бундай диалогларни «муваффақиятсиз диалоглар» тарзида баҳолайди.

Ўзбек миллатининг суҳбатлашиш одобидаги ҳазил-мутойиба ва суҳбатдоши олдида чекиниш ҳолатларига кўплаб дуч келамиз ва бу шарқликларнинг ғарбликларга нисбатан кескин хулоса чиқаришдан кўра келишиб кетиш, кулгили ишора билан маълум совуқ ҳолатларнинг олдини олиш одатлари билан изоҳланиши мумкин. Қуйидаги матнга эътибор беринг:

Ярим соатдан кейин кўришдик. Режиссёр сочи елкасига тушган, ўртачароқ мўйлов қўйган йигит экан.

- Қалай? – деди у тўсатдан.

- Нима қалай?

- Бизнинг фильмлар?

Чайналиб қолдим. Ростини айтсам, шу режиссёрнинг кинoларини жиним суймасди.

- Билмасам, – дедим минғиллаб. – Фильмингиздаги одамлар ғалатироқми-ей.. Томошабин экранда ўзига ўхшаган одамларни кўрса яхши бўлармиди. (Ў.Ҳошимов. Мен, бувам ва рангли телевизор).

Мазкур диалогдаги саволга жавоб берувчи суҳбатдош «Сизнинг фильмларингиз ёмон»



тарзидаги иллокутив мақсадини яширин тарзда баён этмоқда. Тингловчининг яширин тарздаги мақсади «чайналиб қолдим» ва «жиним суймасди» иборалари билан ҳам ойдинлашган. Ўзбек мулоқот маданиятида бундай мисоллар сирасига қаттиқ касал бўлган одамнинг уни йўқлаб келган инсон олдида камтарлик билан «Сал мазам бўлмабди» тарзидаги ахборот сифатини яширувчи жумлаларни ҳам қўшиш мумкин.

«У қанча ухлаганини билмайди. Бир маҳал дарвоза гурсиллай бошлади. Бу сафар Обид Расулевич шошмасдан бориб очди.

- Яна нима гап, Ҳолиқбой? – деди совуқ оҳангда.

- Ия, қанақа уйқучи одамсиз домла, онангиз ёстиқ билан қўшиб туққанмилар? Бўлинг тезроқ, Қўчқор қассоб хотинига йигирма қиляпти. Шундоқ ойдек хотин суяк тиқилиб ўлиб қолса, денг! Фалокат қош билан қовоқнинг ўртасида туради, деб шуни айтади-да.» (Ў.Ҳошимов. Ош).

Диалогнинг жавоб мазмуни «Қўчқор қассобникига ошга борамиз» пропозициясидан иборат. Лекин бу жумла ўрнида суҳбатдошнинг субъектив мазмунга эга бўлган «ортиқча» маълумотларни берувчи бир неча жумлалари тизилиб келганлигини қўриб турибмиз. Суҳбатдошини койишга бўлган уриниш сифатидаги «қанақа уйқучи одамсиз» (дакки бериш), «онангиз ёстиқ билан қўшиб туққанмилар»(ранжитиш), «ойдек хотин суяк тиқилиб ўлиб қолса-я» (баҳолаш), «фалокат қош билан қовоқнинг ўртасида туради» (далиллаш) каби мақсадларда баён этилган, асосий мавзудан четга чиқувчи жумлалари сўзловчининг нутқи ҳажмининг меъёрдан ортиқ бўлишига сабаб бўлган.

Диалогларда тагмаънонинг қўлланиши эса кўпинча нутқий мулоқотдаги коннатациянинг сезиларли равишда кучайишини келтириб чиқаради. Масалан:

Шу қадар ажойиб, хуш бир гул. Бир ой ўтиб-ўтмай, иккита ғунча тугди - ғунчасиям ажиб: яшил тўн кийган, тўнинг остидан пушти қабоси хиёл кўриниб турипти, қабонинг четлари нозик нақшлар билан мунаққаш бўлган. Бундай либос оламдаги ҳеч бир гулда йўқ.

- Эртага қушчага айланиб

учиб кетиб қолмайсизми? – деб сўраб қўяман эркалаб.

У мағрур, ўзига жуда бино қўйган – жавобни-да раво кўрмайди.

Тарвақайлаган карнайгулларни, жой танламас беоргулларни ёмон кўрдим. Иккитасини таг-туги билан кесиб ташладим. Натижада қайсарим тегараси анча кенгайди. Эртасига атиргулларнинг нарироққа сурилиб олишганини кўрдим – улар ҳамма нарсадан ҳам ўз жонларини асраб-авайлашларини мен билмасам экан?! (И. Султон. Менинг гулим).

Парчада келтирилган нутқий жараёндаги жумлалар мазмуни ойдинлашиши учун пропозитив мазмун камлик қилади. Сўзловчи мақсадини билиш учун жумлаларнинг яширин маъноси – тагмаънога мурожаат қилишга тўғри келади. Шу ўринда профессор М.Ҳакимовнинг тагмаъно ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтиришни ўринли деб биламиз: «...тагмаънонинг қўлланишидан мақсад кимдандир маълум ахборот кўринишининг сир сақланишидир. Шунга кўра маълум бир воқелик ёки ҳодисага ишора қилувчи тагмаъно мазмуни нутқ иштирокчиларидан бирига номаълум бўлади». Мулоқотдаги сўзловчи назаридаги гул - унинг севган қизи, Эртага қушчага айланиб учиб кетиб қолмайсизми?» жумласининг мазмуни эса «Мени ташлаб кетмайсизми?» пропозициясига мос келади. Тарвақайлаган карнайгуллар, жой танламас беоргуллар эса қизнинг атрофидаги ибо-ҳаёдан узоқ бўлган дугоналарини англатади. Сўзловчининг улардан қизни ҳам, ўзини ҳам халос этишини» Иккитасини таг-туги билан кесиб ташладим. Натижада қайсарим тегараси анча кенгайди» жумлаларидан билиб оламиз. Эртасига атиргулларнинг нарироққа сурилиб олишганини кўрдим, жумласида сўзловчи четлаштиргани учун ундан ранжиган қизлар атиргулга – тиканли гулга ўхшатилган. Сўзловчи томонидан мазкур яширин тагмаъноли жумлаларни ошкора қўллаб бўлмаслигининг сабаблари миллий-маданий руҳият билан ҳам (муҳаббат ҳақидаги икир-чикирларни ҳар кимга ошкор қилиш одоб доирасига кирмаслиги), севгига йўлиққан ошиқ йигитнинг руҳий ҳолатидаги андиша, уят туйғуларининг устунлиги учун пардага ўраб гапириш одат туси эканлиги билан изоҳланади.

Келтирилган парчадан яна шундай хулоса келиб чиқадики, фикрни яширин, рамзий тарзда ифодалаш инсоний-аҳлоқий тушунчаларни акс эттиришда ва миллий-маданий руҳни сақлашда қўл келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мулоқот қоидалари қадимдан шарқда ўзининг ажойиб намуналари билан кенг тарқалган. Уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томонларидан бугунгача фойдаланиб келмоқдамиз. Диалогик муҳитнинг прагматик томонларига эътибор берган ҳолда шуни айтиш мумкинки, мулоқот қоидаларидан баъзан чекиниш ва оғиш ҳолатлари мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий-маънавий қиёфаларини акс эттириш, ўзига хос мақсад ва ниятларини амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, уларнинг жамиятдаги мақом ва ўрниларига ҳам ишора қилиш вазифасини бажаради.

Хосият РУСТАМОВА:



«ХАЁЛ СЕНГАГИНА ТААЛЛУҚЛИ БЎЛГАН МАМЛАКАТ!»

— Ижодкор учун ҳаёт ва хаёлнинг чегараси қаерда...

— Агар хаёл бўлмаганида қаерда яшардик? Қаерда яшаган бўлардик сизнингча? Қаерни манзил тутардик? Баъзида унутиб қўясан яшаётганингни, бу дунёда борлигингни! Агар атрофингдаги инсонлар қиёфасидаги шарпалар бўлмаса, аллақачон унутган бўлармидик! Ҳайрият, атрофинг тўла одам. Улар унутмаслик учун ёрдам беришади. Сени бу дунёда эканлигингни айтиб туришади... тушунмаган нарсаларингни сенга кўрсатишади! Ҳаётнинг чегарасини қаерда эканлигини биламиз, лекин, хаёлнинг чегараси йўқ. Аллоҳга шукр, хаёл чегарасиз яратилган ва унда яшаш имкони мавжуд. Хаёл - сен яратган, сенгагина тааллуқли бўлган мамлакат! Унинг қонунларини ҳам ўзинг яратасан. Байроқлари ҳам ўзингники!

— Шоир жаҳон фуқароси, дея бот-бот такрорлаймиз. Бутун дунёга тегишли бўлиш учун шоирдан нима талаб этилади?

— Шоирдан ёзишдан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди, зеро, ёзиш ҳам унинг қисматига ёзиб қўйилган. Уни қоғозга кўчиришга имкон бериш керак. Жуда бўлмаса, ҳалақит бермаслик ва унинг ўз ҳолига қўйиш керак. Турли хил довуллардан ҳимоя қилиш зарур. Сўзга суяниб турган одам нима ҳам ёмонлик қиларди. Худонинг даргоҳидаги одам нимаям ёмонлик қиларди, дейсиз, фақат ўзингизни ўзингизга кўрсатиб қўйиши мумкин. Дунёдаги энг жонсарак инсон у! Мен ҳақиқий шоиларни кўп кўрдим. Уларнинг ичида шеър ёзмайдиганлари ҳам бор. Мен улар билан гаплашганимда, йиғлагим келган, лекин, ичимда ҳавас қилганман! Балки, шуниси тинчдир!

Аммо, чуқурроқ ўйлаб кўрсанг, ёзмаслик - нафасингни ичингга ютиб яшаш каби оғир. Ахир оғриқлардан қутилишнинг энг осон йўли ёзишку! Балки, йиғлаш билан ҳам қутилиш мумкиндир, фақат унгача етиб боролсанг, ўзингни ўзинг ўлдириб қўймасанг!

— Адабий жараёндаги ренессанс қандай кечяпти? Сизнингча, бугунги куннинг адабий қиёфаси қандай?

— Мен рўзғор ва ҳаёт ишлари билан бўлиб озгина вақт китоб ўқимасам, тасаввуримдаги ўзимни йўқотиб қўяман. Ва ўзимдан анча узоқлашганимни ҳис қиламан! Бу муболаға эмас, бу менинг ўзимгагина маьлум бўлган ҳақиқат. Бугунги куннинг адабий қиёфаси мени дунё ичида ўралашиб юрган кунларимга ўхшайди. Кийимларидан овқатнинг хиди келаётган бозорчи дунёга ўхшатаман уни. Эртаси йўқ бугунга ўхшайди у!

– Ўзбек мумтоз адабиёти жаҳонга нима бера олди деб ўйлайсиз? Ўзбек мумтоз адабиёти ва умуман жаҳон адабиётидан кимлар ижодингизга кўпроқ таъсир кўрсатган?

– Мақташга ва мақтанишга арзигулик адабиётимиз бор. Биргина Навоийнинг ўзи анча-мунча классик адабиётни ақлдан оздиради. Навоий, Бобур, Машрабни ўрганиш ҳали ўзимизда давом этмоқда. Ўзбек мумтоз адабиёти бўлмаганида эди, бугунги замонавий адабиётимиз ҳам бўлмасди. Чунки мумтоз адабиётимизни аждодлар яратганини назарда тутадиган бўлсак, бугунги адабиёт улар қолдирган улкан меросининг давоми холос, ҳатто қайсидир жиҳатларда биз уларнинг такроримиз. Назаримда, улар ҳамма гапни айтиб бўлишган. Навоий, Бобур, Машраб ва бошқа мумтоз адабиётимиз вакилларининг асарларини ўқисангиз, бугунги авлод нима демоқчи ўзи, деб ўйланиб қоласиз. Улар нафақат шоир – олим, жангчи, шоҳ, мутафаккирлар бўлишган. Техника ва давлатлар ўртасидаги алоқалар ҳозиргидай бўлмаса-да, жуда кўплаб тил билганлар. Улардан бизгача ғазаллардан, бадиий асарлардан ташқари кўплаб илмий асарлар қолган. Бизга тилимиз ва маданиятимиз, адабиёт назариясини ўргата оладиган мерос қолдиришган.

Шу маънода ўзбек мумтоз адабиёти, бошқа давлатлар адабиётини заррача камситмаган ҳолда дадил айтишим мумкинки, менинг назаримда дунёда энг бой адабиёт.

Бобораҳим Машраб руҳимга жуда яқин. Унинг асарларини бутун туркий дунё таниди, севди. Дунёни тутиб турган илоҳий муҳаббат билан йўғрилган асарлари унинг девонини қўлига ушлаган инсонни бефарқ қолдирмайди.

Мен нимаки асар ўқиган бўлсам, ҳаммаси... Чунки, асар ўқиш жараёнида китоб ўқиётганимни буткул унутаман, мен сўзлар билан яшай бошлайман... Ўзимни унутаман! Фақат, менга нуқталар халақит беради! Воқеаларга қўшилиб кетаётган маҳалим нуқталар мени ушлаб қолади... Агар биз ёзаётган пайтимиз ўқувчилар ҳақида ўйлаганимизда эди, ҳеч нарса ёза олмасдик. Яхшиям, биздаги ёзишга бўлган эҳтиёж ўқувчи ҳақида ўйлашга имкон бермайди. Биз фақат ёзиб олиш ҳақида ўйлаймиз, биз фақат омон қолиш ва шу жараёндан тезроқ ўтиб олиш ҳақида ўйлашимиз мумкин. Тўлғоқ тутаётган, жони оғриб турган аёл туғилаётган фарзандини кимлар яхши кўриши ҳақида мутлақо ўйламагани каби, шеър ёзаётган шоирга ҳам шеърнинг ўқувчилари асло қизиқ эмас...

– Сиз Марина Цветаева, Евгений Евтушенко, Анна Ахматова каби кўпгина рус шоирларининг шеърларини таржима қилгансиз. Айтинг-чи, уларнинг қайси бирининг шеърияти сизга руҳан ва маънан яқин?

– Сиз айтган шоирларни мен 17 ёшимда танидим... Унгача мен фақат Пушкин билан Тургеневни билардим. Мумуни сувга чўктириб юборган Тургенев билан бола хаёлимда уришиб юрган бўлсам ҳам, лекин Пушкинни жони-дилим билан севдим. Мен уни ўқимадим, мен у билан яшадим. Унинг ҳар бир сўзи билан яшадим. Нуқта, вергуллари ҳам меники эди. Мен ҳаммага ичимдаги Пушкин билан мақтанардим. Рус адабиёти дарсларида Пушкинни ўқимаганлардан нафратланардим, ўқиганларни эса рашк қилардим. Барибир уни ҳеч ким менчалик севолмасди, Пушкин барибир меники эди... Университетга ўқишга кирганимдан кейин кўп шоирлар билан таништирилдим! Ҳаммаси ҳар турли дунёлар эди. Уларнинг ичида ўзимни йўқотиб қўйишимга оз колган... Шундай пайтларда ҳам менга Пушкин ёрдам берган, ўзининг борлигини эслатиб турган. Кейинчалик, Марина билан яқин бўлиб кетдик. У билан яқин бўлмаслик мумкин эмас эди, чунки, биз руҳан бир одамлар эдик, энг қизиғи, иккаламиз ҳам Пушкинни яхши кўрардик! Тўғри, биз Марина билан Пушкин ҳақида гаплашмасдик! Агар гаплашиб қолсак, бизнинг суҳбатимиз жанжал билан тугашини иккимиз ҳам ҳис қилардик. Ва ҳозиргача ҳам шундай! Пушкин ҳақида гаплашганда эҳтиёт бўламиз, ёзганда ҳам! Хуллас, кўриб турганингиздек, Цветаева менга туғишганларимдан ҳам яқин. У мени қаттиқ назорат қилади. Буни саккиз йил ёзмаган, қўлимга қалам ушламаган кунларим аниқ билдим, у менга қиё боқмади, мендан юз ўгирди. Ёзмай, азоб билан яшаётганим бир, Цветаевани йўқотиб қўйганим икки бўлди. Ва тақдирнинг туҳфаси билан яна қўлимга қалам олдим ҳамки, у яна пайдо бўлди...


— Наздингизда, кеча шоир ким эди, бугун ким?

— Кечаги шоир ҳам бугунги шоирдан унча фарқ қилмаган. Худди бугунги шоир каби яшаган. Уйи бўлгандир, Ватани бўлгандир, кўп нусҳаларда чоп этилган шеърий китоблари бўлгандир, лекин ўзида бўлмаган. У ҳам худди бугунги шоир каби бу дунёдан фақат ўзини қидириб яшаган. Биз улар билан яшамаганмиз ва шунинг учун улар биздан кўра яхшироқ яшагандай кўринади. Аслида, қайси даврда ва қаерда яшамайлик, миллатимиз ва динимиздан қатъий назар шу осмон ва шу ернинг орасидамиз! Бизнинг бошқа жойимиз йўқ. Нари борса, хаёлни макон тутамиз ва билганимизча хотиржам яшайверамиз! Мен таниган шоирларнинг кўпи шундай яшаб ўтган. Ва ҳозир ҳам шундай яшаётганлар бор... Ҳақиқий шоир кеча ҳам шоир эди, бугунги шоир бугун ҳам шоир!

— Шеърларингиз табиатга муҳаббатингизнинг инъикосидай туюлади...

— Биз ҳозирча бу дунёдамиз! Истайсизми-йўқми, бу дунёникимиз! Энди отиб келаётган тонг, чўққига кўтарилаётган қуёш, атрофимиздаги ҳаво, ўсаётган дарахтлардан тортиб учаётган қушларгача бизники! Бошқа нарсалар унчаям ўйлашга арзимайди! Бу дунёнинг дарахтлари ва қушлари учун яна бир марта келиб кетсанг бўлади. Мен уларни тасаввур қилолмайдиган даражада яхши кўраман. Табиат бу дунёда энг эсимда қолган муъжизалардан бири. Балки шунинг учундир, шеърларимнинг ора-ораларида дарахтлар ва қушлар кўриниб қолаверади...

Муяссар ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.



ШУҲРАТ ДОМЛА ҚАДРЛАГАН “ЖАВОҲИР”

Ижод аҳли маълум бир ғояни, қалбини ўртаган муаммони бадиий ифодалаш учун турли-туман воситалардан фойдаланади. Бинобарин, Гегель айтганидек “образли тафаккур” ёзувчига кўплаб имкониятлар тақдим этади. Топиб ишлатилган бадиий деталь ҳаётни бадиий ифодалашда, қаҳрамон характер қирраларини очишда, асар ғоясини ифодалашда, унинг эмоционал таъсир кучини оширишда катта рол ўйнайди. Бундан ташқари, бадиий деталь ёзувчини кўп сўзликдан сақлайди. Бадиий асарда, одатда, ранг-баранг деталлар қўлланилади: предмет деталь, портретик деталь, нутқий деталь...

Меҳрибон ЁДГОРОВА
илмий ходим.

Атоқли ёзувчи Шуҳрат “Олтин зангламас” романида кўплаб бадиий воситалар қаторида Бобурнинг “Бобурнома” асаридан бадиий деталь сифатида асар қаҳрамони Мирсалим характерини ёритишда унумли фойдаланганини кўришимиз мумкин.

Содиқ “ғўлабирдан келган, сурмаранг дўппили, сертакаллуф киши” бўлган Мирсалимни, дастлаб, туман маориф бўлимида учратади. Илк учрашувёқ янги танишидан Содиқнинг кўнгли сув ичиб қолади. Тасодифни қарангки, туман маориф бўлими Содиққа айнан Мирсалим ишлайдиган мактабга йўлланма беради. Шу тариқа Содиқ билан Мирсалим ўртасидаги муносабатлар чуқурлашишига замин яратилади.

Содиққа квартира қидиришидаги кўмаги, уйига меҳмонга чақириб сийлаши, Азизадек етук фарзанд тарбиялаганлиги: булар Содиқнинг Мирсалимга бўлган ҳурматини оширади.

Албатта, Содиқ Мирсалимнинг камчиликларини кўрмайди эмас, кўради. Аммо у буларни инсоний қусур деб билади. Зеро, Содиқ инсоннинг камчиликлардан ҳоли яратилмаганлигини яхши англайди.

Адиб Содиқнинг Мирсалимга бўлган ҳурматининг ошишини яна бир муҳим деталь билан далиллайди:

“Ҳа, айтгандай, Содиқжон, - деди Мирсалим унинг ёнига ўтираётиб, - менда бир-икки китоб бор. Тарихга доир...

...Мирсалим кутгандек Содиқ китоблар билан қизиқиб қолди. Лекин диди айвонининг тахмонига солдирган сурати бўлса, китоби нима бўларди, деб ўйлади. Шундай бўлса ҳам сўради...

- Битта-яримтаси бу алмисоқдан қолган китобларни нима қи-

либ кўтариб юрибди, демасин дедим. Бири "Бобирнома", Қозон босмаси, яна бири Герман Вамберининг шу томонларга қилган "Саёҳатнома"си....

...Содиқ "бу ҳам ичидан пишган экан-ку", деган маънода унга қараб қўйди. Бир маҳал мактаб илмий мудири билан унинг қизи ҳақида гаплашганда Мирсалим қандай улуғланиб, ажиб бир симога айланган бўлса, Содиқнинг назарида, ҳозир ҳам яна шундай бўлди. Мирсалим яхши бир қиз ўстирган отагина эмас, кўп нарса биладиган зийрак киши. Ахир ҳар кимда ҳам "Бобирнома" бўла бермайди-да" (қўлёзма, 49-бет).

"Бобирнома" детали романнинг бошқа бир ўрнида яна бир маротаба келтириладики, натижада Мирсалимнинг маънавий қашшоқлиги, нафақат Содиқнинг кўз олдида, балки ўқувчи шуурида ҳам акс этади. Энг асосийси, адиб бу деталь орқали қаҳрамон характерини бўрттириб кўрсатишга муваффақ бўлади: "Содиқ уни кузатиб, кабинетига қайтиб кирар экан, "Герман Вамбери" билан "Бобирнома"га кўзи тушди, шу китобларнинг Мирсалимда бўлганлигига ишонмади, у бундай китобларни ўқийдиган кишига ҳеч ҳам ўхшамас эди" (қўлёзма, 157-бет).

Муаллиф Мирсалим образига ҳаддан ташқари кўп сифатлар тақийдики, баъзан унинг қандай одам эканлиги англашилмай ҳам қолади.

Мирсалим – сертакаллуф, хожатбарор, одамохун, пиянаниста, диндор, чайқовчи, ғаламис, ишёқмас, маиший бузуқ, юқимли касал, тилёғламачи, лаганбардор, қўрқоқ, сотқин, жосус, баччабоз...

Рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Саноқнинг аниқ адади ҳақида профессор У.Норматов: "Мирсалимга 57 та айб қўйилган, мен санаб чиқдим" , деб айтади.

Лекин шунга қарамай бу образни тутиб турувчи бадиий ўзак бор. Мирсалим образининг ҳаракат динамикасини, шартли равишда, икки даврга бўлиш мумкин: а) Мирсалимнинг Содиқ ва унинг оиласига душманлик қилган даври, б) Мирсалимнинг уруш давридаги фаолияти.

"Адабий тип – инсоннинг индивидуал тасвири бўлгани ҳолда, маълум тарихий давр ва жамият кишисининг энг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга, типда бир давр ва шароит кишисига хос сифатларгина эмас, балки турли тарихий давр ва шароитлар намоён бўладиган умуминсоний хусусиятлар (илғор фикрлилик, виждон софлиги, фирибгарлик ва ҳоказо) мужассамланади" .

Мирсалимдаги барча "фазилат"ларни жамлаб, уни бир сўз билан МУНОФИҚ деб аташ мумкин. Адиб романнинг бир бобини айнан "Мунофиқ" деб атагани бежиз эмас (романнинг босма нашрларида боб номи "Эл бошига иш тушганда" деб ўзгартирилган). Айнан шу бобда унинг "яхши фазилатлари" аслида эл кўзи учунлигини яширувчи бир ниқоб эканлиги аён бўлади.

"(Эй Муҳаммад), қачон мунофиқлар сизнинг олдингизга келсалар: "Гувоҳлик берамизки, сиз шак-шубҳасиз, Оллоҳнинг пайғамбаридирсиз", дерлар. Оллоҳ, дарҳақиқат, сизни Ўзининг пайғамбари эканлигингизни билур, яна Оллоҳ у мунофиқларнинг, шак-шубҳасиз, ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур. Улар ўзларининг (мусул-



мон эканликлари ҳақида ичган ёлғон) қасамларини қалқон қилиб олишиб, (одамларни) Оллоҳнинг йўлидан тўсдилар! Уларнинг қилгувчи бўлган амаллари нақадар ёмондир! Бунга сабаб уларнинг (тилларида) иймон келтириб, сўнгра (дилларида) кофир бўлганларидир. Бас, уларнинг дилларини муҳрлаб қўйилди. Энди улар (иймоннинг ҳақиқатини) англай олмаслар" (Қуръони карим. "Мунофиқун" сураси. 1,2,3-оятлар. Алоуддин Мансур таржимаси).

"- Бизнинг дада омихта: эскичасига эски, янгичасига янги!" (қўлёзма, 25-бет). Азизанинг тилидан отаси Мирсалимга нисбатан айтилган бу таърифни романдаги энг ҳаққоний таъриф дейиш мумкин. Дарҳақиқат, Мирсалимнинг қайси тараф эканлигини, дафъатан, англаш мушкул. Унинг иккита тили бор: бири уйга, иккинчиси кўчага; иккита фамилияси бор: бири эскилик тарафдорлари учун, иккинчиси замонасозлик учун. Эътиқод масаласида ҳам шундай дейиш мумкин. Жамоат жойларида ўзини қизил кўрсатиб, ўқувчиларнинг рўзасини очириш учун папкасида нон олиб келиб, уларга мажбурлаб нон едириб ёки ўзининг сиёсий хушёрлигини кўз-кўз қилиш учун ўқувчиларга дарс ўтиш ўрнига, кераксиз машғулот – дафтар муқовасидан антисовет сўзларни қидиртириб юради. Уйида эса бекитиқча намоз ўқийди. Лекин намозда ҳам қойим эмас. Бошига бирон кулфат тушса, намоз ўқиб, кулфат аригач, жойнамозини отиб юбораверади. Кейинчалик қизил армия сафидан чиқиб, немислар тарафига ҳеч иккиланишларсиз ўтиб кетиши советпарастлиги ҳам аслида риёдан бўлак нарса эмас. Қисқаси, унинг бутун ҳаракатлари, керак бўлса, эътиқоди ҳам, иззат-нафсини қондиришга, ғолиб тарафда туриш истагини бажаришга қаратилган. Нимаики ишга қўл урмасин, ким билан алоқа ўрнатмасин ундан фойдаланишни қўзлайди. У ҳеч қачон беғараз бўла олмайди. Ўз мақсади йўлида энг тубан ишдан ҳам тоймайди. Унинг ҳаётда ўз шиори бор: "Давринг келди, сур бегим". Шиорига мос равишда, қандай қилиб бўлса ҳам давру-даврон суришга интилади.

"Бадиий тажриба йиғиш, - дейди атоқли шоир Ғафур Ғулом, - воқеаларни эсда сақлаб, уларнинг керагини ажрата билиш демакдир. Бу процесс санъаткорнинг бутун умри бўйи давом этади. Турмушни кузатиб бориш ва ундан таъсирланиш жуда кўп материал беради. Ёзувчидаги бу материал маълум даражада тартибга солинган бўлади. Ёзувчи ўз қалбига, сезгиларига таъсир қилган нарсаларни эҳтиёт билан сақлайди" .

Умуман олганда, ижодкорнинг бадиий нияти ижроси учун гоҳида машҳур китобларнинг восита бўлиши жаҳон ва миллий адабиётимиз тарихида мавжуд воқеликдир. Масалан, "Ўткан кунлар"да Отабек "Бобур-

нома”ни ўқийди, Фузулийни варақлайди; Кумуш “Фузулий яхши китоб”, дейди. Юсуфбек ҳожи “Қуръон” ва “Далойил” мутолааси билан машғул бўлади” . А.Қодирий қаҳрамонларидан фарқли равишда, Мирсалим “Бобурнома”га, умуман, Бобурга нолойиқ кимса. Адиб Мирсалим характеридаги тубанликни асослаш мақсадида “Бобурнома”дан фойдаланади.

Бундан ташқари, Шуҳрат А.Қодирийдан фарқли равишда романда бадиий асар номинигина келтириб қўймасдан, уни “Бобирнома”, Қозон босмаси”, деб изоҳлайди. Савол туғилади: адиб асар номини Герман Вамберининг асари ҳақида ёзганидек, номини келтириб кетаверса бўлмасмиди? Изоҳлаши шартмиди? Агар шарт бўлса, бу изоҳ остида қандай сир яширинган?

Матншунос О.Жўрабоевнинг айтишича, “Бобурнома”нинг Қозон босмаси “Бобурнома” нашрлари орасида энг машҳурларидан бўлиб, 1857 йилда В.Ильминский томонидан нашрга тайёрланган. Романда “Бобурнома”га изоҳ берилиши Шуҳратнинг мазкур нашр билан таниш бўлганлигини далолатлайди. Қолаверса, Шуҳрат қамоққа олинганда унинг уйидан тинтув пайтидан олиб кетилган нарсалар рўйхатида “эскириб униқиб кетган 16 та китоб” ҳам бўлган. Гарчанд рўйхатда уларнинг номи келтирилмаган бўлса-да, уларнинг ноёб китоблар бўлганлигига шубҳа йўқ. Акс ҳолда, улар хатланиб олиб кетилмаган бўларди.

Шуҳрат 1936 йил Низомий номидаги Тошкент ДПИга ўқишга киради. Бу ерда Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Яхё Ғуломов, Ҳамид Сулаймон, Абдураҳмон Алимуҳаммедов каби олимлардан таълим олади. Бахтга қарши, 1937 йилда институт олимларининг бир қанчаси, шулар қаторида, Фитрат ҳам қамоққа олинади. Шуҳратнинг фарзанди Бобур Алимовнинг айтишича отаси Шуҳрат оила даврасида устози Фитрат ҳақида, жумладан, шундай хотирлаган экан: “Фитрат домлада паришонхотирлик одати бор эди. Шунинг учун китобларини менга бериб қўярди. Мен домланинг ёнида китобларини обориб-опкелиб юрардим. 1937 йил Фитрат қамалганда у китоблар менда қолиб кетди”. Бобур Алимовнинг айтишича, бу китоблар кейинчалик, Шуҳрат қамоққа олингач, тинтув пайтида олиб кетилган.

Бу иккала факт Шуҳратнинг уйидан олиб кетилган “эскириб, униқиб кетган 16 та китоб” орасида “Бобурнома”нинг Қозон босмаси ҳам бўлмаганмикан, деган тахминни пайдо қилади. Негаки, Шуҳрат романида Содиқ қамалгач, “Бобурнома” қолган китоблар қаторида махсус идора ходимлари томонидан хатланиб, олиб кетилади.

Нима бўлганда ҳам Шуҳрат “Олтин зангламас”да “Бобурнома” асаридан деталь сифатида унумли фойдаланиб, образ мантиқини асосли далиллайди.

«БОБОЖОН, СИЗ ЯШИРИНИНГ»

БОБО ВА НЕВАРА

Бобо неварасига:

– Болам, ўқитувчинг келяпти. Кеча мактабга бормагандинг, яширин.

Невара:

– Йўқ, бобожон сиз яширининг. Мен ўқитувчимга сизни ўлиб қолдилар, дегандим.

ГУНОҲКОР БЕМОР

Дори таъсиридан ўзига келган бемор кўзини секин очар экан, юзига ҳар хил бўёқларни суртиб олган ҳамширани кўриб:

– Ё Оллоҳ! Қайси гуноҳим учун мени дўзахга жўнатдинг, – дермиш.

БОЙ ВА ЎҒРИ

Бой киши билан ўғри дўст экан. Ўғри бойдан сўрабди:

– Сандиқчангнинг ҳимоя рақами нечи?

– Рақамни нима қиласан?

– Агар эсингдан чиқиб қолса, сенга айтаман.

– Рақамни бир дафтарчага ёзиб қўйганман.

– Дафтарчанг қаерда?

– Сандиқчани ичида.

СОДДА ОДАМ

Бир содда нинасини уйда йўқотиб, уни кўчадан кидириб юрган экан. Бир одам:

– Нимани қидириб юрибсан? – дебди.

– Уйда йўқотган нинамни, – деб жавоб берибди бояги киши.

– Эй содда, уйда йўқотган нинангни кўчадан қидирасанми? – дея ҳайрон бўлибди сайёҳ.

– Нима қилай, уйим коронғи бўлса, – деб жавоб берармиш содда.

ЕТИБ КЕЛМАГАН ХАТ

– Дўхтир, менинг касалим ғалати. Мен ўзимга ўзим хат ёзадиган бўлиб қолдим.

– Хўш, охирги хатни қачон жўнатдингиз?

– Бугун эрталаб.

Нима деб ёздингиз ўша хатда?

– Ҳозирча билмайман. Хат қўлимга келиб тегсин!

ЧЕТГА ЧИҚАЁТГАН БАҲОЛАР

– Ўғлим, нега энг паст баҳолар нуқул сенга насиб қилаверади?

– Яхши баҳоларни муаллимамиз четга чиқараётган бўлса керак.

ТЕКШИРУВ

Ота ўғлини синаш мақсадида:

– Ўғлим, агар сенга 10 000 сўм берсам нима қилардинг?

– Аввало кам бермадингизми, йўқми, билиш учун санаб чиқардим!

САВОЛ

Болалар боғчасида:

– Эшматжон, бизга ота-онанг ҳақида гапириб бер-чи?

– Дадам ишлайдилар, ойим гўзалдир…



Расм “Суратдаги ҳақиқат” телеграмм каналидан олинди.

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ тўплади.

Summary

In the 2nd issue of the magazine, the main topic was heritage and devotion. The magazine began with an article by the chairman of the Babur International Public Foundation about that subjects. N. Otajonov and U. Abdurasulova's «History of the translation of a work», K. Ergashev's «Boburnoma» and the evolution of memoir prose» which was described Bobur's the landscaping work done each area were connected with the personality of Bobur and the work of the writer Shuhrat, who devoted himself to the work «Boburnoma». There were also articles such as «Boburnoma» revered by Shuhrat" and Nodirkhan Hasan's «On the yassavi and wisdom of Khoja Ahmad», and devotion to the heritage of Jami and Navoi B. Rajabova's «Description of Navoi in Bahoriston». In addition, samples of Khudoiberdieva's poems were also given. Dedicated to the 80th anniversary of the famous writer O. Hoshimov, the author's story «The Last Victim of the War» was included, and the article by researcher Sh. Karshieva on the interpretation of the problem genre in Navoi and two stories by young writer O. Kayumov were selected as examples of today's literary process. The interview with the poet H.Rustamova is of special importance. F. Karimova's article «Pragmatic features of deviating from the rules of communication» also refers to the legacy of Farobi and Navoi. The Museum of Literature has a Babur Hall as an example of respect and devotion to Babur's work, and G.Abdullaeva's article about this hall was readable. To conclude, we hope that the theme of heritage and devotion interpreted in the magazine will like to our readers.

МУАССИС
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таъсисчилигидаги «Zaytun bog`lari» МЧЖ.

Таҳрир ҳайъати

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, геология-минералогия фанлари номзоди.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эйжи МАНО,
профессор (Япония).

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

Сйед Нақи АББАС,
Рампур-Ризо кутубхонаси Вице-Президенти, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди Ҳиндистон бўлими раҳбари, шоир (Ҳиндистон).

Мирза КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир, таржимон.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
журналист

Нашр учун масъул: **Буробия РАЖАБОВА**

Навбатчи муҳаррир: **Яшнар МЎМИНОВА**

Саҳифаловчи-диз@йнер: **Ғафуржон МАДАЛОВ**

Мусаҳҳиҳ: **Муяссар ИБРОҲИМОВА**

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди. Матилардаги маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул. Таҳририят барча ижодий ишларни белгиланган тартибда таҳрир этишга ҳақлидир. Журналдан кўчириб босилганда манба номи кўрсатилиши шарт.
e-mail: boburvadunyo@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 26 мартда 0954-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган. Журнал йилига 4 марта, ҳар 3 ойда бир марта чоп этилади.

Босмахонага топширилди 2021 йил 21 июнь соат 10:00 да.
Босишга рухсат этилди: 2021 йил 22 июнь соат 16:00 да.
Бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозида босилди.
Шартли босма тобоғи 9.
420 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Журнал «Standart Poligraph Books» МЧЖ босмахонасида нашр этилди.

Таҳририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-18-67, факс: 241-09-21.
Нашр индекси: 2543

Босмахона манзили: Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12-Б уй.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



Алишер Навоий асарларининг
нодир нусхаларидан бири
(ЎзР ФА Давлат адабиёт музей фонди).
1529 йил кўчирилган Навоийнинг терма девони,
олтин суви юритилиб безалган қўш унвонли саҳифа.



Кобул атрофидаги Хўжа Сеёрон чашмаси (вв. 180б, 181б)

«Бобурнома» расмлари (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970 й.) китоб-альбомидан олинди.